Интеркультурные лакуны связаны с теми культурными явлениями и традициями, которые присущи данному народу. К этому типу лакун относятся как слова, обозначающие те или иные явления и предметы, так и целые словосочетания, и фразеологизмы, отражающие в себе национальную культурную специфику народа и уходящие корнями в глубокую историю. Такой тип лакун требует соответствующего толкования. И тем самым хорошего знания истории и культуры страны (вся его содержательная суть скрыта в очень компактной форме). Без прояснения соответствующей обстановки такие лакуны, а точнее вкладываемый в них смысл, зачастую могут оставаться непонятными русскоязычному коммуникантам.

К интеркультурным лакунам, на наш взгляд, можно отнести такие невербальные бытовые знаки узбекской культуры, как «пйёлани тўнкариб қўй» (положить (чашку, пиалу) дном вверх) – это сигнал тому, кто наливает чай, что данный человек насытился, закончил пить чай: «дастурхонни кайириш» (завернуть края дастархана) – кинема, свидетельствует о том, что гости больше не хотят есть и пищу можно убрать.

В отличие от лексических лакун, невербальные этнографические и интеркультурные лакуны не могут быть выявлены с достаточной точностью при помощи констатации отсутствия в одном из языков слова (словосочетания) для выражения образа или понятия, закрепленных в лексике другого языка, однако такого рода лакуны представляются наиболее интересными и с практической, и с теоретической точек зрения, позволяя приоткрыть глубину культуры народа.

В рамках той или иной культуры невербальные элементы наряду с вербальными обладают самостоятельной ценностью и несут значительную часть смысловой нагрузки сообщения. Именно Самостоятельная ценность неверbalного элемента представляет собой трудность при восприятии и может привести к нарушению коммуникации, поскольку вербальный элемент наилучше четко иллюстрирует нередко неосознанные различия в процессе общения, которые и составляют специфику лингвокультурной общности.

Г.Е. Крейдлин приводит яркий пример случая коммуникативного срыва при использовании колумбийского жеста, получившего название «амulet ящерицы», выраженный абсолютной лакуной как в русской, так и в американской коммуникативных культурах? Чернокожий студент из Колумбии, встретив идущих на контрольную работу девушек, белых американок-англосаксонок, подняла правую руку вверх, направив ее чуть вперед в сторону девушек. Указательный палец и мизинец руки

были тоже вытянуты вверх, а остальные пальцы сомкнуты в кулак: большой палец при этом лежал на среднем и безымянном. В тот момент молодой человек несколько раз повел, покрутил рукой из стороны в сторону. Девушки, оскорбившись и возмущившись, резко отвернулись, отошли в сторону. Молодой колумбиец был удивлен такой реакции девушек. Причиной взаимонепонимания послужила различная интерпретация одного и того же жеста. В Америке этот жест называется «рогоносец» и считается крайне неприличным, особенно в отношении к лицам противоположного пола. В колумбийской культуре данная жестовая форма называется «камулет ящерицы» и передает желание жестикулирующего предохранить адресата от возможной неудачи или зла, которое ему могут причинить. Этот жест выражает пожелание успеха. (9: 161).

Таким образом, чтобы понять механизм формирования этнического менталитета у представителей разных национальностей, чтобы избежать коммуникативного непонимания в повседневном общении, следует изучать не только современное состояние другой национальной культуры, но и сопоставлять его с традиционным соционормативным этикетом. Для реализации успешного общения большое значение приобретают исследования языкового сознания носителей разных культур и выявление общего и специфического в их языковых картинах мира.

#### Литература:

- 1 Тарасов Е.Ф. Межкультурное общение- новая онтология анализа языкового сознания // Этнокультурная специфика языкового сознания.- М., 1996-С 7-22
- 2 Тарасов Е.Ф. К построению теории межкультурного общения // Языковое сознание. Формирование и функционирование. – М 1998-. С 21-36
- 3 Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка: Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства.- М 1985
- 4 Сорокин Ю.А. Лакуны как сигналы специфики лингвокультурной общности // Национально – культурная специфика речевого общения народов СССР. – М.: Наука,1982, с 22
- 5 Марковина И.Ю. Лакуны как инструмент описания специфики локальных культур // Проблемы организации речевого общения. – М 1981 с 161-181
- 6 Марковина И.Ю. Эlimинирование лакун как действие социально – психологических механизмов межэтнического взаимодействия // Речевая деятельность. Языковое сознание. Общающиеся личности // Сб. научных трудов/ Под ред Е.Ф Тарасова – М – С 184-186
- 7 Глушенко Т.С. Феноменология паралингвистической лакунарности в русской и англо-американской лингвокультурах // Лакуны в языке и речи// Сб. научных трудов/ Под ред. Ю.А. Сорокина, Г.В. Быковой.- Благовещенск. – С. 33-39
- 8 Голубева С.С. Проявление различных языковогосознания в разноязычной межкультурной коммуникации // Речевая деятельность. Языковое сознание. Общающиеся личности // Сб. научных трудов /Под ред Е.Ф. Тарасова.- М- С. 77-78
- 9 Крейдлин Г.Е. Кинесика // Григорьева С.А., Григорьев Н.В., Крейдлин Н.В. Словарь языка русских жестов.- Москва –Вена,2001

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада тиллар маданийти диалогида диалог коммуникация новербал алоқанинг аҳамияти тўғрисида ўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье обсуждается важность неверbalного общения в культуре диалога в языковой культуре диалога.

#### SUMMARY

This article discusses the importance of non-verbal communication in the culture of dialogue in the language culture of dialogue.



## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### ELEKTRON DRSLIKLAR – TALABALAR MUSTAQIL TA'LIM OLISHLARINING MUHIM OMILI

Muratov X.X.

*Toshkent viloyati Chirchiq Davlat pedagogika institutida dotsent v.b.*

**Tayanch so'zlar:** axborot-kommunikasiya texnologiyalari, Internet texnologiyalari, elektron ta'lif, elektron ta'lif resurslar, multimedia, multimediali o'qitish.

**Ключевые слова:** информационные и коммуникационные технологии, Интернет-технологии, электронное обучение, ресурсы электронного обучения, мультимедиа, мультимедийное обучение.

**Key words:** information and communication technologies, Internet technologies, e-learning, e-learning resources, multimedia, multimedia learning.

Hozirgi kunda ta'lif jarayoniga axborot-kommunikasiya texnologiyalari kirib kelishi bilan birga, u ta'lifning samaradorligini oshirishda eng qulay omillardan biri bo'lib qolmoqda. Shuning uchun ham ilg'or mamlakatlar ta'lif tizimida kompyuter texnikasidan, zamonaviy axborotkommunikasiya texnologiyalaridan unumli foydalinishga qaratilgan ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Jumladan, jahoning yetakchi olimlari ta'lif oluvchilarga o'quv materiallarini axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida yetkazish, ta'lifning axborotlashuvi, mobillashuvi va integratsiyalashuvi sharoitida elektron ta'lif mazmunini takomillashtirishga qaratilgan ilmiy izlanishlarni, shu jumladan, Avstraliya, Buyuk Britaniya, Aqsh, Finlyandiya, Rossiya kabi rivojlangan mamlakatlarning maktablarida masofadan o'qitish texnologiyalaridan foydalangan holda elektron ta'lifdan foydalinishga asoslangan o'quvchilarning ta'lif faoliyatini individuallashtirishga bo'lgan yondashuvlarni amalga oshirmoqdalar.

bugungi kunda zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanim o'quv jarayonini tashkil etish va takomillashtirishga bag'ishlangan ko'plabilmuy-tadqiqotishlari olib borilgan va olib borilmoqda. Xususan, respublikamizda ta'limga axborot texnologiyalarini joriy etish, ta'linda elektron axborot resurslari tushunchasi, pedagogik dasturiy vositalar va elektron o'quv-uslubiy adabiyotlar yaratish muammolari A.A.Abduqodirov, M.M.Arifov, U.Sh.Begimqulov, M.Zakirova, A.Nishanov, N.K.Sobirova, R.H.Hamdamov, U.Yu.Yuldashev, Q.T.Olimov, N.A.Muslimov, N.I.Taylaqov, M.N.Soy, A.G.Hayitovlarning ishlari diqqatga sazovordir.

Lekin afsuski, hozir oliy ta'lif tizimida talabalarning mustaqil ta'lif olishlari uchun

axborot texnologiyalaridan yetarlicha foydalanimayapti desak to‘g‘ri bo‘ladi. Talabalarga fanlardan shunday elektron darsliklar yartish kerakki, undan mustaqil foydalanganda professor-o‘qituvchilar talabaning bajarayotgan barcha amallarini nazorat qila olishi lozim. Professor-o‘qituvchilar talabaning mustaqil ta‘lim olishini tashkil etishi va boshqarishi lozim. Shu natijaga erishgandagina olivy ta‘limda talabaning mustaqil ta‘lim olishidan aniq maqsadga erisha olishimiz mumkin. Buning yagona yo‘li, raqamli texnologiyalarni yaxshi o‘zlashtirish, jadallik bilan uni fanga olib kirish, elektron darsliklar yaratish samaradorligini oshirish va uni amalyotga tadbiq qilib, talabalarga mustaqil ta‘lim olishlari uchun taqdim etish zarurdir.

Umuman olganda, hozirgi kunda jamiyatni standart sanoatlashgan iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o‘tishi kuzatilmoque da. Yangi iqtisodiyot mijozlari – foydalanuvchilar iqtisodiyoti hisoblanadi, shuning uchun jahon axborot va telekommunikatsiya sanoatini rivojlanishini asosiy omili keng ko‘lamda yangi avlod xizmatlarini taqdirm etish bo‘lib kelmoqda.

Prezident Shavkat Mirziyoev ilm-ma’rifat va texnologiyalar rivojiga alohida ahamiyat qaratib: “Taraqqiyotga erishish uchun, raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo‘lidan borish imkoniyatini beradi” deb ta‘kidlagan edi. Darhaqiqat ta‘lim tizimining kelajagini raqamli texnologiyalarsiz rivojlanтир bo‘lmaydi.

Ta‘limda fan va ishlab chiqarish bilan integrasiyasining asosli mexanizmlarini ishlab chiqish, uni amaliyotga joriy etish, o‘qishni, mustaqil masofaviy ta‘lim tizimi bilim olishni individuallashtirish, texnologiyasini ishlab chiqish va o‘zlashtirish, yangi pedagogik hamda axborot texnologiyalari asosida electron ta‘limdan foydalangan holda talabalar o‘qishini jadallashtirish ana shunday dolzarb vazifalar sirasiga kiradi. O‘quv jarayonini electron ta‘lim asosida tashkil etish, shu jumladan, o‘quv materiallarini bayon etishni takomillashtirish tamoyillariga ma‘lum o‘zgartirishlar kiritish kerak bo‘ladi. Bunda ta‘lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish va ulardan foydalanish maqsadga erishishdagi eng samarali yo‘ldiri.

Bugungi kunda olivy ta‘lim muassasalaridagi axborot ta‘lim muhitiga o‘zaro axborotli ta’sir muhiti sifatida qaralib, talabalar, magistrantlar hamda ilmiy izlanuvchilarining axborotga, maxsus apparat va dasturiy vositalarga bo‘lgan talab-ehtiyojlарини qondirish maqsadi ko‘zda tutiladi.

Mazkur axborotli o‘zaroaloqa tarkibiga: insonlararo kommunikatsiya vositalari (elektron pochta, telefon aloqasi, chatlar, forumlar, videokonferensiyalar va boshqalar), tashqi va ichki axborot resurslariga ularish, shuningdek, o‘quvchilarga taqdirm etiladigan axborot resurslarining o‘zi kiradi. Olyi ta‘lim muassasalarini asosiy axborot resurslarini turli fanlarni o‘rganishga oid elektron darsliklar tashkil etadi. elektron darslik deyarli barcha axborotli materiallarni yagona axborot majmuasiga jamlash imkonini beradi. Bundan tashqari, unda hozirgi kunda talab etiladigan zarur interaktivlik, ko‘rgazmalilik, mobillik, ixchamlik va ularni ko‘paytirishda kam xarajat sarflash, ko‘p variantlilik, ko‘p bosqichlilik hamda tekshirish uchun topshiriqlar va testlar hajmining ko‘p bo‘lishini ta‘minlaydi. Zamonaviy elektron darsliklarining afzalligi, avvalo, o‘quv jarayonida o‘quvchilarning mustaqillik va faoliy rolini samarali tashkil etishdan iborat. Ta‘lim jarayoniga elektron darslikni joriy etish talabalarga fan bo‘yicha axborotning to‘liq manzarasini namoyish etish, o‘quv materialini mustaqil o‘zlashtirishini ta‘minlash, o‘qitishni individuallashtirish, nazorat va o‘z-o‘zini nazoratni takomillashtirish, o‘quv jarayonini natijaviyligini oshirishga yordam beradi. Bundan tashqari, zamonaviy elektron darsliklarning afzalligiga dars jarayonining yanada qiziqarli o‘tishini ta‘minlash xususiyatini kiritish mumkin.

Talabalar mustaqil tayyorgarligi jarayonida mazkur vositalardan foydalanish ta'limgizimidi odatiy bo'lgan o'qitish vazifasi faqat o'qituvchiga taalluqli bo'lgan, tipik vaziyatni o'zgartiradi. elektron darslik talabaga taqdim etilayotgan o'quv axborotlarini erkin qabul qilish, ularni individuallik xususiyatiga ko'ra, o'zlashtirishda o'qituvchining o'qitish funksiyasi talabaning o'ziga o'tadi. Bunda o'qituvchi o'quvchini faqat qo'llab-quvvatlaydi, o'quv axborotlari oqimidan samarali foydalanish hamda yuzaga keladigan muammolarni hal etishga yordam beradi.

Elektron darslikni yaratishda uning ayrim muhim jihatlariga alohida e'tibor qaratish zarur. Bugungi kunda elektron darslik mazmuni albatta yangi avlod talablariga muvofiq kelishi, shuningdek, bilimlar sohasida zamonaviy ilmiy-teknik taraqqiyot darajasiga javob berishi shart. Elektron darsliklar tuzilmasi ikki mantiqiyl o'zaro aloqador elementlar yoki modullardan iborat bo'lishi shart. Alohida modulni ishlab chiqish yoki ko'rib chiqishda ular turli xususiy masalalarni hal etishga yo'naltirilgan xususiyatga ega bo'lsada, umumiyl maqsadli alohida elektron o'quv material mazmunda ochilishi shart. elektron darslik interfeysi shunday tashkil etiladiki, u qat'iy ifodali ko'rinishga ega bo'lishi, ko'rgazmali vositalar paneli foydalanuvchi uchun ishslash texnologiyasini o'zlashtirishda sodda bo'lishi shart (1-rasm).



1-rasm

Elektron darsliklarni tayyorlashda bugungi kunda quyidagi dasturiy ta'minotlardan foydalanshni tavsiya etamiz. Tavsiya etilayotgan dasturiy ta'minotlarda, word, pdf, taqdimot, internet havolalari bilan ishslash, animatsiyalar qilish, html faylli interaktiv dasturiy vositalar yartish, elektron darsliklarni APK faylda (mobil formatga moslash), krossword, test, glossarly video, audio va boshqa ko'plab talim dasturlarini yaratish va bir muhitga birlashtirish imkoniyatlari mavjud:

- Power Point +iSpring;
- focusky;
- ActivePresenter;
- CourseLab;
- Adobe Captivate;
- Auto Play;
- Eclipse Crossword;
- Flip PDF profesional;
- Scratch;
- android-studio;
- Website.2.APK.Builder;
- Wondershare Flash Gallery Factory Deluxe Setup;
- Articulate 360.

Elektron darslikdan foydalanishda o'quv kursi mazmunining kelgusida takomillashuviga modernizatsiyasi texnologik jihatdan murakkablashmasligi imkoniyatini hisobga olish shart. elektron darslik maksimal darajada interaktiv, yetarli darajada multimediyali ma'lumotlarga ega, zarur o'quv axborotlarini izlashda qulayliklarga ega bo'lishi lozim.

Talabalarni kasbiy va mutaxassislik fanlar bo'yicha elektron o'quv resurslaridan foydalanishga o'rgatishda o'qituvchi ularni o'quv faoliyatini to'g'ri taqsimlashga o'rgatishi zarur. Quyi bosqich talabalari o'quv materiali bilan ishslashda yetarli darajada tajriba va malakalarga ega emasliklarini hisobga olish lozim va shu sababli o'qituvchidan talabalarga mustaqil ishslash usullari va metodlarini o'zlashtirishlariga yordam berib, katta e'tibor bilan mazkur jarayonni boshqarish talab etiladi. Talabalarning yuqori bosqich kurslarga ko'tarilib borishlari bilan bunday ish usullari o'zgarib boradi.

O'qituvchi muntazam ravishda, talabalarga o'quv topshiriqlarini murakkablashtirib borib, mustaqil ishslash vaqtini o'zgartirish, ularda individual ishslashga qiziqishni, mustaqil ta'limga intilishini kuchaytirishi zarur. Yuqori bosqich talabalari uchun ijodiy tafakkurni rivojlantirishga yordam beruvchi individual toshiriqlardan foydalanish mumkin. Talabalarni bilan o'zaro hamkorlikda elektron darslikdan foydalanish va o'quv jarayonini tashkil etish an'anaviy o'quv vositalariga nisbatan quyidagi afzalliliklarga ega, jumladan:

- ✓ har qanday geografik nuqtadan o'quv materiallariiga ularish kafolatlanishi;
- ✓ elektron materiallarni o'z vaqtida yetkazib berilishi;
- ✓ materiallarni izlashni osonlashtirish, sinovlarga imtihonlarga tayyorgarlikni yengillashtirilish;
- ✓ o'quv materiallariidan ish joylarida, uyda va mobil telefoni qurilmasini Internet tarmog'iiga ulab, yo'lda ham foydalanish imkoniyatining mavjudligi;
- ✓ elektron materiallarning o'z vaqtida va operativ yangilanishi kabilardan iborat.

Bugungi kunda elektron darslikning texnologik asoslari va mazmun-mohiyati tubdan o'zgarib bormoqda. Tekstografik axborotli mazmunga ega ta'limga majmualari o'mniga ovoz, animatsiya, video imkoniyatiga ega, virtual laboratoriya amaliyotlari, qidirish va ekspert tizimlari moduli hamda ichki dasturiy - didaktik algoritmlar, multimediyali va interaktiv komplekslar kirib keldi.

Xulosa qilib shularni aytish mumkinki, elektron darsliklar ta'limga jarayonini takomillashtirish, o'qitishning boshqa shakllari, shu jumladan, innovatsion pedagogik texnologiyalar hamda masofaviy ta'limga texnologiyalari bilan uzviylikda tashkil etishda o'z dolzarbligini yo'qotmaydi, balki ta'limga istiqbollarini ta'minlashda yanada katta e'tiborni talab etadi.

#### Adabiyotlar:

1. Begimkulov U.Sh. Pedagogik ta'limga zamonaliv axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazarini asoslari. Monografiya. – T.: Fan, 2007.
2. Baymetov B.B., Muratov X.X. Tasviriy san'atdan amaliy mashg'ulotlarida talabalarning tasvirlash mahoratlarni takomillashtirish texnologiyalari. Science and education scientific journal. VOLUME 2, ISSUE 1. 2021. 349-356.
3. Baymetov B.B., Muratov X.X. Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Solid State Technology. 2020/2/29. Vol. 63 № 2 (2020). 224-231.
4. Muratov X.X. Implementation of independent educational activities of students. European journal of research and reflection in educational sciences. vol. 7 no. 12, 2019. ISSN 2056-5852. 25-25.
5. Muratov X.X. Tasviriy san'at fanidan mustaqil ta'limga tashkil etish va boshqarishda – iSpring dasturiy ta'minotining ahamiyati. Academic Research in Educational Sciences. 2020. Vol. 1 No. 2, 2020. 73-84.
6. Muratov X.X., Yusupova Sh.A. Umumiyl o'rta ta'limga maktablarida dars mashg'ulotlarini autoplay media studio dasturi orqali integratsiyalash. Academic Research in Educational Sciences. Volume 1 | Issue 3 | 2020. 202-208.

РЕЗЮМЕ

O'quv jarayonini elektron ta'l'm asosida tashkil etish, shu jumladan, o'quv materiallarini bayon etishni takomillashtirish tamoyillariga ma'lum o'zgartirishlar kiritish, fanlardan elektron darsliklar tayyorlash. Elektron darsliklarning talabalarini mustaqil ta'l'm olishdagi afzalliklari, elektron darsliklarni tayyorlashda zamonaviy dasturiy ta'minotlardan keng foydalish haqida so'z boradi.

РЕЗЮМЕ

Организация учебного процесса на основе электронного обучения, включая определенные изменения в принципах совершенствования подачи учебных материалов, подготовки электронных учебников по предметам. Преимущества электронных учебников для самостоятельного обучения студентов, широкое использование современного программного обеспечения при составлении электронных учебников.

SUMMARY

Organization of the educational process on the basis of e-learning, including certain chanGES in the principles of improving the presentation of educational materials, the preparation of electronic textbooks in the subjects. The advantaGES of e-textbooks for students to study independently, the widespread use of modern software in the preparation of e-textbooks.

---

## ИЖТИМОЙЛАШУВ ОМИЛЛАРИНИНГ ШАХС КАМОЛОТИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Пардаев Б.*

*ТДПУ Бошлангич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таяинч сўзлар:** ижтимоийлашув, агент, муҳит ижтимоийлашув жараёни, ижтимоий тажриба, омил, ривожланиш.

**Ключевые слова:** социализация, агент, окружающая среда, процесс социализации, социальный опыт, фактор, развития.

**Key words:** socialization, agent, environment, socialization process, social experience, factor, development.

Ўзбекистонда юзага келган ижтимоий-маданий муҳит ёш авлод ижтимоийлашуви масаласини педагогика фанининг устувор вазифаларидан бирига айлантириди. Ўзини англаш, ўзлигини намоён қилиш, ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини тарбиялаш кўнникмалари, ҳаётда ўз ўрнини мустақил белгилай олиши сингари шахсий хусусиятларни тарбиялаш ижтимоийлашув жараёнининг асосий мақсади саналади. Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоийлашуви борасида чукур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу хусусида юртбошимиз Шавкат Мириёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида: “Сайёрамизнинг эртаги куни, фарновонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўйлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён килиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”, - деб таъкидлайди.[1. 3-б.]

Мақоламиизда педагогиканинг муҳим категорияси саналадиган ижтимоийлашув омилларининг ёшлар таълим-тарбиясида тутган ўрни, мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилади. Шахс ижтимоийлашуви муаммолари юзасидан А.В.Мудрик, Ф.А. Муставаева, Л.В. Мардахаев, Ю.В. Василькова, М.Н. Галагузова И.А.Липский, Х.Ибрагимов, Ш. Абдуллаева, А.Зуннунов, М. Тоҳтаходжаева, Н.Эгамбердева, Д.Шарипова ва бошقا хориж ва мамлакатимиз олимлари илмий тадқиқот олиб боришган. Даставвалмуаммонинг мазмуннива унинг илдизларига назар ташлаймиз.

**Ижтимоийлашув деб индивиднинг ўзи мансуб бўлган ижтимоий муҳит (социум) да мавжуд ижтимоий меъёрлар, маданий қадриятлар ижтимоий хулқ**

**нормаларини ўзлаштириши асосида шу жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланнишига айтилади.**

Инсонга ижтимоий мавжудот сифатида қараш фикри энг қадим замонларга, Конфуций, Платон ва Аристотел давларига бориб тақалади. Платон “Давлат” асарида болаларни ёшлигидан бошлаб ижтимоий тарбиялаш ғоясини илгари суради ва уни ташкил этишининг муайян тизимини таклиф қиласди. Буюк файласуф Платоннинг “фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегиши эмас, улар келгуси замон одамларидир”-деган ҳикматлари ҳозирги даврда ота-оналар ҳамда мураббийлар учун ҳам қимматлайдир [3. 266-б.]

Ҳозирги замон фанида “ижтимоийлашув” атамаси шахсга нисбатан илк бор америка социологи Ф.Г. Гиддингснинг 1887 йилда нашр қилинган «Ижтимоийлашув назарияси» асарида қўлланилган. Ижтимоийлашув Гиддингс нуктаи назарича, “инсон материалини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда индивид характеристи ёки ижтимоий табиатини ривожлантириши англатади .[6. 201-б.]

Ижтимоийлашув жараёнида индивиднинг жамият билан турли шакллардаги ҳамкорлиги натижасига шахсга нисбатан муайян таъсири юзага келади. Ана шу таъсирлар жамланмасига ижтимоийлашув омиллари деб юритилади. Ирсият, ижтимоий муҳит, таълим ва тарбия билан бир каторда шахс ривожланишида ҳар бир индивид учун ноёб аҳамият қасб этадиган катор омиллар мавжуд. Куйида улар хусусида фикр юритилади.

А.В. Мудрик инсоннинг ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатадиган омилларни куйидаги тўрт гурухда тасаввур қиласди: мегаомиллар - коинот, сайёра, олам, Интернет; макроомиллар – мамлакат, элат, жамият, давлат; мезоомиллар – катта гурухдаги одамларнинг яшаш худуди, ўрни ва турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоийлашуви шарт-шароитлари (регион, қишлоқ, овул, шахар), у ёки бу ижтимоий-маданий адодкорлигига кўра; микроомиллар – оила, маҳалла, тенгдошлари, тарбиячилар ва бошқа микро ижтимоий муҳит субъектлари [5, с. 48-б.]

Шахс ижтимоийлашувининг муҳим омили сифатида, биринчи навбатда, биологик омиллар эътироф этилади. Инсоннинг ижтимоийлашувида унинг биологик мавжудот, тирик организм эканлигини, унинг ривожланиши биологик ва физиологик қонуниятларга бўйсунишини инобатга олмаслик мумкин эмас. Яъни инсон табиатан маълум бир туғма сифат, хусусиятлар билан дунёга келади, уларни ирсий мерос қилиб олади. Мана шу мерос қилиб олинган биологик ва физиологик сифатлар шахснинг ижтимоийлашуви учун зарур бўлган ижтимоий ролларни ўзлаштиришида қобилиятлар даражасига ўсіб этишида асосий ролни жамиятда мавжуд шароитлар таркиби белгилаб беради. Шундай қилиб, биологик омилларнинг шахс ижтимоийлашувига бўлган таъсирини билвосита ёки иккинчи даражали омиллар сифатида эътироф этиши мумкин бўлади.

Шахснинг ижтимоийлашунининг муҳим омилларидан бири оила ҳисобланади. Оила бола учун биринчи ва энг яқин ижтимоий кўргон саналади, ва боланинг ижтимоийлашувида етакчи муҳит сифатида муҳим из қолдиради. Н.Эгамбердиева бу хусусида шундай ёзади: «Оилага кириш — маълум эмоционал муносабатлар тизимида иштирок этиш, шу ижтимоий гурухга мансуб бўлиш, у билан умумий тарихга эга бўлиш, белгиланган жойда истикомат қилиш демакдир. Айrim ҳозирги замон оиласлари ўз бошидан жиддий инкизозиши бошидан кечирмоқда, ичкни оиласидан муносабатларга путур етмоқда, болалар ва ота-оналар орасида бегоналашув ҳолатлари ортиб бормоқда, ажримлар ва тўлиқ бўлмаган оиласлар микдори кўпаймоқда, туғилиш дара-

жаси пасайиб, болалар саломатлиги ёмонлашмоқда. Катта ўшдагиларнинг моддий бойликларга бўлган интилишларининг қучайиши натижасида уларнинг асосий вазифалари бўлган бола тарбиясидаги роли оммавий аҳборот воситалари, болаларнинг кўчадаги тенгдошлари, шунингдек, бевосита болаларнинг ўзларига колиб кетмоқда. Оилаларнинг ўзининг бола ижтимоийлашуви билан боғлиқ бўлган аксар вазифаларининг ижтимоийлаштириш институтларига бериб қўйишлари шахснинг ижтимоийлашувида турли омиллар таъсирида зиддият, ўзаро келишмовчилик ва номувофиқларни келтириб чиқармоқда» [7. 119-б.].

Айнан оила боланинг жамиятга киришига ёрдам беради, унга исм кўяди, узоқ тарихга бориб тақаладиган шажарага эга қиласи, болани жамиятда мавжуд коидаларга мос тарзда ўзини тутиш, бошқа инсонлар билан мулоқотга ўргатади. Бола оиласида бор жинсбилибонги ижтимоий роллартақсимотинианглабетади. Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар оила тараққиётига таъсир этади. Оиласидаги таълим-тарбия хусусиятлари эса жамиятда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оила ва жамият ўзаро боғлиқ холда тараққий этиб, ривожланади. Афусуски, кейинги ийлларда жамиятнинг муҳим бўйини саналадиган оила ижтимоий институти муносабатларига путур етмоқда. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг IV курултойидаги нутқида: “Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноконуний миграция, «оммавий маданият» каби хавфхатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал килиб келган эътиодлар, оиласий қадриятларга путур етказмоқда”, -деб таъкидлайди. [2. 2-б.] Мазкур муаммоларга ечим топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-мальявий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаши тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон фармони билан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда “Маҳалла” ўкув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизида Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлигининг “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилган.

Ижтимоийлашув омилларидан яна бир аҳамиятга молик гурухини боланинг тенгдошлари, маҳалладаги ўртоклари ташкил қиласи. Шу боис ота-оналар имкон доирасида ўз фарзандларининг куршовидаги болаларнинг ижтимоий соғломлигига алоҳида эътибор қартишлари зарур. Бунда болаларнинг бўш вактларини тўғри ташкил қилиш ёзги оромгоҳлар, турли спорт ва санъат, ижодий тўғаракларга жалб қилиш, мустакил ва ижодий тафаккүрга ўргатиш ўта муҳим. Болаларни бу каби фаолият турларига ўргатиш уларнинг мулоқот маданияти, касб танлаши, жисмонан ва маънан соғлом бўлишлари, ўз хатти-харакатлари учун масъулиятли бўлишларига ўзининг таъсирини кўрсатади. Ўғил ва қизларда мулоқот кўнинмаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши нафакат яқин танишлари, балки турли ҳаётий вазиятларда учрайдиган ўзаро муносабатларда, визуал мулоқот шаклларида ҳам уларга қатор устунликларни беради.

Мобил телефонлар бола ҳаётининг ажралмас таркиби кисмига айланиб улгурди, айрим ота-оналар фарзандларини буткул чекласалар, бা�ъзилари болаларининг уяли алоқа воситалари, Интернет тармогида турли сайтлардан фойдаланиш сифати ва вактини назорат қиласидilar. Аксарият ҳолларда болалар бу тармоқларга ўз билимларини ошириш, берилган вазифаларга мукаммал жавоб топиш мақсадида кирадилар. Назоратни тўғри ташкил қилиш болаларнинг интернет қарамлигига дучор

бўлишларининг олдини олади, тоза ҳавода дўстлар даврасида ўйнаш болаларнинг умумий ривожланишига яқиндан ёрдам беради.

Кўпинча ота-оналар фарзандларининг носоғлом оила мухитида катта бўлаётган тенгдошлари билан мулоқот қилишларини исташмайди. Бундан муайян максадлар - боланинг умумий ривожланишига ёмон намуна бўладиган иллатларни ўзлаштираслиги, сўкиниш, ичиш, чекиш каби салбий таъсирларга берилмаслиги кабилар кўзда тутилади. Улар болани ташки мухит таъсири, унда мавжуд муаммалардан тамомила чегаралб ололмайди. Шунинг учун болага бундай мулоқотларнинг якуний натижалари нимага олиб келишини ётиғи билан тўғри тушунтириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Айрим ота-оналар эса ҳатто тарбияси оғир болаларга ҳам ижобий таъсир чораларини шахсий намуна асосида сингдиришга ҳаракат килади ва фарзандининг бундай болалар билан мулоқотига монелик кўрсатмайди, назорат кучайтиради.

Боланинг ижтимоийлашувнинг муҳим шартларидан бири уни ўраб турган тоза экологик мухит, соғломлаштириш амалиёти, шахсий ўрнак асосида шакллантирилайдиган соғлом турмуш тарзи ҳисобланади. Бунда ота-она, ўқитувчи, оиласдаги катта ёшдаги вакиллар болага намуна бўлишлари талаб этилади.

Шахснинг самарали ижтимоийлашувини таъминлашда уни мутолаага ўргатиш ўта муҳим сифатлардан саналади. Бунда ҳам ота-она, бошлангич синф ўқувчilarининг ролини алоҳида эътироф этиш керак бўлади. Боланинг бадиий асар ўқишини рағбатлантириш, унда фаолиятининг натижасидан қаноатланиш, фаҳр хиссини туйиш мақсадида ўқитувчи боланинг ўзлигини намоён этиши, ўқиганларини бошқалар билан ўртоқлашиши учун шароит яратиги бериси ва унинг мунтазамлигини таъминлашга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

Бола ижтимоийлашуви ва ўзлигини ифода этишида шахсий кенглик мухитини яратиш яхши самара беради. Бунда боланинг ўз алоҳида хонаси, кровати, шахсий буюмлари, ўкув куроллари ва иш столининг бўлиши назарда тутилмоқда. Бу уларнинг базизида ёлғиз қолишли, ўйлашлари, ҳатти-ҳаракатларини режалаштириб олишларида ёрдам беради.

Бола ижтимоийлашувини таълим тизимида олдидағи олам, табиат ва жамият конуниятлари, аждодлар ўғитини ўзлаштиради, илмий дунёқарашини шакллантиради. Бирламчи ижтимоийлашув жараённида шаклланган билим, кўникма ва малакаларининг янги ахборотлар хисобига бойишига мушарраф бўлади. Нисбатан мукаммал ва масъулиятли ижтимоий ролларни ўзлаштириш имконига эга бўлади. Жараённи тўғри ташкил қилишда оила ва мактаб ҳамкорлиги, болага шахс сифатида муносабатда бўлиш, фикрлари, тасаввурларини тўғри ўйналтириш, ўзи еча олмаган майший муаммоларида ёрдам бериш унинг муваффакиятли ижтимоийлашувининг гарови саналади.

Таълим тизими олдидағи давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикаси «Қадрлар тайёрлаш миллый дастури»нинг асосий ғояларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллый дастури» юксак умумий маданиятга, касб-хунар қўнимкамларига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мантикий мушоҳада килиш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги муаммоламинг оқилюна оладиган кадрлар янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама барқамол, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда мукаммал ўзлаштирган, масоулиятли фуқаролами тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради. Шахсада дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўна!иш ва

мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади. Ёш авлод дунёкарашининг шаклланишида таълим мусассаларида ўқитилиши йўлга юйилган табий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Шахснинг маънавий-ахлоқий киёфаси, ҳаётий ёндушувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган кадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар мөҳияти и эга бўлган дунёкараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёкарашининг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди.[4. 288-б.]

Ҳозирги шаронитда оила ва таълим ва бошқа санаб ўтилган омиллар ўз ўринларини таъсир доираси тобора ошиб бораётган ОАВ ҳамда Интернет каби ижтимоийлаштириш агентларига бўшатиб бермоқда. Интернет орқали ёшлар тушиб колаётган виртуал олам оиласда, тенгдошлари даврасида реал ҳаётда дуч келадиган ички ва ташки зиддиятларни сенгиб ўтиш, кайфияти, карашлари, ҳаётий позицияларида, хиссийет ва эмоцияларини билдиришда ҳаракатлар эркинлигини тақдим этади, ўз навбатида, болада интернет-қарамлик ҳолатининг шаклланишига олиб келади. Шунингдек, глобал тармоқдаги зўровонликнинг тарғиботи шахс шахс шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирида ёшлар миллий ва умуминсоний кадриятларга хар бўлмаган ноахлоқий ва ноинсоний ишларга қўл уришгача бориб етишмоқда, шу боис бу масалага итимоийлаштириш агентларининг, айниқса оиласлагиларнинг эътиборларини кучайтириш керав бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, авлоддан-авлодга ўтказиб берилган боланинг ирсий-биологик омиллари, оила, таълим-тарбия мухити, экологик мухит омиллари, техник ва технологик ахборот хуружлари ва ҳоказолар педагоглар эътибор беришлари лозим бўлган шарт-шароитлар ва омиллар сирасига киради. Демак, боланинг ривожланишига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатувчи омилларга алоҳида эътибор қартиш тарбиячи ва ўқитувчилар ҳамда ота-оналар зиммасига ўта масъулитли вазифаларни юклайди ҳамда боланинг муваффакиятли ижтимоийлашувини таъминлашнинг гарови ҳисобланади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курулотийдаги нутки.1.07.2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг72-сессиясида сўзлаган нуткидан. 20.09.2017 й.
3. Зунуннов А. Педагогика тарихи дарслик.Шарқ.Т.2004 266-бет
4. Х. Ибрагимов, Ш. Абдуллаева. Педагогика назарияси (дарслик). Т., «Фан ва технология», 2008, 288 бет.
5. Мудрик А. В. Социализация человека : учеб. пособие. 3-е изд., испр. и доп. М.: МПСИ ; Воронеж : МОДЭК, 2010. 48-бет.
6. Педагогическая энциклопедия. Фан.Т. 2001.201-бет
7. Этамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашириётӣ. Тошкент -2009. 119-бет.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур маколада шахс ижтимоийлашуви жараёни, унинг тарқибий кисмлари ва омиллари хусусида фикр юритилади. Шунингдек, шахс ижтимоийлашуви агентлари ва институтларининг ўқувчилар ижтимоий тажрибаларини тўглашдаги роли ҳамда ижтимоийлашув категориясининг бошқа педагогик катеноријалар орасида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида гап боради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается процесс социализации личности, его составляющие и факторы. Также обсуждается роль агентов и институтов личной социализации в накоплении социального опыта учащихся, а также роль и важность категории социализации среди других педагогических категорий.

## SUMMARY

The article examines the process of socialization of the individual, its components and factors. It also discusses the role of agents and institutions of personal socialization in the accumulation of social experience of students, as well as the role and importance of the category of socialization among other pedagogical categories.

## ТАЛАБАЛАРГА КУЛОЛЧИЛИК САНЬЯТИНИ ЎРГАТИШДА БАДИЙ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ЎРНИ

*Гулямов К. М.*

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти доценти, педагогика фанлари номзоди*

*Орифова Н. С.*

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти I-курс магистранти*

**Таянч сўзлар:** бадий лойиҳалаш, бадий кулолчилик, фазовий фикрлаш, лойиҳалаш усули.

**Ключевые слова:** проектирование, художественная керамика, пространственное мышление, метод проектов.

**Key words:** design, art ceramics, spatial thinking, project method.

Бадий лойиҳалаш маданияти бутунги кунда узлуксиз таълим амалиётининг кўплаб йўналишларига киритилган бўлиб, бу биринчи навбатда мутахассисларнинг амалий тайёргарлигини кучайтиришга каратилган таълим мазмунини модернизация қилиш билан боғлиқ. Янги давлат таълим стандартлари шароитида бадий лойиҳалаш етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, бу амалиёт ўкув жараённида касбий кўнікмаларни шакллантириш ва ривожлантериш мақсадида машгулотларнинг фаол ва интерактив шаклларидан ўкув жараённида самарали фойдаланишни назарда тутади. Ушбу ёндашув инсонпарварлик шахсига йўналтирилган йўналишга ўтиш, инсоннинг муҳим куч, кобилият ва истеъоддларини ривожлантериши ва ўз-ўзини англаш билан боғлиқ бўлган замонавий таълим тизимининг мақсадларини ўзгартириш билан белгиланади.

Ўкув режаси доирасида талабаларга интеграциялашган таълим бериш ва фанлараро алоқа таълим жараёнини ўзгартиради, уни мақсадли ҳамда янада самарали килади. Фанларнинг узлуксизлиги ва улар орасидаги узвий алоқалар ижодий фикрлаш ҳамда ўтмиш анъаналар асосида мукаммал шаклларни лойиҳалаш ва бадий безаш кўнікмаларини ривожланишини таъминлайди [1, 111-б.].

Бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги талабалар фаолиятининг турли шаклларида амалга оширилиб, мазмунли ва касбий жиҳатларни ўз ичига олади. Олий таълим муассасаси битирувчиларнинг малакавий тавсифларида амалий безак санъатида бадий лойиҳалаш жараённида инсон фаолиятининг турли соҳалари – санъат, лойиҳалаш, технология, иқтисодиёт, социология ютуқларини бирлаштирган ва эстетик жиҳатдан мукаммал, сифатли, ноёб маҳсулотларни яратишга каратилган ижодий фаолият сифатида намоён бўлади.

Амалий безак санъати рассомининг касбий фаолиятининг обьектлари турли мақсадларга мўлжалланган санъат асарлари (маъмурӣ ва маиший бинолардаги безаклар, уй-рўзгор буюмлари, совға буюмлари ва бошқалар) ҳисобланади. Тайёргарликка мувофиқ амалий безак санъати рассоми аналитик, лойиҳалаш, экспериментал

тадқиқотлар, ишлаб чиқариш ва бошқариш, педагогик ва бошқа касбий фаолият турларини амалға ошириши мүмкін. Шуны ҳам таъқидлаш жоизки, ўрганиш жараённан талаба ижодий уюшмаларда мұаллифлик ва ижроцилик, бадий-технологик ишлаб чиқариш ва ижтимойттың амалға ошириши максадда мувофиқ. Натижада, жараённан лойиҳалаштириш қобилияты ва фаолият натижаси амалий безак санъат расоми касбина егаллашда асосий хисобланади. Шунингдек, текисликни ўзгартыриш, ҳажм ва текисликдаги ҳажмлар күлолчилик буюми композицияси устида ишлаш бўлажак мутахассиснинг фикрлаш қобилиятини аниқлади.

Хозирги вактда, шу жумладан бадий күлолчиликда лойиҳалашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг материалы моддий эмас, аммо рамзий шаклга эга. Бу белгини лойиҳалаш хусусиятлари, лойиҳалаш обьектини моделлаштириш нуқтаи назаридан бадий лойиҳалашни аклий фаолият жараённи сифатида кўриб чиқишига асос бўлади. Лойиҳа фаолияти инновацион, ижодий фаолиятлар сирасига киради, чунки у ҳақиқатни ўзгартыришни ўз ичига олади. Шунингдек, у бирлаштирилиши, ўзлаштирилиши ва такомиллаштирилиши мүмкін бўлган технология асосида курилади.

Бадий күлолчилик амалий безак санъати, шунингдек, дизайн ва маҳобатли безак санъати турларидан бири эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. «Бадий күлолчилик» тушунчasi жамоавий атаманинг маъносига эга бўлди, чунки ишлаб чиқариш технологиясининг умумийлиги вачинни, фаянс, маёлника, теракота ва бошқа күлолчилик буюмларидаги маҳсулотлар массасининг таркиби уларни бир гурӯхга бирлаштиради. Уларнинг барчаси лойдан ясалади, пишириш жараённан ўтади ва аксарият ҳолларда безатиш жараённи ҳам ўхшаш техникага эга. Шуни таъқидлаш жоизки, лойиҳалашнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, буюмнинг ташқи кўринишидан ҳам ажратиб туради [6].

Бадий күлолчилик санъатининг ўзига хос хусусиятларини ва уни қандай лойиҳалаштиришни тушуниш учун биз турли манбаларни таҳлил қилдик. Турли хил санъат турлари билан боғлиқ бўлган маҳсулот ва асарлар табиати, лойиҳалаш услуги, функциялари билан улар бадий күлолчиликдан принципијал жиҳатдан фарқ қиласди.

Мұаллифлар А.А.Хакимов, Д.В.Ташходжаева, М.К.Рахимов, С.Ш.Алиева, Ш.С.Ташходжаев, Х.Т.Умаров, А.И.Августиник, Л.Ф.Акунова, А.И.Захаров, В.А.Крапивин, Г.Е.Лукич, И.И.Мороз, Д.Бубико, Х.Круз, Р.Долорос, Х.Чаварра томонидан күлолчилик ишлаб чиқариш бўйича материалшунослик ва технология бўйича ихтисослашган адабиётларда күлолчилик ишлаб чиқариш, бадий күлолчиликнинг ривожланиши тарихи тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд. Күлолчилик хом ашёснинг ҳар хил турлари ва уни бойитиши усувлари, бадий күлолчилик ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари тасвирланган. Маҳсулотларни безаш усул ва йўллари батафсил тавсифланган. Бадий күлолчиликда лойиҳалаш услуги ўкув жараённи катта ахамиятга эга.

Технологик ва ишлаб чиқариш амалиётлари давомида талабалар күлолчилик маҳсулотларини оммавий ишлаб чиқариш шароитида барча талаблар ва бадий лойиҳалаш босқичлари билан батафсил танишадилар, зеро бу талаблар ўкув ва ижодий фаолият жараённанда мухим аҳамият касб этади.

Олий таълим мұассасасида бадий күлолчиликни ўргатишда бадий лойиҳалашни куйидаги таркибий қисмларга ажратиши мүмкін: бадий лойиҳалашнинг анъана-вий ва янги усувларидан самарали фойдаланиш, лойиҳалаш вазиятларини ўрганиш стратегияси ва усувларини танлаш, янги ғояларни излаш, муаммонинг тузилишини ўрганиш, баҳолаш услублари; бадий лойиҳа, дастур мақсадларини шаклланти-

риш, муаммоларни ҳал қилиш; мақсадларга эришиш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, уларнинг ўзаро муносабатларининг тузилишини яратиш; фаолиятнинг эстетик ва ахлоқий томонларини ҳисобга олган ҳолда муаммоларни ҳал қилишининг устувор йўналишларини аниқлаш; бадиий лойихаларни стилистик ечимининг умумлаштирилган варианatlарини ишлаб чиқиш, уларни таҳлил қилиш, оқибатларини прогноз қилиш, кўп мезон, ноаниклик шароитида муросали ечимларни топиш; бадиий лойихаларни амалга ошириши режалаштириш; конструктив, технологик, эстетик, услугбий, иқтисодий ва бошқа параметрларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларнинг бадиий лойихаларини ишлаб чиқиш; янги маҳсулотлар ва бадиий лойихаларни ишлаб чиқицда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

Амалий безак санъати рассомини тайёрлаш тизимида «Бадиий кулолчиликда лойихалаш» фани умумтаълим ва умумбадиий цикл фанлари томонидан шаклланган билим, кўнишка ва малакаларни бирлаштиради. Лойихалаш фаолиятининг ўзига хослиги, ўзлаштириш жараённида талабанинг фикрлашига алоҳида талабларни кўяди.

Талаба нафакат санъатнинг ушбу турини лойихалаш босқичларини ўзлаштириши, балки услуб, жанрлар бўйича ва энг мухими, рангтасвир, графика, хайкалтарошлиқ, мъеморчилик, лойихалаш ва амалий безак санъатининг барча турларини ривожлантириш йўналиш ва тенденцияларида эркин ижод қила олиши мақсадга мувофиқ. Асосий эътиборни замонавий санъатининг ҳозирги ҳолатига, ўзбек санъатининг ўзига хос хусусиятларига қартиши лозим, чунки битириувчи ушбу мухитда қайнаши, ижод қилиши келгусида касбий компетентли мутахассис бўллиб этишишида мухим аҳамият касб этади.

Айнан ушбу санъат турининг ўзига хослиги қулол-рассом касбий тафаккурининг ривожланиши ва шаклланишидаги хусусиятини белгилайди. Қулол-рассомнинг инновация қобилиятига таъсири этувчи мухим фазилатларидан бири унинг фазовий тафаккурининг юқори даражада ривожланганидадир.

Буюмнинг шакли устида ишләётган қулол-рассом ўзининг олдида турган бадиий лойихалаш вазифаларини ҳал қилиши маҳсулот шакли мазмунли, қулай бўлиши зарур. Шунингдек, буюм ишлаб чиқариш технологияси талабларига жавоб бериши ва гўзаллик ва кулагиллик фояларига мос келиши алоҳида аҳамият касб этади. Фояни излаш босқичлари моделнинг эскиз, коралама ва схемаларида қайд этилади, улардан энг яхшилари танланади сўнг батафсил ишлаб чиқилади. Излаш икки жиҳатдан – функционал ва шакл жиҳатидан амалга оширилади. Функционал таҳлилнинг мақсади – маҳсулот мақсадининг унинг функциясига мувофиқлигини аниқлаш. Шаклни таҳлил қилиш эса унинг тузилиш хусусиятларини аниқлашга имкон беради; ҳажмли-фазовий тузилиш, нисбат, маҳсулот шкаласи таҳлил килинади. Композицион шакллантириш усуллари лойихалаш обьектига образли яхлитликни етказиш учун мўлжалланган. Аммо бу сифат нафакат композицион вазифаларни муваффакиятли ҳал қилиши орқали эришилади – масалан, мутаносиблиқ, унинг элементларининг ифодали ритми, динамикаси ёки статик шакли, симметрия-ассиметрия, контраст-нуанс ва бошқалар. Бирор нарсанинг образини яхлитлик, тўлиқлик шаклига мослашишини таъминлайди [4].

Бадиий таълим нуқтаи назаридан бадиий лойихалаш сизга шаклни ҳажмли-фазовий ташкил этиш қонуниятларини, эмоционал-аклий таркиби чекланган воситалар билан ўтказиш тамойилларини ўзлаштиришга имкон беради, образли ва фазовий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради.

Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, А.Н.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, С.Л.Рубинштейн, Н.Ф.Тазылина, Д.Б.Эльконин каби файласуф, психолог-

педагог олимлар томонидан инсон тафаккурини ривожлантиришнинг кўп киррали муаммолари тадқик қилинган. Б.Г.Ананьев, Е.Н.Кабанова-Меллер, И.Я.Каплунович, В.А.Крутецкий, Ж.Пиаже, С.Л.Рубинштейн, В.С.Столетнев, И.С.Якиманская каби олимлар эса фазовий тафаккур тушунчаси, тузилиши, диагностикаси масалаларини ўрганишга катта ҳисса қўшганлар.

Маълумки, бир хил ўкув шароитида бўлган турли талабалар учун фазовий тафаккурни ривожлантириш бир хил бўлмайди. Бу фазовий тафаккур таркибида ўрганиш таъсирида нотекис ривожланаётган компонентлар мавжудлигидан далолат беради. Айниқса, ушбу компонентларни ўрганиш қизиқиш ўйготади. Уларни тавсифловчи кўрсаткичлар ақлий ривожланишининг ҳақиқий кўрсаткичлари хисобланади. Улар ақлий ривожланишининг индивидуал шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда билим, кўнишка ва малакаларни эгаллаш жараёнида шаклланадиган тафаккур таркибидаги ўша янги шаклланишларни акс этириди.

Кулолчилик санъатини ўрганаётган талабаларнинг ўкув ва ижодий фаолиятидаги компонентларнинг ўзаро таъсирини тушуниш учун биз қуйидаги таркибий қисмларни таҳжил килдик: идрок этиш, тасвирлаш ва фазовий фикрлаш механизмилари оркали лойиҳалаш жараёни, шунингдек лойиҳалашнинг нағижаси, хусусан лойиҳанинг техник жиҳатдан амалга оширилиши ва кулолчилик маҳсулотининг ўзи. Бадий кулолчиликнинг нағижаси пленер ва релефли кулолчилик буюмларини лойиҳалаш, ҳажмли буюмлар ва композицияларни лойиҳалаш, космосдаги ҳажмли композицияларни лойиҳалашга қаратилган ижодий вазифаларни ҳал этишга боғлиқ эканлиги аниқланди.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, талабаларда фазовий тафаккурнинг мувваффиятили ривожланишишининг мухим омилларидан бири бу профессор-ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятидир. Шунингдек, бу жараёнда талаба шахсиятининг шаклланиши қуйидаги тамойиллар туфайли амалга оширилиши мақсада мувофиқ: фаоллик, мустакиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик, талабанинг ўзини ўзи бошқаришга кодирлиги, яъни таълим траекториясини танлаши.

Хозирга келиб лойиҳалаш услубига мурожаат килиш, авваламбор, янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, уни ривожланиш муаммоларини кўриб чиқишига имкон берганлиги билан мухим аҳамият касб этади. Лойиҳалаш услуби талаба манфаатларига йўналтирилган бўлиб, билим ва қўникмаларни ривожлантириш тадқиқот фаолиятини рағбатлантирувчи вазифаларни бажариш оркали амалга оширилади ва аниқ нағижаларда ўз аксини топади. Д.Дъюи бунга қуйидагича таъриф берган: «муаммо фикрнинг мақсадини белгилайди, мақсад эса фикрлаш жараёнини бошқаради».

Лойиҳалаш усули асосида ўқитишини ташкил этиш масалалари рус олимлари П.П.Блонский, М.Ю.Бухаркина, В.В.Гузеев, Е.С.Полат, Н.Ю.Селевко ва чет эл олимлари Д.Дъюи, В.Киппаратик, М.Нолл, Р.Симсон ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган.

Е.С.Полатнинг сўзларига кўра: «Лойиҳалаш усулининг замонавий талкинида ҳар доим талаба учун субъектив ёки ижтимоий, касбий аҳамиятга эга бўлган муаммо мавжудлиги таҳмин қилинади. Инсоннинг интеллектуал ривожланиши учун турли хил ҳаракатларни бажариш етарили эмас, ҳатто у учун жуда қизик бўлса ҳам. Шу билан бирга, амалга оширилаётган фаолият муаммо, қийинчиллик зарур бўлган фикр билан рағбатлантирилиши аҳамиятли хисобланади. Ижтимоий ва касбий жиҳатдан мухим муаммоларга алоҳида эътибор қартиш лозим. Бундан ташкари, лойиҳалаш усули амалий характерга эга бўлиб, у факатгина белгилangan муаммони кўриб чиқиш, ўрганиш,

уни ҳал этиш йўлларини излашни эмас, балки олинган натижаларни амалиётга татбиқ этишин ҳам назарда тутади. Талаба олган билимларини ўзи учун муҳим бўлган муаммони ҳал қилиш учун қаерда ва қандай қилиб қўллаш мумкинлитетини тушуниши ва бу карорга сабабларни ҳам келтириши лозим. У турли хил қарашларни, муаммони ҳал қилишнинг турли хил ёндашувларини, яъни мақсадга мувофиқ равишда ахборот билан ишлашни ўрганиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, назарий-амалий фаолият, мустакил кузатишлар, тажриба-синов, лаборатория ишлари жараённида у ўз билимларини эгаллади, уни «лойиҳалаштиради». Натижада бу мавҳум илмий фикр эмас, балки унинг билимига айланади» [3, 199 -б.].

Фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш лойиҳа устида ишлашнинг ажralmas кисми бўлиб, турли ўқитиши стратегия ва услублари билан самарали таълим мухитини яратиш ва юқори фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга туртки бўлади. Лойиҳалаш усули мураккаблиги, муаммога йўналтирилганлиги туфайли мураккаб ва зарур дидактика муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усули хисобланади. Бинобарин, талаба жуда мураккаб аклий вазифаларни мустакил равишда якка ўзи ёки шерилари билан биргаликда ҳал қилишга тайёр бўлиши лозим.

Дидактикада талабаларнинг мустакил фикрлаш фаолияти шаклланишига қараб турли муаммолилик даражаси ишлаб чиқилган. PISA таълим ютукларининг халкаро тадқиқотлари мутахассислари муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган умумий таълим қобилиятларини шакллантиридилар: муаммони тушуниш; муаммони тавсифлаш; муаммога дуч келмоқ; муаммони ҳал қилиш; қарорни акс эттириш; муаммонинг ечими ҳақида хабар бериш.

Кулолчилик санъатини ўрганаётган талабаларнинг ўқув-ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатта олиб, биз амалиётта йўналтирилган, яъни очик, аниқ мувофиқлаштирилган ва ўртacha давомийлиги икки ойдан тўрт ойгача бўлган амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишига эътиборни қаратдик.

Лойиҳалашни ўқитиши методикаси ҳар бир лойиҳалаш босқичининг педагогик мақсадлари ва хусусиятларига мос равища талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини жонлантириш учун дидактик шарт-шароитларни аниқлашни ўз ичига олади. Шунинг учун биз кулолчилик санъатини ўргатишида талабаларнинг фазовий фикрлаш имкониятларини кўриб чиқиши мақсадида «Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» фани доирасида лойиҳалаш усулини танлаймиз. Ушбу ёндашув кулолчилик маҳсулотларини замонавий шароитларда яратиш учун лойиҳалаш жараёнини мақбуллаштиради.

Кейинги вактда инновацион технологияларнинг таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этилиши, таълим мазмунини бойитиш, уни такомиллаштириш ва талабалар билимини ошириш, ҳамкорлик ҳамда якка тартибда таълим олиш ва таълимни комплекс лойиҳалаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларда касбий компетентликни шакллантириш янги ижтимоий-маданий шароитларда ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, маънавий-моддий маданиятнинг юксак бадий намуналарини яратиш, атроф-муҳит обьектлари ҳамда турли буюмларни бадий лойиҳалаш учун анъанавий ва замонавий воситалар, метод ва технологияларни ўзлаштиришга кодир бўлган ракобатгардош, талаб даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

#### Адабиётлар:

- Гулямов К.М. Компетенцияий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаши тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТО’УТЕРА PRINT, 2020. – 156 б.
- Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проектичная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.

3. Полат, Е. С. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования : учеб. пособие для студ. вузов / Е. С. Полат, М. Ю. Бухаркина. – 2-е изд., стер. – М. : Академия, 2008. – 368 с.
4. Розенсон, И. А. Основы теории дизайна: учеб. для вузов / И. А. Розенсон. – СПб. : Питер, 2008. – 219 с.
5. Сысоева Е. А. Проектирование в системе обучения художественной керамике. // Омский научный вестник. – Омск, – №3 (109) 2012. – Б. 218-221.
6. Ткаченко Л.А. Художественная керамика Западной Сибири последней трети XX– начала XXI века: дис. ... канд. искусствоведения / Л. А. Ткаченко. – Барнаул : АГУ, 2009. – 150 с.

РЕЗЮМЕ

Үшбу маколада муаллиф бадий лойхалашин инноватсион, изжодий сифатидаги күриб чыкади. Тадкытот доираасида лойхалаш усули бадий керамика ўкитиш тизимида талабаларнинг фазовий фикрлапшины ривожлантириш учун энг самараали усул сифатидаги эътироф этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье автор рассматривает проектирование как инновационную, творческую деятельность. В контексте исследования определен метод проектов как наиболее эффективный для развития пространственного мышления студентов в системе обучения художественной керамике.

SUMMARY

In the article, the author considers design as an innovative, creative activity. In the context of the research, the project method was determined as the most effective for the development of students' spatial thinking in the system of teaching art ceramics.

  
**ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ  
ТАЪСИРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ПРОФИЛАКТИК  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Каримова Д. С.

Навоий давлат педагогика институти  
“Умумий педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчуси

**Таяинч сўзлар:** оила, оилавий ажримлар, ота-оналар, жамият, дунёкараш, миллий, маданий тарихий мерос, антнанавий оилавий кадрияллар, замонавий оила, инновация, оила институти, ёш авлод, тарбия, маънавий – ахлоқий, одоб кадрияллари.

**Ключевые слова:** семья, разводы в семье, родители, общество, мировоззрение, национальное, культурное и историческое наследие, традиционные семейные ценности, современная семья, новаторство, институт семьи, молодое поколение, воспитание, духовно-нравственные, нравственные ценности.

**Key words:** family, family divorces, parents, society, worldview, national, cultural and historical heritage, traditional family values, modern family, innovation, family institution, young generation, upbringing, spiritual, moral, moral values.

XXI асрда жаҳонда оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги хисси асосида куришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишта йўл қўймаслиқдан, оила аъзолари ўз ҳукукларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳукукларнинг химоя қилинишини таъминлаш [1] масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, оиласда, фарзандлар таълим-тарбиясига ва одоб-ахлоқига эътибор инсон кадр-киммати, шаъни, хаёти, ор-номуси, дахлсизлиги ҳакидаги фоялар энг олий қадрият даражасига кўтарилимоқда.

Дунёда болалар ҳуқук ва манфаатларини ҳалқаро микёсда химоя қилишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ҳалқаро Оила куни” резолюцияси, ЮНЕСКОнинг “Бола ҳукуклари тўғрисида”ти конвенцияси, “Минг йил-

лик ривожланиш” ҳамда “Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дүнёни яратиш тұғрисида”ғи декларациялари оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш, бола хукуқлари соҳасида ҳалқаро стандартларни шакллантириш, миллій конунчилықда болалар манфаатларини муҳофаза этишнинг хукукий асосларини янада такомиллаштиришда мухим ахамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, оилаларда ижтимоий маънавий мухитни соғломлаштириш, оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштиришда мухим омил бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимизда бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар асосида замонавий оилани ривожлантириш, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбиясда маънавий – ахлоқий, одоб қадриятларини шакллантириш, оиланинг тарбиявий ва маданий илмий салоҳиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириштизим ва механизмлар самарадорлигини ривожлантириш, [2] фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини оширишга эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистонда оила институтини ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташқилотининг Баркарор тараққиёт дастурлари доирасида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Шунингдек, республикамида ижтимоий институтларнинг энг кадимгиси оила ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тизимини мазмунан ва моҳиятан модернизация қилиш жараёни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-кувватламоқда. Чунки, Ўзбекистонда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбур эканлиги конституцияда белгилаб берилган [1].

ЮНИСЕФ болалар хукуқлари Конвенциясининг тўлиқ қўлланишига кўмаклашиб, вояга етмаган болалар хукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги Миллый дастурни ишлаб чиқди. Бу дастурнинг ёш авлод тарбиясида мухим ахамият касб этиши табиийдир. Минтақа ва маҳаллий шароитларда фарзанд тарбиясига эътибор, болалар ижтимоий фаолигини ошириш, муайян ижтимоий ғоя ёки мағкуранинг мазмуни ва социал ҳимоятини таҳлил қилиш механизмини яратиш мазкур дастурнинг асосий мақсадлари этиб белгиланди. Биз олиб борган тадқиқотнинг мақсади ҳам оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш мазмуни, шакл ва методларини аниқлаш, тажриба-синов ишлари орқали уларни амалиётига кенг татбиқ этишдан иборатдир.

Дарҳакиқат, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлламили ислоҳотларда оилавий ажримларни бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш, болалар ва ёшларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бош мақсад қилиб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ғи Конуни [2], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаoliyatinи такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ғи 13-сон Қарори жаҳон миқёсида глобаллашув

ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда, болалар сиёсий-хуқуқий маданийти даражасининг ўсиб бориши, дунёда юз берәётган туб ўзгаришларни холисона ва танқидий баҳолашда, ривожланишнинг барча боскичларида узлуксиз ва мукаммал ўрганишни ташкил этишда муҳим аҳамиятта эга бўлди. Оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш мазкур карорларнинг амалиётдаги ижросини таъминлашга бевосита хизмат киласди.

Юртимизда азалдан оила мұқаддас құрғон сифатида эъзозланган. Зеро, инсон қалбіда ахиллик, меҳр-оқибат түйғулари, илм-маърифатта ошно бўлиш кўнікмаси, аввало, шу азиз даргоҳда шаклланған бошлайди. Бош қомусимизда оила жамиятнинг асосий бўғини, деб белгиланғанлиги замирида ҳам ана шу миллий қадриятларимиз мазмуни мұжассам. [5]

Айтиш ўринлики, оила мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гарови экан, бу борада оилавий ажримларга етакловчи омилларни таҳлил этишнинг ҳаётий аҳамияти бор. Оилавий ажримларнинг салбий оқибатларини кўпчилик, айникса, катта ёшдагилар яхши тушунади. Фикримизча, ҳар бир инсоннинг сунячни санаувчи бу мұқаддас даргоҳга дарз кетмаслиги учун:

- ▶ оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштиришнинг илмий назарий жиҳатдан ёритиш;
- ▶ оила қадриятини мустаҳкамлаш, оила мұқаддаслигини тарғиб этиш, ёшларни оиласа тайёрлаш, низоли оилалардаги мұхитни мўътадиллаштириш, ўзаро муносабатларни соғломлаштиришда янгича ёндашувларни кўллаш;
- ▶ оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштиришга хизмат киласдиган воситалар таъминотини асослаш;
- ▶ оилавий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг педагогик профилактик асосларини такомиллаштиришда инновацион ғоялар ва технологияларни ҳаётга тадбик этишга еришиш;
- ▶ оиласа соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни химоя қилишда кўлланиладиган методлар ва воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш каби вазифалар ижросини таъминлаш мұхим педагогик аҳамият қасб этади.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида оилавий ажримларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. [3]

Тажриба ва кузатувларимиз асосида айтишимиз мумкинки, қундалик ҳаётимизда оилавий ажримларга сабаб бўлайтган турли омиллар мавжуд. Масалан, ажримларнинг энг мұхим сабаблардан бири, бу – иккала томон бир-бирларини яхши билмай оила қуришидир. Ёки келин-куёвнинг турмушга тайёр эмаслиги, меҳнат қилишига ўрганмаганлиги, сабр ва ироди билан енгиси мумкин бўлган қийинчиликларга тоқат қилмаслигини ҳам оилавий ажримлар асоси сифатида баҳолаш мумкин. Бундан ташкири, айрим күёвларнинг ичкиликка ружу қўйиши, баъзан гиёхвандлик балосига гирифткор бўлиши.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар билан бир қаторда:

- фарзандсизлик (аёллар ва эркакларда учрайдиган кўринишлари);

- ўғил фарзанднинг туғилмаслиги;
- әрқакларда ёки аёлларда зурриёт қолдириш қобилиятининг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган касалликлар;
- аёллардаги хомиладорлик ва туғиши жараёнида кечадиган оғир касалликлар;
- фарзанднинг ногирон туғилиши ҳам оиласвий низоларга сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун бу масалада тибиёт ходимларининг амалий ёрдами ва тавсиясига эҳтиёж мавжуд. Биламизки, никоҳ тузилгунга қадар никоҳланувчиларнинг ҳар бири ота ёки она бўлиш қобилиятига эга ёки йўқлиги, иккинчидан, шу икки шахснинг кони ва бошқа белгиларига кўра, биргалиқда ота-она бўлиш имконияти ўрганилиши, учинчидан, ота-оналар ва бошқа мутасаддиларнинг фарзандсизлик масаласини ҳал этишга етарлича эътибор қаратмасдан, фақат келин ёки биргина күёвни бепуштлик касалига чалинганликда айблаш ҳоллари учрамоқда.

Тажриба ва қузатишларимизга таяниб айтишимиз мумкинки, аҳолининг тиббий маданийтини ошириш, (чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам) эр ёки хотинининг шаъни ва кадр-қиммати билан чамбарчас боғлиқ бўлган фарзанд кўра олмаслик, бепуштлик сингари гоятда нозик масалага калтабинлик билан эмас, балки тиббий текширувлар ва таҳлил натижалари асосида ишонч ҳосил қилинганидан кейингина оиласвий келгуси тақдирини белгилаш лозимлигини оила бошликларига алоҳида тушунтириш зарурлигини бутунги даврнинг ўзи тақозо қўлмоқда.

Фикримизнинг мантикий давоми сифатида оиласвий ажримларнинг яна бошқа омиллари ҳакида ҳам фикр-мулоҳаза юритсак. Айтайлик, оиласванинг бир-бирига мос эмаслиги (лўнда килиб айтганда, teng tengини топмаганлиги) ҳам ажримларни юзага келтириади. Яъни кўёвнинг оиласидаги хаёт тарзи келинникидагига умуман ўҳшамайди. Уларнинг ҳаётта муносабати, дунёкараши, фикрлаши, мoddий имкониятлари бутунлай фарқ қиласди. Охир-оқибат келишмовчилик, ўзаро жанжал, дилхираликлар рўй беради ва бу ҳолат ажрим билан яқунланиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай вазиятда ота-онанинг бир умр йикқан-терғанлари, тўйга килган харажатлари, хаттоки, шириндан-шакар фарзандлар ҳам кўзга кўринмай қолади. Колаверса, қонуний никоҳга нисбатан бефарқлик, шошма-шошарлик ортида никоҳни конуний расмийлаштирасдан, шаръий никоҳ билан кифояланиб турмуш қуриш ҳолатларини ҳам ҳеч иккilanмай ажримларга сабаб килиб кўрсатиш мумкин. [4]

Бундан ташқари, эрта ва яқин қариндошлар ўргасидаги никоҳ ҳам бальзан ажрим билан яқун топади. Яъни айрим ота-оналар жиiddий ўйламасдан, ўз орзу-хавасларини фарзандининг баҳтидан устун кўйишмоқда. Аниқроғи, улар кизини эрта турмушга берадилар ёки яқин қариндошлари билан куда-анда бўлишмоқда. Аммо набираларининг нуқсон билан туғилишига, бунинг оқибатида ўғли ёки кизининг бир умр ногирон боласига термулиб ўтишига ёхуд кўп ўтмай ажрашиб, юз кўрмас бўлиб кетишилаriga замин яратгайтганларини хаёлига ҳам келтиришмаяпти.

Алоҳида эътироф ўтиш жоизки, оиласвий ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсир этиши, носоглом мухитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланishi табиий. Носоглом мухитда тарбияланаётган боладан ёшлар онгини ёлғон ва сохта ахборот хуружлари дахл килаётган, уларнинг қалбига дин никоби остидаги зарарли таъсирлар ўз домига тортиши истесно эмас. Бундай салбий оқибатларни олдини олишимиз учун оиласлар ўртасида педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш ота-оналар, тегишила маҳалла фуқаролар йиғинглари вакиллари миллий ҳамда оиласвий қадрияларимиз ва маънавиятимизга таҳдидларга қарши тизимли ишларни амалга оширишлари мухим педагогик аҳамият каеб этади.

Хулоса килиб айтганда, оилас-инсон тафаккурининг олий маҳсули. Зотан, бу

мўъжаз маскан умримизга мазмун, ҳаётимизга файз беригина қолмай, жамият равнақи, юрт тараққиётида муҳим ўрин тутади. Айни чоғда оиласидаги тотувлик ва ахиллик кишининг онгу шуурида ҳаётга муҳаббат, касбга садоқат, атрофдагиларга нисбатан ҳурмат ва эътибор сингари юксак инсоний фазилатларни ҳам шакллантиради.

Дарҳақиқат оила тинч тутув бўлса унда янги гоялар янги инновациялар ва тадбиркорликлар амалга оширилади. Соғлом муҳит қарор топган оиласидаги юрт корига ярайдиган, эл хизматига камарбаста бўла оладиган фарзандларни тарбиялаб, камолга етказишинг энг асосий омилларидан бириди. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда оиласидаги мустаҳкамлигин таъминлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, ахиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Аёллар ўргасида жиноятичилик, оиласидаги ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг тури диний-экстремистик оқимлар ва терористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва ноҳуш масалалар билан боғлиқ”.

#### Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т.: “Адолат” 1998 -186

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вояж етмаганлар ўргасида назоратсизлик ва хукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Конуни. ЎЭР Олий Мажлиси палаталарининг Ахботномаси, 2010 й., № 39.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин -қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5325-сон Фармони [www// lex. uz](http://lex.uz)

4.Мусурманова О.Фарзандларимга насиҳатлар. Тошкент. Yoshlar nashriyot uyi, 2020, -186 бет

5.Давронова Д.С. Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Eastern European Scientific Journal. ISSN. 2199-7977 Ausgabe 3-2016 47-49

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада оиласидаги ажримларни болалар тарбиясига салбий таъсирини бартараф этишининг педагогик профилактик асосларини такомиллаштириш оиласидаги илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек маколада, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оиласидаги кадриятлар асосида замонавий оиласидаги ривожлантириш, амалий ва инновацион тадқикотлар ўтказиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбиясада маънавий – ахлоқий, одоб кадриятларни шакллантириш, оиласидаги тарбияий ва маданий илмий салоҳиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор каратилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье научно и теоретически проиллюстрированы факторы совершенствования педагогической профилактической базы преодоления негативного влияния семейных разводов на воспитание детей. В статье также делается акцент на развитии современной семьи на основе богатого культурного наследия и традиционных семейных ценностей, практических и инновационных исследованиях, укреплении семьи, формировании духовно-нравственных ценностей в воспитании подрастающего поколения, совершенствовании образовательной системы, и культурный потенциал семьи.

#### SUMMARY

The article scientifically and theoretically illustrated the factors of improving the pedagogical preventive base of overcoming the negative impact of family divorce on the upbringing of children. The article also focuses on the development of a modern family based on a rich cultural heritage and traditional family values, practical and innovative research, strengthening the family, forming spiritual and moral values in the upbringing of the younger generation, improving the educational system. and the cultural potential of the family.

## БҮЛЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЬАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Нуртаев У.Н.**

*Низомий номидаги ТДПУ, Технологик таълим факультети,  
доценти, педагогика фанлари номзоди*

**Таянч сўзлар:** касбий компетентлик, бадий таълим, профессионал, илгор педагогик технологиялар, ижодий фаоллик, узвийлик ва узлуксизлик, витраж, мозаика, маҳобатли рангтасвир.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, художественное образование, профессиональные, передовые педагогические технологии, творческая деятельность, преемственность и преемственность, витражи, мозаики, величественная живопись.

**Key words:** professional competence, art education, professional, advanced pedagogical technologies, creative activity, continuity and continuity, stained glass windows, mosaics, majestic painting.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигини қўлга киритиши билан «Таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий қўнималар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда қўнималарини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён »га йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллый дастури асосида кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини ташкил қилиш зарурати юзага келди.

Педагогик кадрларнинг юксак професионализми кўп жихатдан олий таълим тизимида бадий таълим муассасаларида шакллантирилган салоҳият, унинг таълимий эҳтиёжларини қондиришда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари тайёргарлик даражасига бўлганинигидир. Шу нуқтаи назардан бутун бадий таълим тизимини тубдан қайта кўриб чишиш, профессионал билимларни эгаллаш учун имкониятларни кенгайтириш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган фаoliyatiyini kuchaytiiriш зарурати юзага келди.

Жамиятнинг янги иқтисодий шароитлари олий таълим тизимининг бадий таълим йўналишларида, талабалар тарбиясида ижтимоий буюртмани бажара олишга кодир, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентли кадрларни тайёрлаш тизимининг сифатини ошириб борилишини талаб қиласади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ривожланниш йўлида янги ислоҳатларни амалга оширишда давом этмоқда. Бадий таълим тизимида олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятни амалга ошириб бориш бугунги кун талабидир.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари талабаларда эстетик дидни шакллантиришга ва ривожлантиришга, ижодий фаоллилигини такомлаштиришга ва шу билан бирга ижодкорлик ҳамда яратувчанликни амалга оширишга етарли бўлган даражадаги расм чизиш қўнималарини хар томонлама такомиллаштириб боришга имкон берувчи, юкори даражадаги ихтиослашган билимга эга бўлиши муҳимдир. Бунинг барчаси ўз навбатида бадий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари янги ва долзарб масалаларни келтириб чиқаради. Шу

сабабли бугунги кунда долзарб масалаларни бартараф этишда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаб бориш соҳасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасалари бадий таълим йўналишларининг, тасвирий санъат фанларини ўқитилишида, шунингдек, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни йўлга кўйилганлик ҳолатини ўрганиш асосида кўйидаги концептуал асосга эга бўлган муаммоларни ҳал этиш зарур эканлиги ҳақидаги хуносага келинди:

1) Олий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, тасвирий санъат ўқитиш жараёнида бадий таълим маълумотларини тушунарли, қизиқарли, талабанинг онги ва қалбига чукур кириб борадиган шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш, ўқув материаларини танлашда индивидуал ва табакалашган ёндашувни қўллаш лозим. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари жараёни самарали бўлишига хизмат қиласди;

2) Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда дарсдан ташкари машғулотларни ташкил этиш самарадорлигини ошириш.

Мазкур жараёнда булажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишига алоҳида эҳтиёж мавжуд.

Хозиргача республикамизда ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари самарали йўлларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинаётган бўлса ҳам, мазкур жараёни боскичма-боскич амалга ошириш, ҳар боскичда қўлланиладиган таълим шакл, метод ва воситаларини лойиҳалашнинг яхлит тизими яратилиши лозим;

3) Ўзбекистонда янги маънавий – гоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадий тафаккур ривожини янада жадаллаштириди. Барча шаҳарларимизда улкан қурилишлар амалга оширилди, меъморчилик жадал ривожланди. Бу даврда деворий, маҳобатли рангтасвири, витраж, мозаика меъморлик билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб борди. Шу даврда барпо этилган йирик иншоатлар маҳобатли рангтавири усталарининг фаол иштироқида бунёд бўлди. Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда, булажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда бадий педагогика имкониятларидан фойдаланиши йўлларининг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, булажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари назарий ва амалий жиҳатларини тадбиқ этишда мақоланинг муҳим муаммоларини акс эттиради.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари масаласининг мураккаб томонларидан бири энг аввало ушбу соҳанинг ўзига ҳослигига. Инсон юқори тажрибага эга рассом бўлиши мумкин, аммо амалиётда педагогик ва касбий фаолиятини мувваффакиятли олиб бориши учун бунинг ўзи етарли эмас. Бошқа томондан эса, юқори даражадаги бадий-педагогик ва соҳавий тайёргарликсиз мактабда сифатли таълим фаолиятини олиб бориш мумкин эмас.

Тасвирий санъатга ўргатиш бўйича дастлабки қадамлар XIV-XV асрлардан бошланган. Ўтмишнинг буюк рассомлари аниқ фанлар соҳасида эришилган ютуқларни тасвирий санъатда кўллашга интилиб келишган.

Шунингдек, назарий ва амалий изланишлар Л.Альберти, Леонардо да Винчи, Микеланджело, А.Дюрер каби буюк даҳо-рассомларнинг ва педагог-назариётчиларнинг ижодий фаолиятида ўз асосини ва ривожини топган.

Шу аснода: Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Халдун, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний кабилар ҳамда Фарбнинг Арасту, Суқрот, Демокрит, Афлотун, Гегел сингари олимларининг илмий йўналишлари асосини ташкил этган.

Тасвирий санъатни ўқитишининг замонавий методикасининг асосий қонун-коидалари тасвирий санъат соҳаси усталари ижоди ва уларнинг фикрлари, ҳамда таълим тарбия назарий ва амалий билимлари асосида шаклланган. Ушбу масалага бағишлиланган илмий тадқиқотлардан: Н.Н.Ростовцев, Г.В.Беда, В.С.Кузин, Е.В.Шорохов, Н.Н.Волков, В.П.Зинченко, Е.И.Игнатьев, В.К.Лебедко, А.Лилов, Л.Г.Медведев, Л.А.Ивахнова, А.П.Яшуҳин, А.Е.Терентьев ва бошقا катор бадий-педагогик таълим мутахассисларининг илмий ишлари ва хulosалари алоҳида эъти-борга лойик.

Олий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш масалалари бўйича А.Сулайманов, Б.Бойметов, Р.Ражабов, С.Абдирасилаов, Н.Талипов, У.Нуртаев, Н.Ойдинов, К.Гулямов, Ж.Дарменов, З.Ражабоваларнинг катор тадқиқотларида кўришимиз мумкин. У.Нуртаевнинг тадқиқотларида, Ўзбекистон шароитида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни тизимли тайёрлаш масалалари ечими ишлаб чиқилган, шунингдек эстетик дидини тарбиялаш ва ҳалқ ижодиёти дастурларини, урф-одатларини тасвирий санъат ва амалий-безак санъати воситалари кўмагида ўрганиш усуслари алоҳида кўрсатилиб ўтилган, илмий тадқиқот ишида тасвирий санъатнинг тарбиявий имкониятлари санъатнинг бошқа турлари билан (кино, театр, мусика ва бошқа) ҳамоҳанг равишда олиб борилиши ҳакида сўз боради. Ушбу таҳлил куйидаги хulosаларни келтириб чиқаради:

- олий таълим муассасаларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари масаласи етарли даражада ўрганилмаган. Тасвирий санъат фанларни ўқитиш жараёнда тасвирий санъат, рангтасвир, қаламтасвир, ҳайкалтарошлиқ санъат турларини ўрганиш масаласи етарли даражада очиб берилмаган;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларининг олий таълим тизимида бадий таълим йўналишларида ўрни аниқ белгиланмаган.

Шундай қилиб, катор адабиётларни таҳлил қилиб амалда куйидагича объективлик қарама-қаршиликлар аникланди:

- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, тасвирий санъатнинг ўзига хослигини аниқлаш, объектив эҳтиёж ҳамда муаммонинг олий таълим тизимида назарий ва амалий жиҳатларининг етарли даражада ўрганилмаганлигини;
- таълим жараёнда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларининг концептуал масалалари, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари мазмуни, турлари ва усусларини ишлаб чиқиш зарурати ва бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларнинг самарадорлигини

орттириш ва имкон берувчи назарий-методологик йўналишларининг мавжуд эмаслиги.

Ушбу қарама-қаршиликлар тадқиқот муаммолари: олий таълим муассасасининг таълим-тарбия жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларига имкон берувчи назарий-услубий асослар ва педагогик самарали шароитларнинг қандай ҳолатда эканлиги каби муаммолар билан ўзаро боғлиқ. Кўрилаётган масаланинг ижтимоий-педагогик аҳамияти ва унинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги мақоланинг мавзусини белгилашга асос бўлди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш технологияларининг дидактик параметрларини аниқлаштириш ҳамда ташкилий-технологик асосларини ишлаб чиқиши ва амалиётта татбиқ этишдир.

1. Замонавий шароитда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни янгича фикрлаш тарзи ва касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларининг ўзаро алоқадорлиги асосланади.

2. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириши муаммоларининг фалсафий-историографик хусусиятлари ҳамда педагогик-психологик ўзига хосликлари ёритиб берилади.

3. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириши муаммоларига доир дидактик имкониятлари очиб берилади.

4. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш модели яратилади.

5. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириши муаммолари ва уни амалий татбиқ этишининг методик таъминоти яратилади.

6. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш технологияларининг инновацион воситалари ишлаб чиқилади.

Хуоса сифатида шуни таъкидаш лозимки, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантиришда янгича фикрлаш тарзи, тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари, ўзига хосликлари ёритиб берилди.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”- Тошкент “Адолат”, 2017.

2. Алимов Н.А. Математик таълим турлари орасидаги узвийликни таъминлаш // Халқ таълими, 2002 йил, № 5. 76-78 б.

3. Муслимов Н. Касб таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: дис. Автографат. -Тошкент; ТДПУ, 2007.47 б.

4. Нуртаев У. Методика изучения изобразительного искусства Узбекистана в системе подготовки будущих учителей. Автографат. -Москва: 1994. -62 с.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу маколада бадиий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотнинг мазмун ва моҳияти ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье описывается содержание и сущность исследования, направленного на обеспечение развития профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства в системе художественного образования.

**SUMMARY**

The article describes the content and essence of the research aimed at ensuring the development of professional competence of future teachers of fine arts in the system of art education.

## МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИИШ ЖАРАЁНИДА БҮЛЛАЖАК КУЛОЛ- РАССОМЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Абдусаломов Б.У.*

*Камолиддин Беңзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институты катта ўқытувчиси*

**Таянч сўзлар:** кулол-рассом, амалий безак санъати, бадий кулолчилик, махсус фанлар, лойихалаш, технология, материал, касбий компетенция.

**Ключевые слова:** керамист-художник, декоративно-прикладное искусство, художественная керамика, специальные дисциплины, проектирование, технология, материалы, профессиональная компетенция.

**Key words:** potter-painter, applied decorative arts, art pottery, special sciences, design, technology, material, professional competence.

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, амалий санъат ўқытувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблар асосида ташкил этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида бўлажак амалий санъат ўқытувчиларини тайёрлашнинг илгор хорижий тажрибаларга асосланган миллий тизими яратилди. Шунингдек, амалий санъат ўқытувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишда касбий компетенцияларни шакллантиришга оид инновацион ёндашувдан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Шу нуктаи назардан бўлажак мутахассисларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳолатини танқидий-таҳлилий ўрганиш, уларнинг ихтинослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини таъминловчи омиллар, ёндашувларни тадқиқ қилиш, педагогик ташхисланинг инновацион усусларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга жорий қилишини тақозо этади [1, 5-б.].

Шу нуктаи назардан бўлажак кулол-рассомларда ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетенцияларини ошириш мухим илмий-амалий аҳамият касб этади. Кулол-рассомларни ўқитиш уларни махсус комплекс тайёрлашни талаб этади. Хусусан, баъзи бир ўкув предметлари назариясини бошқа фанларнинг амалиёти билан бирлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай мутахассисни тайёрлаш бир қатор махсус фанларни ўрганиш жараённида ривожланади, жумладан: «Бадий кулолчилик санъат тарихи», «Материалшунослик», «Бадий кулолчилиқда ашёлар технологияси», «Бадий кулолчилиқда ашёларда ишлаш», «Бадий кулолчилиқда лойихалаш», «Майда пластика» талабалар танлови бўйича университет (факультет) томонидан ташкил этилган. Факаттинга уларнинг яқин муносабатлари натижасида таълим сифатини оширишга, талабаларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга, шунингдек, янги шароитларда ҳаракатланиши қобилиятини шакллантиришга эришиш мумкин.

«Бадий кулолчилиқда лойихалаш» курси етакчи махсус предмет бўлиб, амалий безак санъати рассоми – рассом-кулолни касбий тайёргарлигининг энг мухим таркибий кисмидир. Бадий кулолчилиқда лойихалашнинг асосий вазифаси – ишлаб чиқариш технологик жараённадаги билимларини амалий иш лойихасида тасвиранланган бадий концепцияни амалга ошириш имкониятига эришиш йўлида фойдаланиши хисобланади. Бу вазифани материал ва технологиялар соҳасидаги билимларсиз

амалга ошириш бўлмайди, чунки бу материалларнинг кимёвий, физик таркиби ва хусусиятлари, уларни қайта ишлаш йўллари ва усуллари, технологик жараёнлар тартиби тажрибали кулол-рассомнинг энг бой палитрани ташкил этади.

Турли ашёларнинг инжиқликларини тасаввур кила олмайдиган амалий безак санъати рассоми кутилмаган ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Ватман қозозида ажойиб тарзда чизилган лойиҳа материалда ижро этилиш жараёнида мутлақо ўзгариб кетиши мумкин. Ўкув фанлари қурилишининг мураккаб хусусияти «Бадий кулолчиликда ашёлар технологияси» курсининг мақсад ва вазифаларига киритилган бадий кулолчилика ишлаб чиқариш технологияларини эгаллашга қаратилган. Лойиҳани ишлаб чиқишида маҳсулот дизайнни, уни ишлаб чиқариш усули, куйдириш характеристики, кейинги безатишга кўпроқ эътибор берилиши лозим, яъни изчил технологик схема тақлиф килиниши керак.

«Бадий кулолчилика ишлаб чиқариш» курсини ўрганиш билан параллел равишда ўрганиладиган «Бадий кулолчилика ашёларда ишлаш» ва «Майдо пластика» курслари лойиҳани юкори техник ва бадий даражада амалга оширишга хисса кўшадиган кўшимча маҳсус билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган. Юкори сифатли макетни яратиш – бу маҳсулотни кейинчалик сопол кўринишида амалга ошириш учун конструктив иш моделини ишлаб чиқиши усулидир.

«Бадий кулолчилика ашёлар технологияси» курси амалий санъат устаси – кулол-рассомни касбий тайёрлашда моддий асос бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири лойиҳада тасвирланган бадий эффектга эришиш маъсадида зарур технологияларни танлаш қобилиятидир. Профессионаллик ҳар қандай ишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу элементар ҳакикат амалий санъатнинг технологик жихатдан мураккаб турида бадий кулолчилик каби аҳамиятсиз бўлиб қолади. Бунда «Бадий кулолчиликда ашёларда ишлаш» етакчи ўкув предмети вазифасини бажариб, ўкув фанлари қурилишининг мураккаб характеристери асосан бадий кулолчилика буюм тайёрлаш технологияларини ўзлаштиришга қаратилган.

Фояни, образни англаган ва шу билан бирга яхши технологик тайёргарликка эга бўлган тажрибали кулол-рассом ҳар доим юкори профессионал даражада бадий маҳсулотни ижро эта олади.

«Бадий кулолчилик санъати тарихи» курсини ўзлаштириш жараёнида талабалар кулолчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг асосий характеристикаларни шакллантиришади. Талабалар мухандислик-техник ва табиий-илмий билимларга асосланган ишлаб чиқариш фаолияти, фалсафа, маданиятшунослиқ, социология, психология ва бошқа тушунчаларидан кенг фойдаланилишни ўрганишлари мақсадга мувоғик. Талабалар кулолчилик маҳсулотларини атроф-муҳит, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, маҳобатли ва амалий безак санъати билан бирлиқда қабул қилишининг ўзига хос хусусиятларини тушунишлари зарур. Натижада талабаларнинг бадий диди ривожланади.

Маҳсус фанлар циклини ўрганишдан мақсад талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришади:

- замонавий технологиялар асосида материалшунослик ва кулолчилик ишлаб чиқариш технологияси соҳасидаги билимлар, касбий техника, кўникма ва малакалар;
- меъморий, маший ва декоратив кулолчиликни лойиҳалашда ижодий ёндашув;
- буюмни лойиҳалаш учун зарур бўлган билимлар;
- Ўзбекистонда ва дунёда кулолчилика ишлаб чиқариш тарихи, анъаналари

- ва ҳозирги ахволи, фарқлари ва умумий ҳусусиятлари түғрисидаги билимлар;
- бадий маҳсулотларни ишлаб чиқишига таҳлилий ёндашув;
- фазовий ва ҳаёлий фикрлаш, ишга креатив, ижодий ёндашув.

Мақсадни амалга ошириши қуидаги вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

- кулол-рассом учун зарур бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш;
- бадий кулоллилик бўйича турли хил асарларни таҳлил қилишни ўрганиш;
- кулол-рассомларнинг ижодий жараёнини ташкил этиш усуслари ҳақидаги билимларни ўзлаштириш;
- амалий безак санъати устасининг амалий фаолиятида бадий концепцияни амалга оширишда тажриба тўплаш;
- бадий кулолчиликда ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида ҳақиқий тушунчага эга бўлиш;
- бадий кулолчилик соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти кўникмаларини ўзлаштириш.

Аммо маҳсус фанлар циклини ўзлаштиришининг асосий вазифаси талабаларнинг бадий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Талабаларнинг бадий-ижодий фаолиятини ривожлантиришга хисса кўшадиган ушбу фанни ўқитишнинг мазмуни, шакллари ва усусларини ривожлантириш ҳозирги пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

«Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» фани доирасида бадий-ижодий фаолиятини муваффакиятли ривожлантириш мақсадида таълимнинг профессионал-педагогик ва бадий-ижодий йўналишини хисобга олган ҳолда тузиладиган методология зарур. Шунга мувофиқ равиша «Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» фанини нафақат педагогика-психологиянинг илмий асослари асосида, балки замонавий амалий безак санъатига қўйиладиган талаблар асосида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу фан бўйича талабаларнинг бадий-ижодий фаолиятини ривожлантириш муаммоси педагогика-психология, фалсафа ва санъатшуносликка оид илмий материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ҳал қилинади. Замонавий педагогика ва санъатшунослик ютуклари, кўп киррали ижодий шахсни шакллантириш учун янги ижтимоий буюртмани амалга ошириш «Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» ўкув фанининг ўқитиш жараёнига янги талабларни кўяди. «Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» фанидан машғулотлар жараённида педагогик тажрибадан фойдаланган ҳолда, илмий ва санъатшуносликка оид адабиётларни ва ўкув фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ушбу фанни ўқитиш методикаси шакллантирилади. Ушбу методиканинг концепциясига биноан талабаларнинг бадий-ижодий фаолиятини самарали ривожлантириш қуидаги шарт-шароитлар бажарилган тақдирда муваффакиятли амалга оширилиши мумкин:

- машғулотлар жараённида қулай хиссий муҳит яратиш, мазмунли ўкув материалидан фойдаланиш, ўкув услуг ва воситаларидан фойдаланишининг ўзгарувчанлиги, турли хил бадий безаш техникалари билан ишлаш имкониятини яратиш орқали талабаларнинг мавзуга бўлган доимий қизиқишини кўллаб-куватлаш;
- келажакда касбий-педагогик ва бадий-ижодий фаолиятга йўналтирилган лигигини инобатга олган ҳолда таълим мазмунини ривожлантириш орқали талабаларни мотивацион ва қиймат йўналишлари тизимиға педагогик таъсирини амалга ошириш;
- талабаларнинг «Бадий кулолчилиқда лойиҳалаш» фанидан ўкув-ижодий

- вазифаларни юкори бадий ва техник даражада малакали бажариш учун зарур бўлган компетенцияларни шакллантириш;
- «Бадий кулолчиликда лойиҳалаш» фанидан ҳар бир дарснинг мазмунини бадий циклнинг бошқа предметлари: чизматасвир, рангтасвир, рангчунослик ва композиция асослари, амалий безак санъатидан олинган билимларга асосланган ҳолда танлаш;
  - ўқув вазифаларини бажаришда ижодий ёндашувни тарғиб қилувчи самарали усул ва воситалардан фойдаланиш: талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш ва бадий материаллар билан тажриба ўтказиш имкониятини яратиш, назарий машғулотларда олинган билимни амалиётда қўллаш, машғулотларда турили кўргазмали материаллар: услугубий плакатлар, бадий маҳсулотлар, иллюстрациялар, ўқитишининг техник воситаларидан унумли фойдаланиш;
  - талабаларга «Бадий кулолчиликда лойиҳалаш» фанини ўқитиш жараёнида мустақил ижод қилишга имкон бериш, ўз фаолиятини ташкил қилиш қобилиятини ривожлантириши;
  - ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни амалий жиҳатдан таъминлаш, амалий вазифаларни бажариш ва натижаларни баҳолаш жараёнини назорат қилиш ёрдамида «Бадий кулолчиликда лойиҳалаш» фанидан аудиториядаги ўқув-ижодий фаолиятга раҳбарлик қилиш. Уларга қўйиладиган талабларни босқичма-босқич ошириб бориша кобилият, билимлар, техник мукаммалликни максимал даражада намоён этиш орқали муваффақиятга эришиш ёрдамида қийинчилекларни енгib ўтиш.

Кулол-рассомнинг замонавий тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил килиш, шуну таъкидлаш жоизки, унинг муваффақиятли камол топиши учун барча фанларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса килиб шуларни таъкидлаш керакки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадий кулолчиликни ўшларга ўргатиш ҳамда келажакда ҳале амалий безак санъати намуналарини яратга оладиган иктидорли мутахассисларни тайёрлашда фаолият олиб борадиган рассом-педагогларнинг хизмати бекиёс. Бу шарафли ва машққатли вазифани ижобий ҳал этиш амалий безак санъати соҳасида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижодий фаоллиги ва ўз касбига ситқидилдан ёндошишига кўп жиҳатдан боғлик.

#### **Адабиётлар:**

1. Бодров А. Ю. Формирование профессиональных компетенций будущих художников керамистов в процессе изучения специальных дисциплин. ВЕСТНИК МГУКИ. – М.: – № 5 (31) 2009. – С.227-230.
2. Гулямов К.М. Компетенцийий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларни касбий фаолиятта тайёрлаши тизимини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: ТО'YTERA PRINT, 2020. – 156 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Маколада маҳсус фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак кулол-рассомларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш, кулол-рассомни касбий тайёрлашда педагогик жараённи ташкил этиш хусусиятлари, бадий кулолчилик соҳасидаги касб-хунар таълими педагогик моделини яратишда маҳсус фанларнинг ўзаро алоқаси кўриб чиқилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются формирование профессиональных компетенций будущих керамистов-художников в процессе изучения специальных дисциплин, особенности организации педагогического процесса при профессиональной подготовке художника-керамиста, взаимодействие специальных дисциплин при создании педагогической модели профессионального образования в области художественной керамики.

## SUMMARY

The article discusses the formation of professional competencies of future ceramic artists in the process of studying special disciplines, the peculiarities of the organization of the pedagogical process in the professional training of a ceramic artist, the interaction of special disciplines in creating a pedagogical model of professional education in the field of artistic ceramics.

---

## КУЛОЛЧИЛИК МАШГУЛОТЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН МАТЕРИАЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИНИЙ ҮЗЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ

*Сиддиқов К.Б.*

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва  
дизайн институты катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** методик тизим, материалшунослик, амалий безак санъати, бадий кулолчилик, кулол-рассом, сопол буюм, лойихалаш.

**Ключевые слова:** методическая система, материаловедение, декоративно-прикладное искусство, художественная керамика, керамист-художник, керамическое изделие, проектирование.

**Key words:** methodical system, material science, applied decorative arts, art ceramics, potter-painter, pottery, design.

5151201 – Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши бўйича компетентли мутахассисларни тайёрлаша мазмуну бадий таълимда замонавий технологияларни ўрганишини ўз ичига олади. Тарабаларнинг замонавий санъат масалаларини тушуниши уларнинг бадий диди ва тасаввурини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади. Кулолчилик санъатини ўргатиш ва ижодкорликни ривожлантиришнинг турли йўналишларини таҳлил қилиш жараёнида тарабаларда визуал хотира шаклнади, диккат кучаяди ва когнитив қизиқиши намоён бўлади, бу эса уларнинг маҳсус тайёргарлигига ижобий таъсири кўрсагатди. Фанларни ўзлаштириш ва кулол-рассомларни тайёрлашда турли ёндашувлар мавжуд [5, 5 б.].

Шу билан бирга, кулол-рассомларни сопол буюмлар яратишида материалларни қайта ишлаш технологияси бўйича маҳсус тайёрлашда зарур бўлган «Бадий кулолчиликда ашёлар технологияси» фанидан методик тизимни ишлаб чиқиши мақсаддаг мувофиқ.

Тарабалар томонидан декоратив кулолчилик буюмларини яратишининг техник-технологик босқичларини тушуниши уларнинг касбий ривожланишининг асоси эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу эса таълим муассасасида ўқишининг дастлабки босқичида фанни ўрганиш жараёнида мажбурий хисобланади. Бу қўйидагилар билан боғлиқ, яъни тарабалар турли дараражадаги тайёргарликни эга ва улар дастлаб технологик асосларни тушунишлари мақсадга мувофиқ. Аммо тарабалар технологик кўнинмаларни буюмларни лойихалаш элементлари ва атроф мухитни бадий безаш билан бир вақтда эгаллашлари лозим, бу эса уларнинг бадий тафаккурларини ривожлантиришнинг мухим компоненти бўлиб, касбни эгаллашга тайёрлайди. Мазкур йўналиш педагогик нуқтаи назардан мухим аҳамият касб этади. Материалшунослик, технология ва ишлаб чиқариши ўрганишда тарабалар бадий-ижодий қобилияtlари ривожланади. Натижада улар касбий маҳорат асосларини фаол ўргана бошлайдилар.

Умуман амалий безак санъати фанлари учун замонавий ўқитиш методикасини ишлаб чикиш келажақдаги декоратив-амалий санъат рассомларининг касбий фазилатларини шакллантиришнинг турли жиҳатларини хисобга олишга имкон беради. Бир томондан, техник-технологик кўнікмаларни ўзлаштиришда талабаларнинг шахсий-ижодий ривожланишини баҳолаш, иккинчи томондан эса декоратив буюм яратишида ашёларга бадиий ишлов беришнинг босқичларини аниқлаш имконияти мавжуд.

Ҳозирги вақтда ўқув дастурларида [4, 4.6.] талабаларни маҳсус тайёрлашга оид қоидалар ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Биринчи йил давомида ўқитиш айниқса муҳимдир. Талабалар томонидан бадиий тажрибани эгаллаш уларнинг касбий маҳоратини методик жиҳатдан асосланган ривожланиши, янги методик тизим томонидан таъминланиши керак бўлган кулолчилик санъатида мавжуд бўлган технолого-гик жараёнларнинг қонуниятлари ва бадиий хусусиятларини англаш билан бевосита боғлиқ.

Демак, бўлажак амалий безак санъати рассоми учун кулолчилик буюмларини яратишининг технологик жараёнини ўрганиш, ҳатто таълим жараённада ҳам, атроф-муҳитни бадиий безашнинг бир бўлуги бўлган бадиий меҳнат обьектини бажариш мисолида амалга оширилиши лозим. Ўқув жараённада ўқувчиларга декоратив буюмнинг бадиий киёфасининг пайдо бўлиши атроф-муҳит билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб бериш мухим. Хусусан, маҳсулот бадиий лойиҳаланган, атроф-муҳит билан алоқада ва бадиий безаш обьекти бўлиши керак. Баъзи ҳолатлар эса у интеръерни тўлдириш мақсадида безак сифатида ҳам ишлатилади.

Декоратив кулолчилик буюмларининг пластик асоси шундан иборатки, бадиий ва ҳайкалтарошлиқ материаллари ёрдамида атроф- муҳитни бадиий безаш мумкин. Бу холат таълим соҳасида жуда юқори баҳоланади, чунки тайёргарликнинг ушбу даражаси малакага эга бўлиб, моддий маданият обьектлари эса интеръернинг бадиий безаги хисобланади. Ушбу тайёргарлик даражасида талабалар онгли равишида безакни ифода этиши воситаси сифатида ишлатиш гоясига мурожаат этишлари мумкин, бу эса турли обьектларни безатиш услубларига таъсир ўтказади. Талабалар интеръерни бадиий безашнинг анъянавий услуби бўлган буюмларни яратиш жараённада уни кўллаш нұктай назаридан безакни бадиий жиҳатдан идрок этишлари, кўришлари ва эстетик баҳо беришлари мумкин.

Фаннинг асосий педагогик вазифалари куйидагилардан иборат:

- бўлажак кулол-рассомларнинг маълум бир обьектни ижро этиши мисолида ривожланишини таъминлаш (бадиий ташкил этиши тамойиллари асосида яратилган чизиқли сопол безак - рапорт , рапорт элементларидан иборат йўл ичидаги композицияни ижро этиши);
- бадиий кулолчилик бўйича материалшуносликнинг моҳиятини очиб бериш, талабаларнинг бадиий кулолчилик буюмларини яратишининг асосий технологик босқичларини тушуниши, устахонада ишлаб чиқариш шароитида фанни ўрганиш;
- талабалар томонидан бадиий безак буюмларининг атроф-муҳит мазмуни ва интеръер билан алоқадорлиги, умуман пластик санъат тuri гўзаллигининг моҳияти ролини тушуниш.

Ўзаро келишувга биноан обьект сифатида рапорт қабул килинди, чунки плитка кўринишида ушбу сопол маҳсулот белгиланган параметрлар бўйича (йўл ичидаги композицияси, унинг ўлчамлари, бажариш техникини ва материаллар) ишлаб чиқарилган. Рапорт технологик жиҳатдан модул сифатида белгиланган бўлиб, талабаларнинг касбий маҳорат ва тажрибасини ортишига туртки бўлади. Айнан шу нарса

талабаларга күолчилек буюмларини тайёрлашнинг боскичларини ўрганишга имкон берди: эскизларни ишлаб чиқиши, бадий лойиҳалаш, моделлаштириши ва бадий безатиш усулларини ўзлаштириши, пеҷда пишириш боскичи, маҳсулотларни күолчилек бўёклари билан бўяши, йўл ичидаги композиция яратиши. Интерьер билан боғлиқ бўлган чизиқли безак кўринишидаги бадий-ижодий ишларни бажариши пайтида берилган вазифаларни ҳал қилиш жараённида талабалар рассом сифатида керакли касбий фазилатларни эгаллайдилар.

Рельефли безак композицияларини яратиши талабалар учун мураккаб ўкув вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун улар атроф-муҳитни безатиш мақсадида маҳсус – сопол маҳсулотни яратиши конуниятларини ўрганишда технологик жиҳат бўлган, бадий күолчилек санъатига хос бўлган усулни ўрганадилар. Йўл ичидаги безакни бажариши, ўкувчиларнинг атроф-муҳит тасвирида ишлаш кўнинкамларини шакллантириши ва ривожлантириши жиҳатларини ўз ичига олади. Бу талабаларга интерьери ифода этиши хусусиятларидан фойдаланиш қобилиятини беради, бу эса унга безакни киритиши учун жуда муҳим. Ушбу ўкув вазифалари ўкувчиларнинг фазовий тасаввурларини, уларнинг тасаввурларини ривожлантирадиган ва бадий услуб ҳакида гояларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Ўқитиши методикасида қўйидаги вазифаларни эътироф этиши жоиз: талабаларнинг бадий-ижодий ривожланиши муаммоларини ҳал этишига мос келадиган объектни лойиҳалаш; маҳсулотни бажаришда анъанавий технологик жиҳатини ажратиб кўрсатиш, турли услублар асосида бадий ечимни излаш; талабаларнинг лойиҳали-образли фикрлашини ривожлантириш ҳамда уларнинг шахсий-ижодий қобилиятларини очиб бериш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, талабалар маҳсус тайёргарлик ҳажмини тушунишлари, амалий безак санъатининг муаммоларини билишлари, технология бўйича вазифаларни ижодий ёндашув асосида бажаришни ўрганиш, шунингдек уларни касбий идрок этиши жиҳатида қўллашлари мақсаддга мувофиқ.

#### Адабиётлар:

1. Алиева С.Ш. Философия форм и цвета в творчестве мастера керамика. // SAN`AT. – Т.: 2014. – №1. – С.14-17.
2. Буббико Ж., Крус Х. Керамика: техники, материалы, изделия. – М.: Ниола-пресс, 2009.
3. Бодров А. Ю. Формирование профессиональных компетенций будущих художников керамистов в процессе изучения специальных дисциплин. ВЕСТНИК МГУКИ. – М.: – № 5 (31) 2009. – С.227-230.
4. Гзовская О.Л., Гилевич Г.И., Демчев П.Г. и др. Примерная программа дисциплины «Основы теории декоративно-прикладного искусства с практикумом». – М.: «Прометей» МПГУ, 2004. 2
5. Декоративно-прикладное искусство. Современная энциклопедия: художественная обработка камня, кожи, металла, художественная эмаль, литье, керамика, мозаика из дерева, точение по гипсу: Современная энциклопедия. – Ростов-на-Дону: Феникс; Донецк: Кредо, 2007. 3
6. Поверин А.И. Гончарное искусство (художественная керамика): учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: МГУКИ, 2006.

#### РЕЗЮМЕ

Дастлабки боскичда талабаларни ўқитиши бўйича методик тизимни ишлаб чиқишида уларнинг касбий фазилатларини шакллантиришнинг турли жиҳатлари ҳисобга олинади, бу уларнинг күол-рассом сифатида бадий-ижодий ривожланишига ёрдам беради.

#### SUMMARY

Разработка методической системы подготовки студентов на начальном этапе позволит учитывать различные стороны формирования профессиональных качеств, что способствует художественно-творческому развитию их как керамист-художников.

## БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Ярматов Р.Б.**

*п.ф.д. (DSc)*

**Ахмедова М.Х.**

*талаба, ЖДПИ*

**Таянч сўзлар:** методик тайёргарлик, инновация, инновацион ёндашув, инновацион педагогика, касбий мотивация, инновацион фаолият, инновацион менежмент.

**Ключевые слова:** методическая подготовка, инновация, инновационный подход, инновационная педагогика, профессиональная мотивация, инновационная деятельность, инновационный менеджмент.

**Key words:** methodical preparation, innovation, innovation approach, innovation pedagogy, professional motivation, innovation activity, innovation management.

Олий таълимни турли ёндашувлар асосида ислоҳ қилиш йўллари давлат таълим стандарт хужжатларида ўз аксини топган. Хусусан, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари қаторида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишининг самарали механизмларини яратиш» масалалари бор. Шунингдек бутунги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ҳам маҳоратли педагог сифатида шаклланишида инновацион фаолиятида инновация ютуқларини янада рағбатлантириш ва бунинг учун бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига инновацион ёндашувни тараб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим хисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси уларнинг маҳсус билимлариидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларнинг шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган мухитни яратиш зарур” – деб айтган фикрлари аҳамият касб этади. Шундай экан, бўлажак инглиз тили ўқитувчининг профессионал даражаси бу уларнинг методик тайёргарлик жараённида ўз соҳасида чукур ва маҳсус билимларга эга бўлиши ва фаол кўмак берадиган мухитни методик тайёргарликнинг инновацион ёндашуви асосида яратиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобаттга асосланган мухит вужудга келтирилади», деб таъкидлаб ўтилган. Рақобаттга асосланган меҳнат мухитини вужудга келтиришнинг асосий омилларидан бири – бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини методик тайргарлиги жараённида инновацион фаолиятга ўйналтириш ва бу фаолиятга тайёрлаш орқали таълим жараёнига инновацион педагогика мухитини яратиш, замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўкувчи-талабаларга билим беришни кафолатлаш ҳамда таълим самарадорлигига эришишдан иборат. Жумладан, замонавий таълим тараққиётида пайдо бўлаётган “Инновацион ёндашув”, “Инновацион фаолият”, “Инновацион педагогика” тарздаги тушунчалар эҳтиёжлар асосида келиб чиқсан бўлиб, уларнинг мақсади таълим соҳасида ўкув-

тарбия жараёни натижасини кафолаттайдиган ўзгариш, янгиланишлар киритишдан иборат.

Таълим соҳасида инновация тушунчасидан фойдаланар эканмиз, унинг маъносига келсак, “инновация” (инглизча “innovation”) – янгилик киритиш, татбик этиш, күллаш деган маъноларни билдиради. “Инновация” тушунчаси дастлаб XIX асрда маданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларда пайдо бўлиб, бир маданият турларини иккинчи бир маданиятга киритиш тушинилган. XX асрга келиб эса, янги соҳа – янгиликлар киритиш хақидаги фан пайдо бўлди. Бу фан доирасида моддий ишлаб чиқариш соҳасига техник янгиликлар киритиш қонуниятлари ўрганила бошланди.

Олий таълим муассасаларида инновацион таълим технологияларини бошқаришдаги ўқитувчи компетенцияси, бир-бирига боғлик бўлган талабларнинг бу мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ва асосий талабларини ифодалай олиши керак:

- ўқитувчининг таълим бериш маҳорати, тарбиялай олиш маҳорати, таълим олувчиликнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳоратини билиши керак;

- ўкув-тарбиявий жараённи ташкил этишда инновацион педагогик

технологиялардан фойдаланишини билиши керак. Умуман олганда, педагогик таълимни ривожлантиришда компетентликка асосланган ёндашувга ўтиш тенденциясининг ривожланиши билан педагогик таълимнинг мақсади касбий компетентликни «касбий муаммоларни ва касбий педагогик фаолиятнинг Реал вазиятларида юзага келадиган типик касбий вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини» аниқлайдиган ажралмас хусусият сифатида белгилашдир.»

Психологик-педагогик адабиётда касбий мотивация турлича талқин қилинади:

- мотивлар иерархияси назариясига кўра, касбий фаолият, касбий ўз-ўзини англаш, касбий такомиллаштиришга ундовчи эҳтиёжлар, қизиқишлар мажмуми ва касбий амалга ошириш сифатида;
- шахс ва профессионализм ривожланишининг ички омили сифатида унинг юкори дараражада шаклланиши асосида шахс маданияти ва маълумотининг самарали ривожланиш эҳтимолини мутахассис шахсиятининг ривожланишига мослиги;
- талабанинг самарали ўкув фаолиятига, унинг айрим компонентларини опти-маллаштиришга касбий тайёргарлик жараённанда когнитив ёки тушуниш фаолиятига муваффақиятли мослашишга таъсир қилувчи омиллар сингари талаба ориентациясига мослиги;
- фаолият назариясининг шахс ва профессионализм ривожланишининг ички харакатланирувчи омилларига мослиги.

Касбий мотивация ёрдамида педагогика фани машғулотларида талабаларнинг танқидий фикрлашларини ривожлантириш учун таълимнинг интерфаол ва инновацион усусларидан фойдаланилади. Бунинг учун фан машғулотларида талабаларга касбий мотивация бериш зарур. Уларга мавзуу моҳияти ва унинг келгуси фаолият жараённайдаги аҳамияти хаётий мисоллар билан тушунтирилади.

Бугунги глобаллашув даврида, ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари билан ишлайдиган ўқитувчилар қуйидаги вазифаларни амалга оширишилар керак: – маъруза матнлари, амалиёт билан боғлик топширикларни тайёрлаш; – услугий кўрсатмаларни, назорат саволларини, тўғри жавоблар вариантини тузиш; – ишчи дастур ва технологик харитани тузиш; – билимни назорат қилиш; – маъруза матнларини таҳрир қилиш; – ҳар бир мавзуу

бүйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимацияларини тасавур этиш; – мустақил ишлар бўйича ўқувчиларга назарий ва амалий саволлар юзасидан маслаҳатлар беришни ташкил қилиш; – ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзулар бўйича ўқувчилар билан сухбат ўтказиш каби талаблар кўйилади. Тизимли инновациялар – бу муайян муаммо доирасидан келиб чикадиган, аниқ мақсад, вазифаларга эга инновациялардир. Булар ўқитувчи ва бўлажак инглиз тили ўқитувчилар қизиқишилари асосида тузилиб, узвийлик характерга эга бўлади. Бундай инновациялар пухта тайёрланиб, эксперталардан ўтади ва зарур воситалар билан таъминланади (кадрлар, моддий, илмий-методик таъминот).

Инновацияларни кўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Функционал имкониятларига қараб, барча педагогик инновациялар: янгиликлар самарали таълим жараёнини таъминлайдиган шартлар (таълимнинг янги мазмуни, инновацион таълим мухитлари, ижтимоий-маданий шароитлар); янгилик – педагогик восита, технологик таълим лойиҳалари ва хоказо; ташкилий бошқарувга оид янгиликлар (таълимнинг сифатли хизмат қилишини таъминлайдиган ечимлар).

2. Инновацияларни амалга ошириш ва тағбик этиши соҳасига қараб: таълим мазмунида; ўқитиш технологиялари, таълим тизимишинг тарбиявий соҳасида; педагогик жараён қатнашчилари ўзаро таъсири тизимида, педагогик воситалар тизимида.

Ўқитувчи инновацион фаолиятда кўйидаги қобилиятларини намоён этади:

- дарс машғулотларида ижодий мотивацияни кўллайди, касбий фаолиятни баҳолайди;
- ўқувчиларнинг ижодий ўзаро фаолиятига ҳамкорлик қиласди;
- қатъяйтлик, масъулиятлик ва ҳалоллик билан ишини ташкил этади;
- инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниқлайди;
- ижодий фаолиятга жалб қилишга тайёргарлик кўради;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштиради ва бошқалар.

Инновацион фаолиятда ўқитувчи илғор, сермаҳсул ижодий шахс, кенг камровли қизиқиши, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим. Инновацион фаолият мотивациян, технологиян, рефлексив қисмлардан ташкил топади. Ўқитувчини бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилади: янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш. Инновацион фаолиятни ташкил этишда таҳсил олувчиларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш аҳамиятга эга.

Таълим жараёндаги инновациянинг мақсади – сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижага олишдан иборат. Бошқа турли-туман ўз-ўзидан пайдо бўладиган янтиликлардан фарқли ўлароқ, инновация бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизмини ташкил этади.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор психологик тўсиклар мавжуд. Буларнинг биринчиси – ўқитувчининг ўзи кўнинкан фаолият чегарасидан ташкирига чикиши жуда кийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарлича эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиши ва хавфсирашни келтириб чиқаришидир. Демак, ракобатга кодир мутахассисларнинг янги авлоди, хусусан, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда ўз олдига истиқболни кўзлаган вазифалар кўйиб, уларни еча олиш қобилияти, юксак тафаккур маданиятига хамда илмий-техник ва ижтимоий-сиёсий ахборотлардан мустакил равишда фойдалана олиш хусусиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилади. Бугунги кунда раҳбар педагогларда инноваторлик мотивациясини шакллантириши лозим: 1) биринчи бўлиш, ўзини ғолиб ҳис қилиш мотивацияси; 2) изланиш,

нимадир янгини, нисбатан мукаммалини яратиш мотивацияси; 3) ўз таълим муассаси ривожланишига кўмаклашиб мотивацияси, бу туфайли ўқитувчилар шундай харакатларни амалга ошира бошлайдики, уларнинг қимматини унинг фаолияти ва умуман ҳёти мазмуни баҳш этади, яъни шахсий ўсишга кўмаклашади. Инноваторлик мотивациясини шакллантириш билан бирга раҳбар ўзгаришларга каршилик даражасини камайтиришнинг ўёки бу методини кўллаши мумкин. Ҳозирги кунда инновацион менежментни амалга оширишнинг айрим босқичлари ва уларнинг стратегияларига багағисироқ тўхталаудиган бўлсак:

«Инкироз» стратегияси янги ғоялар ташқаридан ўзлаштирилиши ва жамоада «инқилобий» йўл билан жорий қилиниши билан тавсифланади. Янги технологияларни ўзлаштириш мақсадида ўқитувчиларга юкоридан «босим» ўтказилиши мазкур инновацион стратегиянинг асосий жараёни саналади.

«Репродуктив-илгариловчи» стратегиянинг биринчисидан фарқи янги ғояларни жорий қилиш усулида кузатилади. Олдингисидаги каби ташқаридан ўзлаштирилган ғоялар жамоага аста-секин жорий қилинади. Таълим муассасаси раҳбарияти жорий қилиш самарали бўлиши учун бу ғояларни таълим муассасаси шароити ва айрим ўқитувчилар услу-бига минимал даражада бўлсада мослаштириш зарурлигини тушунади. Бу вазифани тезда ҳал қилиб бўлмайди, шунинг учун ўрганиш ташкил қилинади.

«Кучли шахс» учун – авторитар-новаторлик стратегия ўз инновацион педагогик тафаккурни ривожлантириш билан тавсифланади, бу кўллаб-куватлашнинг «инқилобий» усули билан бирга кечади. Инновацион фикрлаш тикланишининг прин-ципиал афзаллиги педагогик вазиятларнинг чексиз сонини ижодий ҳал қилиш имконияти саналади.

Эволюцион стратегия авторитар-новаторлик стратегияси каби асл педагогик тафаккурни ривожлантириш қадриятига асосланади, бунда унинг тикланишини кўллаб-куватлашнинг эволюцион усуллари танланади.

Ривожланган мамлакатлар ва миллый педагогика тажрибаси ҳамда “Педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар” дан келиб чиқиб, педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ўкув мазмунини қўйидагича белгиланиши ўқитувчилик фаолиятига қўйиладиган фундаментал ва хусусий талабларга мослик даражасини таъминлаш имконини беради: Таълим-тарбия назарияси ва тарихи (таркиби: Педагогика фани ва тарихи; Педагогик фикр тараққиёти; Педагогика тармоклари ва тизимлари; Таълим-тарбия жараёнлари қонуниятлари ва принциплари; Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари; Инклузив таълим; Тарбия усуллари; Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия масалалари, таълим мазмуни, давлат таълим стандартлари ва бошқалар);

Инновацион педагогика ва таълим жараёнларини ахборотлаштириши (таркиби: Инновация. Инновацион бошқарув; Инновацион педагогика мазмуни; Ахборот таълим мухити; Таълимда электрон воситалар; Электрон таълим асослари; Ўкув электрон материалларини тайёрлаш; Таълим веб-ресурслари; Билимларни баҳолаш; Ўқитувчи фаолиятида видеомаъзуза ва вебинарлар, масофавий ўқитиши, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар);

Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат (таркиби: Педагогик технологи-

яларнинг зарурияти ва илмий асослари; Ўқув жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш; Таълим методлари ва воситалари; Интерфаол таълим методлари; Педагогик маҳорат; Педагогик қобилияти; Педагогик педагогик одоб; Педагогик техника; Малака ошириш ва ўз ўзини ривожлантириш ва бошқалар).

Шунингдек, таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият ҳозирги ҳолати ва ривожланишини назарий асослари ёритилган бўлиб, унда таълим тизими сифатини оширишнинг моҳияти, инновацион фаолиятни ташкил этишининг назарий асослари ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ахборот-коммуникация технология имкониятларидан таълим жараёнинда самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши баён этилган. Натижаларининг йўналганлиги бўйича таълим тизими сифатини ошириш илмий инструментарий сифатидаги инновацияларга, инновацион фаолият ва таълим тизимига бўлинади. Таълим сифатини оширишда инновациялар тўпламишнинг муҳимлиги даражасига баҳо бериш мақсадида шу тартибда ажратилиади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этиш орқали таълим сифатини янада ошириш мумкин.

Адабиётлар :

1. Мирзиёев Ш.М. “Танкидий таҳлил, катый тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Тошкент 2017, 45-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни. – Т.: «Шарқ», 1999. -50-б.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ им. Низами. 2003.
5. Абдуллаева Ш.А., Ҳуррамов Э.Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаши. Замонавий таълим / Современное образование 2016, 5. 18-20 б.
6. Агасиев Н.М. Касбий мотивация талаба шахсияти ва профессионализми ривожланишининг ҳаракатлантiruvchi омили сифатида // Замонавий фан ва таълим ривожланишининг долзарб муммалари-2018. – 97 – 98 бетлар.
7. А.Аскаров. Педагогик фаолиятга талабаларни сифатли тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим жihatлari. “Халқ таълимий” илмий-методик журнали. 2019. № 2.
8. З.М.Рахмтова. Педагогикада “Талабалар касбий мотивацияси” тушунчасининг таҳлили. «Science and Education» Scientific Journal. Volume 1 Issue 4. 245 бет.
9. Магрупов А.М. Таълим мұассасасында инновацияларни жорий килиш стратегиялари ва раҳбарнинг роли. Замонавий таълим / Современное образование 2017, 6. –Б.-64.
10. Парпирова М.М. Таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият. Academic research in educational sciences volume 2 | issue 1 | 2021 issn: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. – 502 p.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этиш орқали таълим сифатини ошириш тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена повышению качества образования путем организации образовательного процесса на основе инновационного подхода в методической подготовке будущих преподавателей английского языка.

SUMMARY

This article focuses on improving the quality of education by organizing the educational process on the basis of innovative approach in the methodological preparation of future English Language teachers.

**БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИКНИ ЎРГАТИШДА УСТОЗ-ШОГИРД  
АНЬНАЛАРИ ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Гулямов К. М.**

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти доценти, педагогика фанлари номзоди*

**Солиева Д. Б.**

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти 1-курс магистранти*

**Таянч сўзлар:** устоз-шогирд, ижодий, хунарманд, кулолчилик, бадий таълим, тасвирий ва амалий санъат, анъана, лой.

**Ключевые слова:** наставничество, творчество, ремесленник, керамика, художественное образование, изобразительное и прикладное искусство, традиция, глина.

**Key words:** teacher-student, creative, craftsman, pottery, art education, fine and applied arts, tradition, clay.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиеев жорий йил ижодкор зиёлилар билан учрашувда, санъат йўналишидаги олий таълим масканлари фаолиятини замон талабларига ҳамоҳанг ташкил этиши массалалари тўғрисидаги нутқида санъат, бадий таълимни янада такомиллаштириш, педагогларнинг касб маҳоратини муттассислар чархлаб бориши, билим даргоҳларида китобхонлик ҳамда устоз-шогирд анъаналарини кенг тарғиб этишига оид фикрлар билдири. Юқорида келтирилган фикрларга ҳамоҳанг тарзда жамиятимиздаги барча соҳаларда, хусусан бадий таълимда «Устоз- шогирд» анъаналарини тақомиллаштириш орқали келажакда юқори компетентли мутахассислар тайёрлаши мухим аҳамияти касб этади. Ҳозирги кунгача маҳаллий мактаблар ва анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини саклаб қолган Ўзбекистонда амалий санъатнинг энг қадими, ниҳоятда кизикарли турларидан бири бу бадий кулолчиликидir. Талабаларнинг бадий-ижодий қобилияtlарини ошириш, бадий кулолчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари хакидаги тасаввурларини шакллантириш, мустақил ижод қилиш, қадимдан ота-бобларимиздан илмий ва ижодий манба сифатида қараладиган бадий кулолчилик санъати сир-асрорларини ўрганишда устоз-шогирд анъаналари мухим аҳамияти касб этади.

Республикамизда ҳалқ амалий безак санъати соҳаси қадимдан юксак даражада тарақкӣӣ этган бўлиб, ҳар бир даврда ўз мазмуни, шакли, характеристига эга алоҳида мактаблар юзага келган ҳамда уларнинг ўзига хос анъана ва услублари мавжуд бўлган. Ўтмишиимизнинг бадий-эстетик меросининг намуналарини комплекс тарзда ўрганиш, хусусан, тарих, таълим-тарбия назарияси ва тарихи, санъатшунослик соҳалари нуктаи назардан таҳлил ва талкин қилиш орқали улардаги устоз-шогирдлик сир-асрорлари, санъат педагогикасини англаб олиб, ушбу тажрибани мустақил Ватанимизнинг бўлажак кадрларини ҳар жиҳатдан етук қилиб тайёрлашда қўллашни замоннинг ўзи тақозо этмоқда [4].

«Ўқитувчининг касбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш жоизи, у энг аввало, ўз касбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган шахс бўлмоғи талаб этилади. Бу шахсада янги билимлар ва илғор тажрибаларга чанқоқлик, мухими унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъйлик хусусиятлари яққол сезилиб

турсин. Амалий ва тасвирий санъат ўқитувчиси маҳсус билим ва малакалар билан қуролланмасдан ҳамда ўз соҳаси борасида юқори даражада компетентли бўлмай туриб муаллимлик қилиши мумкин эмас» [3].

«Агар шогирд шайхулислом, агар козидур, агар устоз рози – Тангри розидур», дейди Алишер Навоий ҳазратлари. Устоз-шогирдлик тушунчаси юксак миллӣ қадриятларимиздан хисобланиб, бунда асрлар давомида шаклланган тартиб-коидаларга амал қилиб келинади. Ота ўз ўғлини устозга шогирдликка бераркан, «эти сизники, сияги бизники», дея лутф килган. Бу билан устозга ўғлининг келажак тақдирини бус-бутун ишониб топшираётганини билдирган. Устоз ҳам шогирди тақдирига ўзини масъул билиб, бор иқтидору хунарини унга юқтиришга интилган. Оилавий мухитда старли талабчанлик кўрмаган болани қатъий тартиб-коидага кўнктирган [5].

Мамлакатимиз ўзининг бой маданий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта хисса кўшган қадимий цивилизация ўчиги сифатида миллӣ анъана-ларимизнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган. Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий ва амалий санъатига қўплаб ёш истевод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатяётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, ҳалқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносаб ўрин эгалашга интилиш тенденциялари кўзга ташланадаётганини ижобий баҳолаш лозим. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-хукукӣ ҳамда моддий-техник базанинг мукаммал эмаслиги, малакали қадрлар етишмаслиги бу борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсири этмоқда. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, жамиятимиздаги барча соҳаларда «Устоз-шогирд» анъаналарини кенг тарғиб қилиш орқали қўплаб камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Ёш қадрлар устоз кўмагида ўз касбини стук мутахассиси бўлишини кўришимиз мумкин.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3219-сон [1], 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сонли карор[2]ларининг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мазкур қарорларда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида жаҳондаги етакчи бадиий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, маданият ва санъат усталари ўртасида ўзаро фойдали тажрибалар алмасини йўлга кўйиш мақсадида ҳар томонлама ижодий алоқаларни ривожлантириш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидағи ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни рағбатлантириш, болалар санъатини ривожлантириш, Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидағи таълим муассасалари фаолиятида ихтинослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта маҳсус таълим муассасалари учун бошлангич бадиий таълимни йўлга кўйиш режалаштирилган. Хусусан, мамлакатимизда миллӣ ҳунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали ҳалқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар,

аёллар ва кам таъминланган оилаларни хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Нафакат, Ўзбекистон худудида балки бутун дунёда бугунги кун ёшлирида касбий камолотга интилиш маънавий кадриятларни тиклаш ва ватанга садоқат туйгуларини ўстиришда «Устоз-шогирд» анъаналари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек халик амалий санъати усталарининг яратилган маданий мерос, нодир асарлар миллий анъаналаримизни юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Хусусан, бадиий кулолчиликда устозлар анаъналари ёш ижодкорларга мисоли йўлчи юлдуз десак муболага бўлмайди. Ёш ижодкор ўз фаолиятини бошлар экан, аввало тарихга юзланади, ундан андоза олади. Бадиий кулолчилик санъатини ўрганиш ва давом эттиришда тажрибали устанинг билимлари муҳим ўрин эгаллайди. Уста кулоллар лойдан мўжизакор гўзаллик яратиш, унга қадимий нақшлар – у ранг билан бадиий ишлов беришни ўз шогирларига тадбик этадилар. Уста кулоллар томонидан бериладиган компетенцияларни талаба бошқа ҳеч қаердан ололмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам ушбу соҳада «Устоз-шогирд» анъаналарини такомиллаштириши мақсадга мувофиқ. Хусусан, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ҳамда Фиждувон каби кулолчилик мактабларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Айниска, Самарқанд, Бухоро кулолчилик мактаблари буюмларининг жарапндор нағислигининг сабаби қўроғинли сир ва сарғиш яшил, жигарранг бўёкларнинг қўлланилишида. Шунингдек, Афросиёб сополи анъаналарига асослашиб, тайёрланадиган буюмлар безагида ислимий (ўсимликсимон) нақшлар етакчилик килади. Лекин ҳандасавий (геометрик) нақшлар хайвонлар тасвири кам ишлатилган.

Хозирги кунда бадиий кулолчилик санъати мактабларида тахсил олаётган талабашшлар илк билимни устоздан олади. Устознинг талабага берган таълим-тарбияси орқали жамиятимиз учун етук кадрлар тайёрланади. Айниска, бу анъана бизнинг таълим тизимимизда мукаммал қўринишга эгадир. Кулолчилик санъати доирасиад устоз шогирд анъаналарини сақлаган ҳолда мукаммал хунармандлар этишиб чиқади. Оддий лойга ишлов бериш, уни турли хил шаклларга келтириши асосида ҳар бир жабхани устоз ўз билимлари ва тажрибалари асосида шогирдга кўрсатиб, тушунтириш орқали янги уста кулоллар тарбияланади.

Мисол учун, кулолчиликда асосий ҳом ашё тупрок хисобланади. Оддий кизил лой, кора тупрок, кўқимтири тупрок турлари мавжуд. Оддий кизил лойдан то санъат асари яралгунга қадар, лойга обдон ишлов берилади. Уни керакли шаклга олиб келинади. Сўнгра қуритилади ва маҳсус печларда пиширилади. Кейин тайёр бўлган сопол буюмга (лаган, кўза, ўйинчок в.х.к) бадиий ишлов бериш боскичи бошланади. Бадиий ишлов бериш жараёни кулолнинг тажриба ва билимлари, ранглар мутаносиблигини белгилаши, нақшларни тўғри танлай олиши, гоявий жиҳатдан асарнинг бадиий очимини топа олиш даражаси, устозининг амалий тарзда қўрсағтан йўл-йўриклиари асосида шаклланади. Шу тариқа кулолчилик соҳасида янги бир санъат асари яратилади.

Кулолчилик энг қадимий санъат турларидан хисобланганлиги боис, юқорида санаб ўтган барча иш жараёnlарини бажариш учун ва мукаммал санъат асарини яратиш учун устоз шогирд анъанаси таъсири муҳим. Чунки шогирд кулол ўзи яратагётган бадиий композициясининг энг кичик деталларигача устозининг йўлидан юриши, берилган топширикларни тўғри бажаришида устоз кўрсатмалари алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай килиб, таълим-тарбия натижасида талабалар нафакат назарий, балки амалий билимларга ҳам эга бўлиб, уларни амалиётга татбик этишини ўрганадилар. Хусусан, улар мустакил равишада халқ амалий безак санъати асарларини яратадилар ва шу билан бу санъатни асраб-авайлашга, уни авлоддан авлодга ўтишига хисса қўшадилар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 йил 28 август, 34-сон, 876-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 29.11.2019 й., 07/19/4539/4094-сон.
3. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. – Т.: 1995. – 9 б.
4. Гулямов К.М. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаoliyатта тайёрлаш тизимини такомилластириш. Монография. – Т.: TO'YTEPA PRINT, 2020. – 156 б.

5. <https://zamaxshariy.uz/>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадиий кулолчиликнинг кадимији услугуб мактабларини асраб-авайлаш, ёш авлодга ўргатиш ва янада такомилластиришда устоз-шогирд анъаналарининг ўрни ҳакида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль традиций наставничество в сохранении древних стилей и школ художественной керамики, обучении и дальнейшем совершенствовании подрастающего поколения.

SUMMARY

This article discusses the role of teacher-student traditions in preserving the ancient styles and schools of artistic pottery, teaching and further improving the younger generation.



## ЎРТА ОСИЁЛИК ҚОМУСИЙ ОЛИМЛАР ТАЪЛИМОТИ МАЗМУНИДАГИ МАТЕМАТИК ҚАРАШЛАРДАН ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Муродов Ф.М.*

*Самарқанд давлат университети Педагогика кафедрасининг  
мустақил тадқиқотчиси*

**Таяинч сўзлар:** Ўрта Осиё, қомусий олимлар, Ал Хоразмий, алгебра фани, таълимот, таълим, тарбия, математик қараши, Олий таълим, педагогик компетентлик, креатив ёндашув.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, энциклопедисты, Аль Хорезми, алгебра, преподавание, образование, воспитание, математический подход, высшее образование, педагогическая компетентность, творческий подход.

**Key words:** Central Asia, encyclopedists, Al Khorezmi, algebra, teaching, education, upbringing, mathematical approach, higher education, pedagogical competence, creativity.

Юртимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар таълим соҳасида ҳам изчил ва узлукисиз ўзгаришлар килишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мөҳияти педагогика олий таълим муассасаларида юкори малакали, юқсан маҳоратли, ҳар томонлама юқсан даражада билимли, замонавий мутахассис кадрларни тайёрлаша уларни педагогик компетентлигини оширишдан иборат. Ушбу муаммоларни педагогик, илмий-услубий ҳамда амалий ечимларни топиш, зарур методик тавсиялар ишлаб чиқиши мухим аҳамият касб этади. Бу ўринда аждодлар меросига таяниш, уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиб таҳлил қилиш бугунги куннинг зарур шартларидан биридир.

Айтиш ўринидеки, таълим-тарбия жараёнида Ўрта Осиёлик комусий олимлар таълимоти мазмунидаги математик қараашлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш, аждодларимиз томонидан яратилган яратган бебаҳо илмий-педагогик мерос ёш авлодни тарбиялашда мухим омиллардан биридир десак муболага бўлмайди. Зоро, улар томонидан яратилган таълимий қараашлар, мутафаккирларнинг педагогик ғоялари, уларнинг дидактик асарлари ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол шахс

сифатида шакллантириш, уларга тұғри таълим-тарбия беришгә хизмат қиласы.

Дархаққат, Ўрта Осиёлик қомусий олимлар таълимотидаги математик карашлардан олий педагогик таълим жараённан фойдаланиш, талабалар математик тафаккурини, илмий дүнекеарашини шакллантиришнинг методологиялық ҳамда дидактикасасларини тизимлаштиришда мухим саналади. Буннинг учун таълим мазмунни ва сифатини оширувчи илмийлик, мунтазамлилик, онглилік тамойилларига таянишнинг таркибий кисмларини аниқлаштириш, агар лозим болса такомиллаштиришни талаң этади.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини оширишда Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг илмий меросидан фойдаланишда креатив ёндашиш, инновацион таълим технологияларини күллаш, бунда субъектлар фаолиятининг ўзаро ҳамкорликка асосланған күпвариант шакллари ҳамда амалға ошириш механизмларини таълим жараённан табиқ этишга алохидан эътибор қаратылмоқда. Халқаро ташкыллар ва дастурлар доирасыда дунё мамлакатларыда таълим соҳасини Ўрта Осиёлик қомусий олимларни яратған илмий мероси асосида такомиллаштириш келажак тараккүеті ривожланишининг мухим омили математика фанини ўқитиш жараённан фойдаланиш технологияларини такомиллаштиришга эътибор қаратылған. 1998 йилда ЮНЕСКО Бөш Ассамблеясында йұрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрны, илм-фан ривожига күштеган ҳиссасыга бағищланған конференциясыда Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг бой илмий мероси, уларнинг аспарларини мунтазам үрганиши, шу орқали фан ва таълим тизимини ривожлантириш масалалары мұхокама қылғынан.

Халқаро амалиёттә ўқитиши интеграциялаш вә моделлаштиришнинг истиқболли йұналишлари асосида Олий таълим хизматларини диверсификациялаш, сифат менежментини жорий қилиш, Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг бой илмий меросидан фойдаланиш механизмларни такомиллаштириш, күп компонентли ёндашувларни рағбатлантиришга қаратылған илмий изланишларга алохидан үрин тутмоқда.

Мамлакатимизда амалға ошириләйтгән ижтимои-иқтисодий, модернизациялаш жараённи талаблари асосида таълим-тарбия мазмунининг меъерий-хукукий хужжатлари, моддий-техникавий базаси ҳамда ракобатбардош кадрларни тарбиявий кадриятлардан фойдаланиб тайёрлашға шарт- шароитлар яратылды. Шу билан биргаликда Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг илмий меросидан олий педагогик таълим жараённан фойдаланиш технологияларини такомиллаштиришда зарурат сезилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенттінің 2017 йил 7-февралдагы ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида юкори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий ютуқларни амалиётта жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш таълим соҳасидаги үстувор йұналиш сифатида белгиланди. Натижада олий таълим муассассаларидан Ўрта Осиёлик қомусий олимларнинг бой илмий меросини янада теран тадқиқ этишва оммалаштиришга шарт-шароит яратиш имконияти кенгайди.

Шундай экан, олий таълим тизиміда баркамол авлодни шакллантиришда улуг алломаларимизнинг дидактика меросидан фойдаланишга алохидан эътибор қаратылған лозим.

Ғарбда “Нур Шарқдан тарапади” деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Ахмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захирiddин Мұхаммад Бобур каби бобокалонларимиздан қолган илмий мерос Шарқ ўйғониш

даврининг дурдоналари мақомида дунё ахли томонидан ҳақли равища тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига ижобий таъсир кўрсаттани жаҳон илмфанида ўз тасдигини топган. [5:]

Айтиш ўринлики, Ўрга Осиёлик қомусий олимлар таълимоти мазмунидаги математик қарашлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш таълим сифат ва самарадорлигини оширишининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун бўлғуси педагогларнинг кассий билим, кўнкима ва малакаси юкори даражада бўлиши, математика ўқитувчисининг аждодларимиз яратган меросни билиши, уларни ёш авлодга етказиб бериш муҳим педагогик аҳамияти касб этади.

Биламизки, фан сифатида математика борлиқдаги моддий дунёнинг объекtlарини ўрганади. Аммо бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, унинг микдорий муносабатлари ва фазовий шакллари асосий объект сифатида қаралади.

Математика фанини ўрганишининг яна бир афзаллиги шундаки, турли теоремаларни исботлаш жараёни ва мулоҳазаларнинг тўгри тузилганлиги, симметрия тушун-часининг шаклланганлиги ўқувчилар интеллектуал салоҳияти ва эстетик дидининг такомиллашиб боришига туртки бўлади.

Биз олдимизга қўйган мақсад - Ўрга Осиёлик қомусий олимлар таълимоти мазмунидаги математик қарашлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш, уларнинг математика фанига кўшган ҳиссаларини мухтасар тарзда ёритишдан иборат.

Педагогик нұктай назардан олиб қараганда Олий педагогик таълим жараёнида математика фани тарихига оид маълумотларни мунтазам ўқитиши талабаларда миллый ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қиласи.

Таълим жараёнида энг аввало Марказий Осиё тарихи жуда қадимий эканлиги, бир неча йиллар олдин бу ўлқада фан ва маданият ривожланганлигини, математик олимларнинг фан ривожига кўшган улкан ҳиссаларини айттиш ва кўйидаги алломаларнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий меросларини ўрганишшик мақсадга мувофиқдир.

Ўрга осиёлик олимлардан: Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (783–850), Абу Райхон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абу Наср Фаробий (873–950), Умар Хайём (1048–1131), Насриддин ат-Тусий (1201–1274), Абул Вафо (940–998), Мирзо Улугбек (1394–1449), Қозизода Румий (1364–1447), Фиёсиддин Жам-шид ал-Коший (1385–1429), Муҳаммад Али Қушчи (1402–1474) ва бошқалар ҳозирги замон ҳисоблаш тизимини кашф этдилар, манфий ва иррационал сонлар билан ишлаш йўллари, илдиз чиқариш, квадрат тенгламаларни ечиш усуллари, Ньютон биномининг умумий форму-ласини топдилар. [1;]

Талабаларни алломаларимиз ижоди билан танишириш жараёнида уларга тегишли мисол, масалаларни кўриб чиқиши ҳамда уларнинг математика йўналишидаги ижод маҳсуллари билан танишириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Ал Хоразмий алгебра фанининг асосчиси. Унинг 1) Ҳисоб ал-Хинд. 2) Ал жабр ва ал мукобала ҳисоби ҳақидаги китоби мавжуд.

Абу Наср Фаробий Унинг кўйидаги асарлари мавжуд.

1) Астрология бўйича изохлар. 2) Ҳажм ва миқдор ҳақида китоб. 3) Фазо геометриясиги кириш ҳақида кисқача китоб ва бошқа 160 дан ортиқ асарлар ёзган.

Абу Райхон Беруний. Унинг кўйидаги асарлари мавжуд.

1) Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар.

2) Ҳиндистон.

3) Китоб ат-Тавхим.

Абу Али Ибн Сино (980-1037 й.)

Асарлари:

- 1) Донишнома.
- 2) Аш-шифо каби 400 дан ортиқ асар ёзган.

Умар Хайём (1048-1131 й.)

- 1) Алжабр ва мүкобала масалаларини исботлари ҳакида.

Насриддин Тусий (1201-1274 й.)

- 1) Тахта ва тупрок ёрдамида арифметикадан түплам.

- 2) Шақлул-кита.

Мирзо Улуғбек (1394-1449 й.)

“Зижи жадиди Кўрагоний” ва 1019 та юлдуз вазиятини аниқлаган.

Қозизода Румий (1360-1437 й.)

- 1) Арифметика ҳакида рисола.

- 2) Синус Ҳакида рисола.

- 3) Асосий жумлаларга шархлар ёки Самарқанднома.

- 4) Синус чораги ҳакида рисола.

Гўёсиидин Жамшид Коший (1385-1430 й.)

- 1) Ҳаққоний астрономия жадвали.

- 2) Осмон нарвони.

- 3) Ватар ва синус ҳакида рисола.

- 4) Устурлаб ясаш ҳакида.

- 5) Айлана узунлигини дилематрига нисбати.

- 6) Арифметика қалити.

Али Кушчи (1402-1474 й.)

- 1) Касрлар Ҳакида рисола.

- 2) Хисоб рисоласи.

- 3) Китобул Мухаммадия каби 21 та асар ёзган. [4;]

4.5. Буюк алломаларимизнинг ёзган асарларидаги ғояларнинг ҳозирги мактаб математика курсида мавжудлиги.

Ал Хоразмийнинг ғоялари мактаб курсида мавжуд:

- 1) Квадрат тенгламани ечиш ва тенгламалар ечиш.

- 2)  $\sqrt[n]{x}$  сонидан илдиз чиқариш.

$$\text{а)} 2 \cdot \sqrt{x} = \sqrt{2 \cdot 2x} = \sqrt{4x} \quad \text{б)} \frac{1}{2} \cdot \sqrt{x} = \sqrt{\frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2}x} = \sqrt{\frac{x}{4}}$$

$$\text{в)} \frac{\sqrt{4}}{\sqrt{9}} = \sqrt{\frac{4}{9}} = \frac{2}{3} \quad \text{г)} \sqrt{5} \cdot \sqrt{10} = \sqrt{5 \cdot 10} = \sqrt{50}$$

$$\text{д)} \sqrt{\frac{a}{b}} = \frac{\sqrt{a}}{\sqrt{b}} = \frac{\sqrt{ab}}{b}$$

Абу Наср Фаробий.

Тўйтбурчак ясаш, 8 бурчак, 6 бурчак, мунтазам 3 бурчак, квадрат ясаш кабилар ҳозирда мавжуд.

Абу Райхон Беруний.

Туб ва мураккаб сонлар соннинг квадрати ва куби Ҳакида ғоялари ҳозирги кунда хам кўлланилади. Куб, икосаэдр, октаэдр, тетраэдр, додекаэдр, тўғрисидаги ғоялари мактабларда кўлланилмоқда. [2;]

Абу Али Ибн Сино.

1. Сонларни квадратга кўтарганда 1, 4, 6, 9, 5 билан тугаши тўғрисидаги фикрлар.

2.  $\frac{A}{B} = \frac{C}{D}$  бўйсса  $\frac{B}{A} = \frac{D}{C}$  нисбат Ҳакида.

3. Кетма-кетликлар йигиндиси хусусан арифметик ва геометрик прогрессиялар нинг хадлари йигиндисини топиш формулалари Ҳозирги кунда қўлланилмоқда.

Умар Хайём.

$$\begin{aligned}x^3+b &= a \cdot x^3+c \cdot x^2+b \cdot x=a \\x^3+a &= b \cdot x \cdot x^3+c \cdot x^2 \cdot a=b \cdot x \\x^3 &= b \cdot x+a \cdot x^3+b \cdot x+a=c \cdot x^2 \\x^3+c &= x \cdot a \cdot c \cdot x^2+b \cdot x+a=x^3 \\x^3+a &= c \cdot x^2 \cdot x^3+c \cdot x^2=b \cdot x+a \\x^3 &= a+c \cdot x^2 \cdot x^3+b \cdot x^2=c \cdot x^2+a \\x^3+a &= c \cdot x^2+bx\end{aligned}$$

каби тенгламаларни ечиш йўлларини берган.

Насриддин Тусий.

$$\begin{aligned}1. \sqrt[3]{A} &= a + (A - a^3)/(2 \cdot a + 1) \quad (\text{бунда } a) \\3. \sqrt[3]{A} &= a + (A - a^3)/(3 \cdot a(a + 1) + 1) \quad (a^3 \sqrt[3]{A} < a + 1) \\n. \sqrt[3]{A} &= a + (A - a^n) \cdot ((a + 1)^n - a^n) \quad (a^n \sqrt[3]{A} < a + 1)\end{aligned}$$

такрибий илдиз чиқариш ҳозир ҳам қўлланилади.

Али Күшчи.

$$1. \sqrt[n]{A} = \sqrt[n-1]{r} + a + 2 / ((a + 1)^n - a^n)$$

2. Мусбат ва манғий сонлар термини.

3. Учбурчак юзларини топиш формулалари.

4. Ўнли касрлар тўғрисидаги гоялар ҳозирги мактаб амалиётида мавжуд.

Хулоса ўрнида шуну айтиши жоизки, кейинги йилларда олимларимиз томонидан ўтмиш меросимиз тўғрисида кўплаб маълумотлар тўплланган бўлиб, уларни ёшлинига тушуннарли ва тизимли равишда етказиб бериш бўйича жуда кўп ишларни амалга ошириш зарур. Ўрта Осиёлик комусий олимлар таълимоти мазмунидаги математик қараашлардан олий педагогик таълим жараённада фойдаланиш талабаларда математика фанини ўрганишга бўлган қизиқишиларини ҳам кучайтиради. Биргина «алгоритм» атамаси «Ал-Хоразмий» номидан, «алгебра» атамаси эса Ал-Хоразмийнинг «Ал жабр ва ал муқобала» асаридан олингандилигининг ўзиёк аждодларимизнинг математика соҳасидаги ишларининг накадар улканлиги, улар математика фанининг асосчилари эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

- Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-, 5-, 9-жиллар. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
- Розенфельд Б.А., Краснова С.А., Рожанская М.М. О математических работах Абу Райхана Бируни. – М., 1963.
- Тихомиров В.М., Успенский В.В. Десять доказательств основной теоремы алгебры. // «Математическое просвещение» (Третья серия), вып. 1. М.: 1997.
- Саитов Ё. Математика ва математиклар ҳақида. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
- Ялашев Б.Ф.Аллома-аждодларимизнинг математика фани ривожига қўшган ҳиссалари. Замонавий таълим / Современное образование 2015, 7

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада Ўрта Осиёлик комусий олимлар таълимоти мазмунидаги математик қараашлардан олий педагогик таълим жараённада фойдаланиш долгзарб педагогик муаммо сифатида илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек маколада таълим жараённада энг аввало Марказий Осиё тарихи жуда қадимий эканлиги, бир неча йиллар олдин бу ўлкада фан ва маданий ривожланганинни, математик олимларнинг фан ривожига қўшган улкан ҳиссаларини айтиб ўтиш ва алломаларнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий меросларини ўрганишилк мақсадга мувофиқлиги масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается использование математических воззрений в контексте учения центральноазиатских ученых-энциклопедов в процессе высшего педагогического образования как актуальная педагогическая проблема. В статье также рассматриваются древняя история Средней Азии, развитие науки и культуры в стране несколько лет назад, большой вклад математиков в развитие науки и изучение жизни, творчества и научного наследия ученых.

## SUMMARY

The article examines the use of mathematical views in the context of the teachings of Central Asian scientists-encyclopedias in the process of higher pedagogical education as an urgent pedagogical problem. The article also examines the ancient history of Central Asia, the development of science and culture in the country several years ago, the great contribution of mathematicians to the development of science and the study of the life, creativity and scientific heritage of scientists

---

## БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ярматов Р.Б.**

*n.ф.д. (DSc)*

**Ахмедова М.Х.**

*талааба, ЖДПИ*

**Таянч сўзлар:** касбий тайёргарлик, педагогик тайёргарлик, компетентлик, амалий тайёрлаш, инновацион таълим, педагогик стратегия.

**Ключевые слова:** профессиональная подготовка, педагогическая подготовка, компетентность, практическая подготовка, инновационное образование, педагогическая стратегия.

**Key words:** professional training, pedagogical training, competency, practical training, innovative education, pedagogical strategy.

Хозирги пайтда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ёшлар таълими, “Кадрлар тайёрлаши миллий дастури” олий таълим тизимида касбий педагогик тайёргарликни такомиллаштириши ва уни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор каратилишини талаб этмоқда. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириши инновацион жараёнларга асосланиб амалга оширилади. Олий таълимда касбий педагогик тайёргарликни такомиллаштиришини ислоҳ қилишнинг муваффақияти асосан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳорати билан боғлиқ - таълим жараённада асосий кўрсаткич бўлиб, у бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва ўқитиши сифатини белгилайди.

Замонавий ижтимоий-маданий шарт-шароитлар анъанавий ва инновацион жараёнларга асосланган таълим мазмунини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Анъанавий жараёнларни ўз ичига олади:

- таълим мазмунини тизимлилек, узлуксизлик, мавжудлик, қийинчиликларни мураккаблаштириш, ижодий фаолиятни ривожлантириш, индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув ва бошқалар тамойилларини кирилган ҳолда ўзлаштиришининг асоси бўлган ақлий кўнималарни шакллантириш;
- дунё ҳақидаги билимлар, дунёга муносабат ва уни ўзгартириш имкониятлари акс этган ягона таълим макони тизимида билимларни шакллантириш;
- давлат таълим стандартини шахснинг табиий ривожланиши ва унинг таълим олиши шарти сифатида амалга ошириш;
- таълим тизимида ўқитиши ва тарбиялаш вазифаларини интеграциялаш, бакалавринг касбий тайёргарлиги жараённада дунёкарошни шакллантириш;
- танланган интизомга мос равища умумий педагогик ва маҳсус билимлар ўкув

жараённига ҳар томонлама киритиш, касбий тайёргарлик бирлигини шакллантиришга қаратылған.

Бу ба бошқа аньянавий таълим йұналишлари касбий педагогик тайёргарликкінгі асоси ҳисобланади. Олій таълимда таълим тараққиётининг ҳозирғы босқичидаги аньянавий жараёнлар үқув жараёнини ташкил этишдә үқитувчининг ўрни ва роли хакида яхліт тасаввур ҳосил қылмайды. Малака ошириш ҳамда касбий педагогик тайёргарликкінгі самарадорлиғи аньянавий ва инновацион таълим жараёнларининг ўзаро болгылкылығы билан таъминланади.

Инновацион жараёнларға күйидагилар киради:

- бўлажак үқитувчини касбий педагогик тайёrlашибда компетентликка асосланған ёндашувни амалга ошириш, шу жумладан, үқув фаолиятида тегишли компетентлик дарражасига эришиш имконини берувчи билимлар ва таълим технологиялари мажмумини;
- бўлажак үқитувчини узлуксиз таълим тизимига жалб этиш, касбий фаолиятга узлуксиз тайёргарликни амалга ошириш, хаётга ўрганиши истагини шакллантириш;
- ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш жараённанда шахснинг үқув ёхтиёжларини қондириш, яъни узлуксиз билиш фаолиятини ривожлантириш;
- шахснинг ижодий ривожланишини қадрини шакллантириш, бўлажак үқитувчининг тадқиқот маданиятини шакллантириш, олій таълимда ўкиш жараённанда ижодий қизиқишларни ривожлантириш;
- демак, бўлажак үқитувчи үқув жараённанда үқув ташкилотининг ўзгарувчан яшаши шароитига ижодий жавоб бериси қерак;
- олій таълимда таълим мухитини яратиш үқув жараёнини самарадали қуриш омили ва умумий маданий қадрият ҳодисаси ва таълим ресурсларининг жамланмаси сифатида;
- олій таълимда ёрдам кўрсатиш, кўллаб-куватлаш, маслаҳат бериси, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш вазифаларини амалга ошириш учун бакалаврларни кўллаб-куватлашни ташкил этиш ва бошқа вазифалар.

Бакалаврни тайёrlашибда педагогик жараённинг янгилиги шахснинг маҳсус кўнишка ва умумий касбий сифатларини егаллашиб билан боғлиқ.

Бакалаврнинг касбий педагогик фаолиятта тайёrlиги тузилемаси ҳар қандай үқув ташкилотида үқув жараённин тузилиши билан маълум ўхшашликка эга. У күйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- мотивацион – уларнинг келгусидаги касбий фаолиятига қизиқиши уйғотувчи, үқитишининг замонавий усуулари, методлари ва воситаларини егаллашибга интилиш;
- мақсад – үқув жараённи самарадорлигига эришиш учун фаолият мақсадларини тизимли режалаштиришни ифодалайди;
- мазмун – бўлажак үқитувчи томонидан егалланган билим, кўнишка ва малакалар тизимини очиб бериси;
- технологик – усуулар, техникалар тизимини ўзлаштириш ва уларни касбий фаолиятида кўллашни очиб бериси;
- эмоционал – касбий фаолият жараённанда эмоционал-қадрият муносабатининг шаклланишини ифодалайди;
- самарадали – болалар билан ишлашда касбий вазифалар ечимларини, шунингдек, ўз фаолияти натижаларини баҳолайди;
- рефлексив – касбий идрокнинг ривожланишини, рефлексив-информацион муаммоларнинг ечимини, коммуникатив-рефлексив мухитининг кенгайишини ифодалайди.

Шундай килиб, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш олий таълим шароитида замонавий таълим стандартлари асосида амалга оширилади ва ижтимоий буюртма ҳамда шахс манфаатлари билан окланади.

Педагогик энциклопедияларда касбий тайёргарлик деганда «Муайян касбда муваффақиятли ишлаш имкониятини таъминловчи маҳсус билим, кўнікма ва малакалар, фазилатлар, иш тажрибаси ва хулқ нормалари мажмуми; - бўлажак ўқитувчиларга тегишили билим ва кўнікмаларни етказиш жараёни тушунилади.» Хозирги пайтда касбий тайёргарлик масаласига оид бир катор нашрларда турли фикрларни топишмиз мумкин. «... Мутахассислар тайёрлашда юкори профессионалликка эришдик... аммо биз уларнинг машғулотлари кенглигидан паствиз». Шу муносабат билан таълимнинг асосий вазифаси маълум билимлар захирасини таъминлаш эмас, балки бўлажак ўқитувчини ҳаётда ўз ўрнини топишга имкон берадиган ва мустақил қарор қабул килиш имкониятини берадиган чинакам маданият билан жиҳозлашади. Шунинг учун олий таълимда бугунги кунда бўлгани каби билимларни узатишга эътибор қаратмасликлари, аксинча, мустақил таълим олиш учун мотивация яратишга кўпроқ эътибор беришлари керак. Бу эса келажақда таълим тизимининг доимо ўзгариб турадиган талаб ва имкониятлари ўргасидаги объектив мавжуд зиддиятни бартараф этиши имконини беради. Чунки ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий омилилар таълимни ривожлантиришининг умумий истиқболларига таъсир этибигина колмай, балки унинг барча тузилмалари ва унинг бош комуси – бўлажак ўқитувчига тубдан янги талаблар кўяди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шарт-шароитлари қўйидагилардан иборат:

- бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг интеграл педагогик назариясининг концептуал қойдаларини, тарқибий элементларини илмий ишлаб чикиш ва асослаш, уларни амалиётга тадбик этиши;
- замонавий таълим вазифаларини ҳал этиши учун бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг ички ва ташки тажрибасидан ижодий фойдаланиш;
- ҳамкорлик педагогикаси тамоиллари асосида таълим муассасаларида таълим жараёнини инсонпарварлаштириши;
- бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлаш амалиётини янада такомиллаштириш асосида: биринчидан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий тайёрлаш узлуксизлигини таъминлаш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усусларини янгилаш эса бошқарув фаолиятига замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда; иккинчидан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик ва бошқарув маданияти даражасини ошириш; учинчидан, бошқарув жараёнидаги шахсий йўналтирилган ўзаро муносабатлар; тўртинчидан, бу жараёнда педагогик мониторингни жорий этиши бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириши шарти сифатида.

Бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини касбий ривожланиш жараёни ва инсоннинг ўкув фаолияти тажрибаси билан бирлаштирилиши мумкин бўлган дидактика тизим сифатида ҳисобга олиб, классик таълим стимулларидан ташкари бошқа таълим гурухларини ажратишга имкон беради: мавзуу ва мавзулараро/фанлараро алоқалар; ўқитувчи шахсининг интегратив сифатлари; талаба шахсининг интегратив хусусиятлари; таълим мухитининг интегратив хусусиятлари; педагогиканинг турли хил тадқикот усуслари ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, интеграциянинг ҳар хил турлари ва даражалари асосида ўқувчиларни интеграцион ўқитиш мумкин. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигига интеллектуал ижодий тафаккурни

ривожлантирувчи яратувчанлик фаолияти структураси эвристик-алгоритм усули орқали такомиллаштириши имконини беради. Интеллектуал ижодий тафаккурни ривожлантирувчи яратувчанлик фаолияти структураси ижод методи асосида лойихалаштирилади.

XXI аср мутахассисининг фикрлаши шахсий ва касбий жиҳатдан ўз-ўзини долзарблаштириш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини англашга кўмаклашувчи касбий вазифаларни мустақил ҳал этишга қаратилган. В. А. Сластенин томонидан таклиф этилган моделга кўра, замонавий ўқитувчи асосий иктиносидой таълим, ташкилий ва ўқув қобилиялари, компьютер саводхонлиги, юкори маданият, чет тилини яхши билиши, билимларни доимий бойитиш ва янгилашга интилиши, янгиликка кодир ташаббускор ва масъулиятли шахс бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик тайёрлаш тизими бир қатор тенденциялар билан ажralib туради. Улар куйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар қандай малакали ўқитувчини касбини эгаллашнинг шарти сифатида олий таълимга йўналтириш;
- бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда шахсга йўналтирилган технологиялар тизимидан фойдаланиш, уларнинг билим ва ижодий фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш ва педагогик тафаккурини шакллантиришни рағбатлантириш;
- тест тизими орқали номзодларни пухта танлаш, ҳар бир абдитуриентнинг шахсий файлини таҳлил килиш ва у билан сұхбат;
- нафақат мутахассисликни, балки танланган таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда таълим йўналишини танлаш, бу эса таълимни имкон қадар амалий қиласди;
- педагогик таълим мазмунининг психологик, педагогик ва социологик йўналтирилганлиги;
- бўлажак ўқитувчини ўқув машгулотлари асосида мулокотга амалий тайёрлаш;
- педагогик амалиётни ислоҳ қилиш;
- амалиётга йўналтирилган ўқитиш шаклларидан фойдаланиш: микро ўқитиш, ўқув вазиятларини моделлаштириш;
- талабаларнинг мустақил тайёрлаши улушини ошириш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигининг мазмуни ва ташкил этилишини аниқлаш беш соҳа компетентлигини таҳлил килишини талаб этади:

1) таълим вақтини ташкил этиш, таълим жойини ташкил этиш ва улардан фойдаланишини бошқариш, таълим фаолияти турларини ва тури ўқитиш воситаларини танлаш, синфдаги мухитни тартибга солиш билан синф хаёти билан боғлиқ ваколатлар;

2) талабалар ва уларнинг хусусиятларига бўлгани муносабат билан боғлиқ ваколатлар, мулокот, билим ва ўқув қийинчиликларининг турларини ўрганиш ва талабаларга ёрдам бериш, таълим услубларини ўрганиш ва тадқик қилиш, таълим фарқлаш ва талабаларга ёрдам бериш, мақсад ва фаолиятни индивидуаллаштиришни таъминлаш, ижобий баҳолаш ва самарали ёрдам беришга имкон беради;

3) ўқитиладиган ва етарли илмий билим талаб фанлар билан боғлиқ ваколатлар, талабалар учун аллақачон мавжуд билим асосида таълим жараёнига уларни интеграция килиш қобилияти, хисобга фанлараро уланишлар хисобга олган ҳолда таълим мазмунини режалаштириш қобилияти, стандарт ўқув дастурларини чукур тушуниш ва талаба эҳтиёжлари доирасида уларнинг амалга ошириш;

4) бўлажак ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, унинг ижтимоий мухит билан ўзаро муносабатлари характеристига қараб белгиланган ваколатлар. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий ва касбий интеграцияси масалалари бўйича ҳамкаслар билан баҳс мунозаралар ўтказиши, илғор тайёргарлиқдан ўтиши керак;

5) педагогик жараён учун энг муҳим бўлгани ўқитувчининг шахсий компетенциялари. Бу сизнинг ҳаракатларингизни ва техникангизни таҳлил қилиб, ўқитувчи бўлиш

қобилиятидир. Ўқитувчилик касбнинг маъно излаш, янги педагогик стратегияларни ишлаб чиқиши, турли хил янги ўқитиш методлари ва усулларини синааб кўриш каби жиҳатлари эътиборга лойик деб хисобланади, аммо ўқитувчининг ваколатининг ҳақиқий далили-бу доимо ўзига савол беради ва содир бўлган воқеаларни таҳжил қилиш асосида аник қарорлар қабул қиласди.

Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ҳам эътиборга олиш уларнинг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда ҳамда мутахассислик билимларини доимо бойитиб бориша мухим ахамиятта эга.

Касбий компетенцияларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- махсус компетенция – ўз касбий фаолиятини етарли даражада юқори эгаллаш, кейнинг касбий ривожланишини лойихалаштира олиш;
- ижтимоий компетенция – ҳамкорликдаги касбий фаолиятни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарликни сезиш;
- шахсий компетенция – мустақил шахсий акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий ўзгаришларига қарши туриш воситаларини эгаллаш;
- индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил кўллаш ва ривожлантириш усулларини эгаллаш, индивидуал – касбий ўсиш, мустақил ишларни ташкил қилиш ва мустақил реабилитация килишга тайёрлик;
- асосий компетенциялар – мослашиш ва маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган шахснинг маданиятларо соҳалардо билим, қобилият ва кўнникларни.

Касбий компетентлик бўлажак ўқитувчи томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланисига эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиши бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам назарда тутади, шунингдек, компетенция мутахассислик билимларни доимо бойитиб бориши, янги аҳборотларни ўрганиш, мухим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Худоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш асосан умумлаштирилган назарий тушунчалар ва тўпланган амалий тажриба асосида амалга оширилади ва такомиллаштирилади. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлаш жараёнини ташкил этиш учун илмий асос яратади.

Адабиётлар:

1. Бондаренко Е.Н. Воздрения на профессиональные компетенции современного учителя в различных странах мира // Образование и общество. 2008. № 5. - 43 б.
2. Буравихин В.А. Учитель и общество. // Педагогика, № 5, 1996. - С. 60-63.
3. Л. П. Назарова Профессиональная педагогическая подготовка бакалавра в вузе. Научной статьи по специальности «Науки об образовании». – С. 109-110.
4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчини касбий шакллантириш. –Т.: Фан, 2004. -64 б.
5. Т.В.Леонтьева Исследование состояния профессионально-педагогической подготовки студентов в педагогическом университете. Научной статьи по специальности «Науки об образовании». Том 3. – 278 с.
6. См.: Педагогика: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений / Под ред. В.А. Сластенина. М.: Академия, 2008. 576 с.
7. Ю.И.Семенова. Профессиональная педагогическая подготовка учителей во Франции. Высшее образование в России. № 10, 2009. – 132 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни инновацион таълим ҳамда унинг таркибий қисмлари асосида ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается процесс совершенствования профессионально-педагогической подготовки будущих учителей английского языка на основе инновационного образования и его компонентов.

#### SUMMARY

In this article, the process of improving the professional pedagogical training of future English teachers is highlighted on the basis of innovative education and its components.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ ДИДАКТИК АҲАМИЯТИ

Рахматуллаев А.

ТДПУ Термиз филиали кафедра мудири

Сатторова Д.

капта ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** таълим жараёни, интерфаол методлар, дидактика, илм, метод, мақсад, ҳикмат, вазифа.

**Ключевые слова:** учебный процесс, интерактивные методы, дидактика, наука, метод, цель, мудрость, задача.

**Key words:** educational process, interactive methods, didactics, science, method, purpose, wisdom, task.


Бугунги илм-фанга эътибор ўзокни аниқ, кўра билиш порлок келажак сари ташланган кутлуг қадамдир. Шундай экан, таълим , илм-фан ютуқлари жамият тараккиёти инсон манбаатларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз сиёсатининг асосий стакчи тоғаси ҳам таълим-тарбия саналади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ғоялари асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишлари бўйича –Ҳаракатлар стратегиясида ўзлусиз таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш каби катор долзарб вазифалар белгиланган. Чунки илдизи бакувват бўлмаган ниҳол барабар ўсмагани каби , агар таълим тизимидаги ҳам янги ҳаракатлар дастури яратилмаса юргу учун муносиб авлодни камол топтириш мушкул вазифага айланади . Ўндан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонни барча соҳаларда юксак чўккиларга олиб чиқиши ва истиқболли ёшларга таълим-тарбия беришдан иборат.

Файласуф Конфуцийнинг шундай ҳикмати бор: «Агар сен халкингни бир йил боқмоқчи бўлсанг бугдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг , дарахт эк, агар асрлар давомида бўлмоқчи бўлсанг ,билим, илм эккин»деган. Шундай экан , ўқитувчи ўз қасбий салоҳиятидан келиб чиқиб, ватан олдида вижданан меҳнат килиши ҳамда уни амалда кўллашда интерфаол методларни етарлар даражада ўзлаштирган бўлиши керак. Натижада ўқитувчи таълим-тарбия сифатини мазмунан янги босқичга кўтаради . Анъянавий таълимда ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириб борища фақат ўқитувчи билимлар соҳиби бўлиб хизмат қилган. Бунинг боиси шу вақтгача анъянавий таълимда ўқувчилар тайёр билимларни эгаллаган бўлса , замонавий таълим технологияларида эса уларнинг ўзлари ўқитувчи томонидан берилган топширикларни биргаликда мустакил таҳлил этишади ва фаоллик даражаси ошади.XXI аср юксак технологиялар ва ахборотлашув давридир. Жаҳон цивилизациясидаги умумий жараён бўлиб, у чегара ва ҳудудларни билмайдиган , узлусиз кучайиб ва ривожланниб бораётган ҳодисадир.

Глобаллашув даврида ҳар қандай давлатнинг ривожланниши уни ривожланган мамлакатлар каторидан , мустаҳкам муносиб ўрин олиши , биринчи навбатда давлатнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маърифий салоҳияти айнан барқамол авлод таълим-тарбияси билан узвий боғлиқдир. Демак, ўқитувчи ҳам ,ўқувчи ҳам таълим жараёнинг фаол субъектига айланниши давр талаби учун муҳимдир. Бунинг учун замонавий инновацион таълим технологияларни бевосита ва билвосита дарс жараёнига тўлиқ тадбиқ этиши ва амалда кўллашдан иборатdir.

Етакчи таълим технологиялардан бири – интерфаол методлардир . Интерфаол методнинг пайдо бўлиши хорижий таълим концепцияси билан узвий боғлиқдир. Ушбу концепциянинг моҳияти шундаки, дарс жараёнининг тубдан сифати ва самарадорли-



методлардан мақсадли фойдаланиши ўқитувчининг асосий иш фаолиятидир. Шундай экан, ўқитувчининг кўзгуси бу интерфаол методлардан самарали фойдаланишидир. Бу эса маълум ва аник натижаларга олиб келади.

Таълимнинг интерфаол методи аста- секин мустакил дидактик тизим мавқиени эгаллайди. Демак , дидактика юончча «*didaktikos*»- ўргатувчи , «*didasko*» ўрганувчи сўзидан олинган. Бу таълим жараёнининг мазмуни ва моҳиятини усулларини, вазифаларини , шаклларини ва билимларини текширишини ўзига камраб олади.

Дидактика педагогиканинг «Кимни ўқитиш?», «Нимани ўқитиш?» ва «Қандай ўқитиш? » каби саволларга аник жавоб беради . Дидактика хусусий методика билан ўзвий боғланган. У барча ўқув фанлари учун умумий конуниятлар ва конунлар намуна- сидир. Бу эса таълимнинг замонавий заруриятева эхтиёжига айланади.

Дидактика интерфаол методларнинг узвийлиги дарснинг сифати ва самарадорли- гини янгича талкинда , миллий руҳида инновацион технологиялар асосида янгилайди. Кўйида бир нечта интерфаол методларга таъриф берилади.

“Т – чизма” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустакил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни миқдор жиҳатдан teng гурҳларга ажратади;
- иштирокчиларни тренинг ўтказишга кўйилган талаблар ва бажарилиши зараур бўлган топширик шартлари билан таништиради;
- тарқатмалар (иловадаги) иштирокчилар гурухига берилади ва таклиф этилган чизма асосида катнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустакил фикрини билдиради;
- билдирилган фикрлардан асосий фарқлари ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;
- белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига еттагч, барча гурухларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;
- Ибарча гурухларнинг якуний хулосалари ўқиб ўшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гурухлар ишни баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.

**“Балиқ скелети” график организери (ГО)**

ГО талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва очишини ќобилиятини шакллантиради. Уни кўллашда талабаларда мантиқий фикрлар, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил килиш кўникмалари ривожланади.

Бу эса мавзунинг самарадорлигини методик жиҳатдан очишини яхшилайди

Интерфаол методлар бу тизимли фаол фикр юритиш ќобилиятини шакллантириш учун таълими ёндашувдан аник фойдаланишини, кўзлайдиган мақсадни предметли фаолиятини ташкил этишдир. Интерфаоллашган дарсларда муаммо мажмууний, хаётий, ижтимоий аҳамиятли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Платон “Бўймўш мия, иблиснинг хонасиидир” дейди. Дарс жараённида тинимсиз гапириш зерикарлидир. Бир гапга ҳадеп ўргу бермаслик керак. Ўқитувчининг чиройли нутки, талаффузи ўқувчига изходий қувват берishi лозим.

Таълим жараённинг асосий максадларидан бири мустақил фикрловчи, онги тафаккурга эга бўлган шахсни тарбиялашдир. Яъни эркин фикрловчи, мустақил тафаккурга эга инсон жамиятнинг безагидир. Бу эса таълимнинг ўзаги, дунё мўъжизаларини ўзлаштириш қалити ҳисобланади.

Бизнинг асосий вазифамиз дидактик аҳамиятга эга бўлган интерфаол методларни мукаммал ўзлаштириб қасбий маҳоратимизни доимий равишда ошириб боришимиз айни ҳақиқатдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Ш Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришини тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида нутк /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б. (.pdf 17.6Mb)

3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й.

4. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараённида инновацион технологиялар (методик кўлланма). – Тошкент-2014.

5. Худойкулов Х.Ж. Педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Т.: Наврӯз, 2012  
РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада таълим жараённида интерфаол методларнинг дидактик аҳамияти тўғрисида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается дидактическое значение интерактивных методов в учебном процессе.

РЕЗЮМЕ

The article discusses the didactic value of interactive methods in the educational process.

---

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ҲАРБИЙХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҚАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Абдураҳимова Да.А.*

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академияси Гуманитар фанлар  
кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори*

**Таяинч сўзлар:** қасбий компетентлик, ҳарбий-педагогик фаолият, компетентлик, офицер компетенцияси, тренинг машгулот, ривожлантириш, таомиллаштириш.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, военно-педагогическая деятельность, компетентность, офицерская компетентность, обучение, развитие, совершенствование.

**Key words:** professional competence, military pedagogical activity, competence, officer competence, training, development, improvement.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Ш. Мирзиёев ҳарбий кадрларни тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли масаласига алоҳида эътибор қартиб, «Кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим фаoliyatiни таъминлаш, бой амалий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар орасидан энг муносаб шахсларни ўқитувчилик фаолияти учун танлаб олиш бўйича самарали тизимни жорий этиши лозим... Ёш кадрларни тайёрлашда ўқитувчилар ўз салоҳиятини янада тўлиқ сафарбар этиши зарур», деб таъкидлаб ўтди [1]. Ўқитувчини педагогик фаолиятга тайёрлаш, унинг қасбий компетентлигини оширишга бағишлиланган замонавий тадқиқотларда унинг профессионализмининг шаклланиши инновацион технологиялар, инновацион педагогик шароитлар сатҳида

амалга оширилишига кўпроқ урғу берилмоқда. Бу эса, ўзнавбатида, педагогик фаолият характерининг ўзгариб бораётганлиги, таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги, педагогик муносабатлар вақтида рефлексив маданиятга урғу берилиши, педагогик фаолияти лмий асосларининг кучайиб бориши, педагогик амалиётнинг фундаментал педагогик тадқиқотлар билан боғлиқлигининг кучайиб бораётганлигин тақозо қилмоқда [2].

Бугунги кунда глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири хам турлича. Бу хол дунё мамлакатларининг маънавий, иктисодий, ҳарбий, салоҳиятлари ва сиёсати кандай экани билан боғлик. Ҳарбир ижтимоий ҳодисасининг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни хам бундан мустасно эмас. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларининг ҳарбири мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун, шу ҳодисасининг ҳарбири соҳага бўлган таъсирини чукурроқ ўрганиш, ундан фойдаланиши стратегиясини ишлаб чиқиш даркор. Глобаллашув жараёнларида ҳарбий хизматчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масаласи ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Чунки, бугунги кунда ҳарбий педагогикадаги асосий масалалардан бири бу ҳарбий хизматчилар касбий тайёргарлигининг улардан талаб этиладиган амалий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини таъминлаш асосида уларнинг касбий тайёргарлик мазмунини фан-техника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг тезкор ўзгаришларига мослаштириш, ностандарт вазиятларда тезкор карорлар қабул қилиш, шунингдек касбий-амалий вазифаларни тўлақонли бажариш учун зарурий кўнникма ва малакаларни шакллантириш бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масаласига хам илмий хам педагогик нутқи-назардан янгича ёндашув заруратни шакллантироқда.

Бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масаласини тадқиқ этиш аввало касбий фаолият, касбий тайёргарлик ва компетентлик тушунчаларнинг методологик асосларини ёритишини талаб этади. Маълумки, касбий фаолият бу ижтимоий аҳамиятли, мақсадли ўйналтирилган фаолият тури бўлиб, у маҳсус тайёргарлик ва зарурий касбий билим, кўнникма ва малакаларни талаб этади. Касбий тайёргарлик – маҳсус назарий билим, амалий кўнникма ва малакалар, шунингдек, маънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириш асосида шахснинг касбий фаолиятни олиб боришига нисбатан физиологик, психологияк ва жисмоний тайёргарлик даражаси саналади. Таникли педагог психолог олим В.А. Сластениннинг илмий изланишларида бўлажак мутахассисларнинг касбий кўнникма ва малакаларини шакллантиришда: 1) мутахассис ишлами лозим бўлган аниқ вазиятларни;

2) унинг меҳнат вазифаларини; 3) талаб этиладиган билим, малака ва кўнникмаларни инобатга олиш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Касбий фаолиятни самарали амалга ошириш, касбий билим ва кўнникмаларни мувваффакиятли ўзлаштиришдаги асосий омил касбий сифатларни ривожлантириш масаласи бу борадаги муҳим вазифалардан бири хисобланади.[3.]

Бўлажак мутахассисдаги касбий билим, кўнникма ва малакалар даражасини, касбий (маънавий, шахсий ва жисмоний) имконият ва касбий сифатларини фаолият самарадорлигига тўлақонли ўйналтириши касбий ривожланганликтининг юкори даражаси бўлган касбий компетентликнинг шаклланшилиги асос бўлади. Компетентлик тушунчаси касбий шаклланиши ва касбий стукники баҳолочи меъёр бўлиб, мазкур тушунчага нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. - Компетенция тушунчаси педагогика соҳасида таълим мақсадларини белгилаш учун қўлланилиб, хорижий тилда мулокот қилишга қодирлик ва амалий тайёрлик деб таърифланади. Кейинчалик олимлар ушбу тушунчани ижтимоий-маданий ва психологияка спектларда талқин кила бошлади ва унинг таркибига кўнникма ва малакаларни, фаолияти тажрибасини киритди. Ушбу тушунчага кўплаб таърифлар берилган бўлиб, уларни киёсий таҳлил қилиш натижасида мутахассислар кўйидагича хуросаларга келишди:

1. Компетенция – таълим мақсади, унинг мазмуни, натижаси ва воситаси.

2. Компетенция – индивиднинг турли хил вазифаларни бажара олиш қобилияти бўлиб, аниқ бир касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар йигиндиси.

3. Компетентлик – аниқ бир касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик хусусияти.

Бўлажак офицерларни самарали тайёрлаш жараёни тренинг машғулотларда таълимнинг интерфаол шаклларидан фойдаланишини тақозо этади. Шу маънода айнан тренингда машғулотларининг имкониятлари чексизdir. Тренингда куйидаги вазифалар амалга оширилади: курсантлар мулокот, педагогик мулокот, уларнинг психологик ва касбий назарий асослари, турлари, мулокот маданияти, самарали мулокот воситалари, технологияси ва техникаси тўғрисидаги билимларини интерфаол режимда амалий синаб кўради; курсантлар ўқитувчи сифатида ўз коммуникатив услугуб, хулк ва одобини намойиш этади, англаб олади ва кашф қиласди. Тренинг машғулотининг яна бир имконияти шундан иборати, у реал касбий вазиятларни моделлаштириш асосида ташкил этилади, иштирокчилардан мулокот жарёнида фаол иштирок этишни, уларнинг интеллектуал ва аналитик имкониятларини сафарбар килинишини талаб этади. Бўлажак офицерларнинг касбий компетенциясини шакллантириш мақсадида тренинг машғулотларида интенсив методларнинг куйидаги турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- кичик лекция,
- информация;
- бошқарувли дискуссия;
- ақлийхужум, синектика;
- роллийин (вазиятларни ролларда синаб кўриш);
- коммуникатив вазифалар ва машқлар;
- намойиш ваузини-ўзи намойиш этиши;
- аналитик машқлар;
- симулятив ўйинлар;
- ишбилармонлик ўйини;

видео намойиш, мулокот иштирокчилари хулк-атворини видео намойиш этиши ва бошқалар.

Одатда тренинг машғулоти уч босқичда амалга оширилади: билимларни эгаллаш, намойиш этиши ва амалда синаб кўриш. Хар бир босқичда ўзига хос методлардан фойдаланилади. Масалан, билимларни эгаллаш босқичида мини лекция, ахборот, китоблардан фойдаланилса, намойиш этиши босқичида жонли тасвирлар ва видеофильмлар, амалий босқичда эса ролли ўйинлар, моделлаштириш методлари мақсадга мувофиқидир. Шундан келиб чиқиб, бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини тарбиялаш механизмларини ҳозирги замон талаблари дараражасида такомиллаштириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда ривожлантириш лозим. Шу нуткан назардан, ҳарбий хизматчиликнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши ва улардан фойдаланишининг методик ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиши, шунингдек, истикబоли йўналишларни белгилаб бериш вазифаларининг амалга оширилиши ҳамда мазкур мухитда бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини тарбиялаш механизмларини илмий-педагогик такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш долзарб хисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Куролли кучларимиз – мамлакатимиз баркарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир. //Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик кенгашинининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси-даги нутки. //Ватаннвар, 2018 йил 13 январь.

2. Муслимов Н., Уразова М. Инновационные педагогические условия формирования профессиональ-

ной компетентности будущего учителя в высших образовательных учреждениях. – ТошкентДавлат педагогика университетиахорборлари, 2014 йил, 1-сон. 15-19-б. 3

3. Личность и профессия: психологическая поддержка и сопровождение: учеб.пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / Л. М. Митина, Ю. А. Кореляков, Г. В. Шавырина и др.; под ред. Л. М. Митиной. – М. : Издатель-ский центр «Академия», 2005.

4. Черепанова Л. В. Формирование лингвистической компетенции при обучении русскому языку. – Новосибирск: Наука, 2006. – С. 11.

5. Гончарова Н. Л. Категории компетентность и компетенция в современной образовательной парадигме // Сборник научных трудов СевКав.ГТУ. Гуманитарные науки. – 2007. – № 5. <http://www.ncstu.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада глобаллашув шароитида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг мазмуни ва асосий йўналишлари педагогиканинг замонавий тенденциялари мисолида баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыто содержание и основные направления повышения профессиональной компетентности будущих офицеров в условиях глобализации на примере современных тенденций в педагогике.

SUMMARY

The article reveals the content and main directions of increasing the professional competence of future officers in the context of globalization on the example of modern trends in pedagogy.

---

## ТАЛАБАЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШ АСОСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

*Холбоев А.М.*

*ЎзДЖТУ ўқитувчиси*

**Таянич сўзлар:** илмий дунёқараши, тарбиялаш, талабалар, фан ва техника, табиат бирлиги, жамият ва табиат, ҳодиса, ўкув жараёни, талаба тафаккур, иродаси, хиссиятлари.

**Ключевые слова:** научное мировоззрение, воспитание, студенты, наука и техника, единство природы, общества и природы, событие, учебный процесс, студенческое мышление, воля, чувства.

**Key words:** scientific outlook, education, students, science and technology, the unity of nature, society and nature, event, educational process, student thinking, will, feelings.

Талабаларда илмий дунёқараши шакллантириш педагогик жараённинг асосий мақсадларидан биридир. Фан ва техниканинг жадал тараққиёти талабаларда табиий ҳамда ижтимоий йўналишларда маълум илмий тушунчаларга эга бўлишларини талаб килади.

Илмий дунёқараши шакллантиришда фанлараро боғлиқликнинг изчилиллик тамойилига амал қилиш лозим. Фанлараро боғлиқлик талабаларда маълум ҳодисанинг турли нутқни назарда кўриб, воқеа тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши имконини беради.

Илмий дунёқараши шакллантиришда хусусан ўрганилаётган воқеа ёки ҳодисанинг барча хусусиятлари ва алоқаларини тўлақонлигича қамраб олиши имконини берадиган предметлараро боғлиқликнинг аҳамияти катта. Масалан, предметлараро боғлиқлик асосида талабаларда тирик ва ўлик табиат, жамият ва табиатнинг бирлиги тўғрисидаги методология гоялар шаклланади.

Ўкув тарбия жараёнида талабаларга илмий дунёқараши асосларини шакллантириш.

Дунёқараши шакллантиришда талаба тафаккур, иродаси, хиссиятлари ва фаоллигига таъсир қилиш ҳам муҳим ўрин касб этади.

Воқеа ҳодисаларни ўрганишда талабада маълум тушунча, тасаввурлар пайдо бўлиши лозим. Уларни ҳосил қилиш эса тафаккур жараённинг фаол фаолиятидир.

Тушунча ва тасаввурлар маслакка айланиши, дунёкарашнинг маълум тизимиға айланиши учун улар талаба ҳиссиятлари ва кечинмалари доирасига кира олиши керак.

Ижобий эмоционал ҳолат талабаларни илм чўққиларини эгаллашга ундаиди. Албатта, эътиқод ва ҳиссиятлар билан уйғунлашган кучли иродада инсонни маълум ҳатти ҳаракатларга ундаиди.

Булардан ташқари талабага бўлган ишонч унга маъсулиятни юклаш ҳам миллӣ дунёкарашни шакллантиришда маълум ўрин эгаллайди.

Илмий дунёкарашни шакллантиришда ўқитувчи ўрни бекиёсдир. Ўқитувчининг билим савиасидан тортиб, муомаласигача талабаларда ишонч уйғотга олса маълум натижага эришилади.

Диннинг тарбиявий хусусиятлари. Яхлит ўқув-тарбия жараённада фуқаролик тарбияси.

Етмиш йил давомида атеист тарғиботчилар сабиқ социализм жамиятида динга ўрин бўлмаслиги ҳакида жар солиб, уни ичкилибозлик, жиноятилик, гиёхвандлик ва порахўрлик сингари иллатлар билан бир категорга кўйдилар, ҳамда динга карши аёвсиз кураш олиб боришига ундаидилар. Аслида кишиларни диний эътиқодига кўра бир – бирига қарама – қарши килиб кўшиш жамият тараққиётидага ўзининг ёмон таъсирини кўрсагади. Динга инсонлар онгина пасайтирувчи, майда буржуа психологиясини тикловчи, бирократияни ва миллатчиликни тарғиб қўйувчи куч деб қаралиши диндорлар гағиша тегди ва уларнинг онгига ўзининг салбий аксини топди. «Дин – ҳалк учун афюн» дир деган бўлмагур тушунча ва шиорлар омма орасида кенг тарқатилди. Шундай килиб, дин жамият тараққиётига ҳалақит берувчи бош тормоз, турмуш учун зарарли иллат деб, тан олинди. Динга жамият тараққиётининг тормози сифатида қаралиши хато эканлигини биз ҳозир кўриб – билиб турибмиз.

Шахсга сингиниш, катагон йилларида, турғунлик даврида кўплаб ҳалқ оммаси жонли, унумдор ва ижодий меҳнат фаолиятидан чалғитилиб, бўлмагур сафсатабозлик : «Сен диндорсан, сен зиёлисан», деган тарғиб – ташвиқ билан шуғулланилди. Бу жараёнлар иқтисодимизга, сиёсатимизга, ҳалқнинг маънавий ҳаётига ўзининг бузгунчи таъсирини ўтказди. Оқибатда ҳалқ оммаси орасида норозилик келиб чиқиб ижтимоий иллатлар ривож топди. Ўша даврда атеистлар ҳалқ оммасини лакиллатиб якин кунларда буюк ўзгаришлар бўлишини таъкидлаб эскилиник тугатишига чакирдилар, эскилик сарқитлари категорија дин ҳам киритилди. Ахир, дин бу – «капитализм қолдиги» эди – да! Ҳамма оммавий равишда динга қарши курашга отлантирилди. Кўплаб масжидлар, ибодатхоналар вайрон килинди. Жамиятнинг илғор, хур фикри кишилари бўймиш мулалар, домлалар, дин пешволари ўддирилди ёки чет элга кувғин этилди. Бу ишлар диндорлар орасида қарши қайфият пайдо килди. Оддий диндорларга нисбатан ҳам ноҳаклии ҳоллари содир бўлиб турди. Мисол учун, диндор одам меҳнатда юксак даражага эришса ҳам у рағбатлантирилмасди.

Якин йилларгача бизда дин «буржуа идеологияси», деб уқтирилар эди. Ахир, дин буржуа жамиятидан олдин ҳам бўлган – ку! Нега энди армияни ёки судни эски жамият шакллантирган ҳолларда ҳам тан оламиз? Динга эса бошқача муносабатда бўламиз?

Тарихга бир назар ташласак, жуда кўп дин пешволари ҳалқ озодлик ҳаракати раҳбарлари бўлишганини кўрамиз. Ҳозирги замонга келиб уларнинг кўпчилиги ядро куролларини йўқ қилиш учун ёки инсон ҳукуклари учун фаол курашшитилар. Бундан ташқари экология, атроф мухит муҳофазаси масалаларида ҳам улар жонли фаолият олиб бораёттилар. Шундай экан, биз динни жамиятта зарап келтирувчи, тинчлик ишига қарши жабҳада турувчи таълимут деб қарашимиз мутлақо нотўғри. Дин ҳеч бир тузумга – на социализмга, на коммунизмга қарши эмас. Акснча, у инсоннинг тараққиётига ўзининг катта ёрдамини бериб келмоқда. Дин ичкилибозлика, гиёхвандликка, жиноятичилликка қарши самарали кураш олиб борища ўз ҳиссасини қўшмоқда. Дин дунё

маданияти тарккىётида бош ролни ўйнаган омилдир. Агар биз диндорлар билан бирга ишламас эканмиз, ҳеч қачон яхши ҳаёт қурилмайди. Негаки, инсон – дунёкараши, эътиқодидан қатъий назар, жамиятнинг тенг хукукли аъзосидир. Дин давлатдан ажратилгани билан давлат ўз аъзоларидан воз кеча олмайди. Улар шу давлатнинг тўлақонли фуқароларидир. Демак, янгича фикрлашнинг вазифаси инсонларни бир – биридан узоқлаштириш эмас, балки жисплаштиришdir.

Адабиётлар:

1. Аникеева Н.П. Жамоада рухий мухит. – Т., Ўқитувчи, 1997.
2. Адизова Т.М. Бошшарув мулоҳоти психологияси. – Т., 2000 й.
3. Ш.А.Дўстмуҳаммедова. Ўқувчиларда ўқув фаолиятини бошқариш психологияси. -Т., 2000 й.
4. В.Квinn. Прикладная психология. Перев. с англ. – С. – Пб. Питер Ком. 1998.
5. А.Ц.Мунавваров. Оила педагогикаси. – Т., Ўқитувчи, 1997 й.
6. И.Турсунов, У.Нишионалиев. Педагогика курси. – Т., 1996.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабаларда илмий дунёкарашни тарбиялаш масалалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования у студентов научного мировоззрения.

SUMMARY

The article deals with the formation of students' scientific outlook.

## АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Курбонова М.Э.*

*Тошкент вилояти ЧДПИ магистранти*

**Таянч сўзлар:** ўқитувчи, педагогик соҳа, таълим, ўқувчи ва талабалар, методлар, интерфаол усуслар.

**Ключевые слова:** педагог, педагогическая сфера, образование, ученики и студенты, методы, интерактивные методы.

**Key words:** teacher, pedagogical sphere, education, pupils and students, methods, interactive methods.

Бугунги кунда таълим – тарбия соҳасида амалга оширилётган ислохотлар ўтиш жараёни самарадорлигини ошириш ва уни янада яхшилашга қаратилган бўлиб, Республика измизда таълим соҳасида давлат сиёсати даражасида кўтарилиган бўлиб у педагоглар зиммасига мустақил фикрлайдиган юксак маънавиятли, чуқур билимларга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашдек маъсулятли вазифа юклатади.

Бугунги кунда инновацион технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб улар кўйидагиларни ўз ичига олади, яъни:

- инновацион технологиялар хардоим ўқувчиларнинг фанга бўлган кизикишини орттиради;
- инновацион технологияларни қўллаш жараёнида ўқувчининг мулокот маданияти ривожланади;
- инновацион технологиялар ўқувчилар ўз иқтидори билан билимини намоён этади;
- ўқувчининг ижобий хислат ва фазилатларини шакллантиради. (зинамазина, чархпалак, балиқ скелети, кор парчаси в.б)

Таълим жараёнига интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ахборот технологияларни қўллашга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Сабаби ананавий таълимда ўқувчитайёр билимлар берилган бўлса, замонавий технологиялар уларни ўзлари кидириб топишга мустақил ўрганиб таҳлилкилишга, ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади.

Үқитувчи-педагогларнинг хусусий фанлар ассоциацияларини үқитишига йүнаптирилган машыгутолтар жараёнини ноаньбанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнини мукаммал андоза асосида лойихалашша эришиш, мазкур лойихалардан оқилюна фойдалана олини күнікмаларига ега бўлиши таълим олувчиликларидан назарий билимларни пухта, чукур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўнкимга маалакаларнинг хосил бўлишининг кафолати бўла олади.

Кимё фанида үқитишининг бир нечта турлари мавжуд. Жумладан уларни тушунтиришда методлар ва вазифаларини аниқлаш, улар кўлланиладиган ўрнини белгилаш, умумий методлар, докторатив метод, иллюстратив метод, эвристик метод в.б.ларни келтириб ўтамиш.

**Үқитиши методи-** үқитувчи рахнамолигида ўкувчиларнинг мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти бўлиб хисобланади. Кимё үқитиши методикасининг ўзига хос алоҳида хусусиятлари мавжуд: улар;

1. Кимё үқитиши мазмуни ва методикаси амалиётга асосланган назарий фан.

Ўкувчиларнинг билиш фаолияти тафakkur кирраларини ўстиришига қаратилган бўлиб, модданинг аник хосаси ўзгариши, холати, хоссалари, тузилиши, таркиби кабилалар фикр юритишига ўкувчиларни ўйлашга олиб келади. Ҳар бир метод таълимий, тарбиявий, ривожлантируви функцияларни қаерда самарали амалга ошира ўша ерда ўша жараёнда кўлланилиши максадгамуофик.

Методлар ўзининг кўлланилиши билан хам ўкувчиларни тарбиялайди.

Шу сабабли үқитувчи ҳар бир методни танлагандан учала функцияни самарали амалга оширишига эътибор берishi керак.

Методларни оптималь танлаш муаммолари мавжуд. Унда куйидагиларга эътибор бериш керак.

Үқитишининг қонуниятлари ва принциплари.

- Үқитишининг мақсад вавазифалари.
- Фан мазмунининг хамда ўрганилаётган мавзунинг мазмун ва узвий мослиги.
- Ўкувчиларнинг ўқиш имкониятлари. (ёши, тайёргарлик даражаси, синф жамоасининг хусусиятлари).
- Ташки шароитнинг ўзигахослиги.
- Үқитувчининг ўз имкониятлари.

Үқитиши методларининг тузилиши ҳар хил бўлиб, улар маълум жараённинг такомиллашуви билан тўхтovsиз равища ўсиб боради.


Кимё фанида үқитишининг методлари турли усулларда олиб борилади. Метод – бу «йўл» демакдир. Ўдоматик, иллюстратив, эвристик бўлиши мумкин.

**Үқитишининг докматик методи** - үқитувчининг материални оғзаки, кўрсазма воситалардан фойдаланмай, далил исботсиз ва факат ўкувчиларни бу материални тақоролашга ва ёд олишгагина жалб этиш билан баён килишдан иборат.

**Үқитишининг иллюстратив методи**-үқитувчи ўкувчига тайёр билимларни тушинтириб, ҳар хил хусусий методларни кўллади. Улар: ўқитувчининг тушунтириши, дарслни билан ишлаш, магнитафон ва ҳакозолар биланишлаш. Бундай кўргазмалар эксперимент, моделлар, экран кўлланмалари таблисалардан фойдаланилади. Үқитувчи лаборатория тажрибаларини кўрсатиб тушунтириб беради.

Кимё фанида кўлласа бўладиган айрим кўргазмали интерфаол усулларни келтириб ўтамиш.

**“Қўзатувчаник синови”:** бу усулни кимёвий элементлар, атом тузилиши, даврий система ва барча мавзуларда кўшимча сўров ўтказишида кўллаш мумкин. Ушбу усулни кўллаш учун куйидаги кўргазмадан фойдаланамизяни катта плакатта 60-80 та кимёвий элементлар белгисини каттарок қилиб, ҳар бир элемент устига кичкина



қилиб(дарров құзға ташланмайдын қилиб)тартиб ракамини қўйиб чизиб чиқамиз. Кимёвий элементлар Д.И.Менделеевнинг даврий жадвалидан кетма-кет тартиб раками билан плакатнинг катталигига қараб танланади, лекин плакатта чизган пайтда кимёвий элементлар бетартиб жойлаштирилади ва плакат устига “Құзатувчанлик синови “деб ёзиб қўйилади. Бу усул ўйин тарзида юкорида кўрсатылған мавзуларда, гурӯхлар ичидә гурӯх сардорлари ичидә ёки ҳар бир дарсда ўқувчиларни даврий жадвалга кўнгика хосил қылыш мақсадида қўллаш мумкин. Бунда бир ўқувчи доссага чиқиб бир минут вақт ичидә кимёвий элементларнинг тартиб ракамига қараб бирин - кетин номлаши шарт, вақт тутагач 1- ўқувчи тутагтан жойдан 2- ўқувчи тартиб ракамларни адаштирмасдан кема-кет топади, қолган ўқувчилар ўзгурухигарақамлар ичидаги кетма-кетликни топишда элементлар номини айтib ёрдам беришлари мумкин. Агар 1-минут вақтмобайнида кайси ўқувчи энг кўп элементни топа олса, шу ўқувчи юкори ўрин ёки балл билан баҳоланади. Бу усул билан ўқитувчи ўқувчиларни доимо даврий жадвал билан мулоқатда бўлишларини ва кимёвий элементлар белгисини ёдлашни кизиқарли тарзида олиб борилицини таъминлайди.

### “Құзатувчанлик синови” ни ўтказиш схемаси

Кимё фанини ўқитишида инноватион технологияларни кўллашда медодларни мисол тариқа кўрсатиб ўтамиз. Улар:“Билимлар ҳовузчаси”, “Кубиклар ўйини”, “Билимлар ўйи”, “Сирли сандиқча”, “Мерғанлар ўйини” ва бир қанча ўйинларни айтib ўтишимиз мумкин.

Ватанимизнинг келажаги, ҳалқимизнинг ертантги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжихатидаги обрў-этибори, аввалимбор, фарзандларимизнинг униб-усиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрлович эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Биз ўзининг қадр-кимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз”.

Бундан келиб чиқадиган ҳуроса шуки, янги шароитда ишлаб-чиқариш соҳаларига муносиб кадрларни тайёрлаб бериш таълим тизимининг бош вазифаси бўлибқолади.

#### Адабиётлар:

1. Авлиёкулов Н.Х. “Ўқитишининг модули ва педагогик технологиясининг амалий асослари”. Б.: “Бухоро”. 2000. 199 бет.
2. Ташев И.А. Рўзиев Р.Р. Исмоилов И.И. “Анорганик кимё” академик лицей ва қасб-хунар коллежлари учун ўқув кўйлана Т.:“Ўқитувчи” 2010- 287 бет
3. Муфтаков А.Г. “Умумийкимё”.Академик литея ва қасб – хунар коллежлари талабалари учун дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 2004. 2356.
4. Ишмуҳаммадов Р.Ж. “Инновасион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари” ТДПУ. Т.: “Фан”. 2004. 1526.
5. Ишмуҳаммадов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновастион педагогик технологиялар”. (Таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув кўйлана) -Т: “Истебод”. 2013. 2796.

#### РЕЗЮМЕ

Маколада, кимё фанини ўқитишида инноватион технологияларни кўллаш йўллари мисолида таҳлил килинган. Кимё мутахассисларини тайёрлаш муммолари, таълим мазмунини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, ўқувларнинг ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришларининг имкониятлари уларнинг қасбий компетентлиги сифатини яхшилаш нуктаи-назаридан таҳлил килинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье анализируется пример использования инновационных технологий в обучении химии. Анализируются проблемы подготовки химиков, доведение содержания образования до уровня мировых стандартов, возможности самостоятельного усвоения студентами учебных материалов с точки зрения повышения качества их профессиональной компетентности.

#### SUMMARY

The article analyzes an example of the use of innovative technologies in teaching chemistry. The problems of training chemists, bringing the content of education to the level of world standards, the possibility of independent assimilation of educational materials by students in terms of improving the quality of their professional competence are analyzed.



## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУӦХЙЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАРОР ТОПАЁТГАН ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

*Бекимбетова Д.О.*

*Ажсиниёз номидаги НДПИ «Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими»  
кафедраси асистент ўқитувчуси*

**Таянч сўзлар:** фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари,  
жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари.

**Ключевые слова:** гражданское общество, органы самоуправления граждан, общественные  
организации, неправительственные организации.

**Key words:** civil society, citizens' self-government bodies, public organizations, non-  
governmental organizations.

Фуқаролик жамияти тушунчаси моҳияти ва уни шакллантириш муаммолари  
ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида, шунингдек, миллий мустақил давлатларнинг  
яқин истиқболдаги ривожланишининг сиёсий, назарий, фалсафий концепцияларини  
яратишида муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти энг аввало ижтимоий муносабатлар жараённида ўз аксини  
топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлаш-  
нинг муҳим кафолати бўлиб хизмат килади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳётга  
ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий  
мақсади инсоннинг мунособи ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу  
жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гурух, оила ва бошқа жамоат  
бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашdir. Бу сиёсий ташкилот-  
лар, ижтимоий институтлар ва гурухлар ҳар бир инсонга ўзи яшайтган жамиятда  
ҳокимиятнинг манбай эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати,  
обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу  
ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маъна-  
вий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароити-  
дагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли  
индивидуалларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан таш-  
кил топади.

Фуқаролик жамиятининг бирламчи асоси бу энг аввало шахс бўлиб, ва ундан  
кеийн унинг томонидан асос солинган ижтимоий институтлар хисобланади. Ҳар  
бир шахс оила аъзоси, жамоат бирлашмаси иштирокчиси ёки ижтимоий институт  
фаоли сифатида фуқаролик жамияти ичидаги ҳуқуқий муносабатлар жарабенида  
иштирок этади. Шунинг билан бирга, инсонлар умумий муаммоларини биргаликда

ҳал қилиши, жамиятнинг барча соҳаларида ўзларининг талаб ва манфаатларини химоя қилишида фуқаролик жамиятининг муҳим ва ажралмас элементи ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари асосий рол йўнайди.

Мустакиллик даврида мамлакатнинг иктиносидой салоҳияти ҳам юксалди. Саноатнинг Ўзбекистон учун бутунлай янги соҳалари – автомобилсозлик, энергетика-нефть-газ ишлаб чиқариш, саноат ва уй-жой курилиши, автомобил ва темир йўл курилиши, дори-дармон ишлаб чиқариш кабилар шаклланди ва ривожланди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида шахсий секторнинг улуси устуворлик қила бошлади. Қишлоқса фермерлик ва кичик бизнес кириб келди. Барча экин майдонлари фермерларга бўлиб берилди. Хусусий мулчиликини жорий этилиши оиласаларнинг фаровонлигини ўсишига кучли таъсир кўрсатди. Мамлакатда хўжалик юритишнинг ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган шакли – бозор иктиносидёти муносабатлари тезлик билан ривожланади. Давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини ошириш, кучли ижтимоий химоя сиёсатини амалга ошириши жараёни “Ўзбек модели” асосидаги ислоҳотларни хеч бир ижтимоий ларзаларсиз амалга оширишга шарт-шароит яратди. Давлат бюджетининг учдан икки кисмига яқини ижтимоий соҳаларга ажратилиши мамлакатдаги сиёсий тузумнинг асосан миллӣ манфаатлар ва ҳалқ фаровонлигини амалга ошириш йўлида фаолият юритишни ифодалай бошлади.

Давлат сиёсатининг ва жамият таракқиётининг асосий устувор йўналишлари инсонга, унинг фаровонлиги ва эркинлигига қаратила бошланди. Ўзбекистон тарихида янги бир давр бошланди. Бу давр – фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат куриш даври сифатида трихга кирди. Кўриниб турибдики, мамлакатда фуқаролик жамияти стратегик мақсад сифатида эълон килиниши натижасида янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Майъумки, бу каби жамиятлар ривожланган мамлакатларда бир неча юз йилликлар ичида назария сифатида шаклланниб, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб амалиётда намоён бўлди. Бу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиз тарихида шаклланган фуқаролик жамиятининг миллӣ унсурларини демократлаштириш ва уларни хорижий тажриба билан уйғунлаштириш давр талаби сифатида ўзлигини намоён қила бошлади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Мустакил таракқиёт йилларида Конституция-миз юртимизда ҳукукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иктиносидётни куриш, ҳалқимиз учун тинч, обод ва фаровон хаёт барпо этиши, Ўзбекистоннинг ҳалкаро майдонда мунособ ўрини эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат килмоқда” . Айниқса, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва фаол амалиётга тадбик этилаётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳалқимиз хаёт даражасини юксалтиришнинг аниқ механизmlари белгилаб берилганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг янги босқичи сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибида рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади» .

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти бир-бири билан узвий алоказадор бўлган тушунчалардир, бироқ уларни айнилаштириш ярамайди. Гап шундаки, фуқаролик жамияти узил-кесил шакллангандан кейин ҳам демократик ва ҳукукий давлат у билан баб-баробар яшашда давом этади. Фуқаролик жамиятида давлатнинг юмушлари анча камаяди, унинг катор функциялари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари ихтиёрига ўтади. Лекин шунга қарамай, демократик давлатнинг фуқаролик жамия-

тидаги аҳамиятий йўқолмайди: давлат ўз сиёсий мақоми, хукуки, сиёсий тартиблари ва ўзига хос бошқариш аппаратларига эга бўлади, ўз фаолиятида кўпроқ умумхалқ, бутун жамият манфаатларини ифода этади. Давлат бутун жамиятнинг иродаси сифатида намоён бўлади, шунинг учун ҳам жамият аъзолари давлат иродасига онгли равишда бўйсунадилар. Фуқаро, жамият ва давлат ўргасида ўзаро муносабатлар инсон хукуки ва қонун устиворлиги асосида амал қиласди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг катор асаарларида глобаллашув даврида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий структурасида ва маънавий киёфасида рўй берадиган туб сифатий ўзгаришлар илмий-назарий жиҳатдан тавсифлаб берилиди. Уларда илгари сурғилган хулосалар жамиятимиз хаётидаги рўй берадиган мураккаб ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг моҳияти ва ривожланиш тенденциясини илмий-фалсафий жиҳатдан идрок этишида методологик асос бўлиб хизмат қиласди.

Маълумки, жамиятимизда шаклланадиган янги иккисодий тизим билан бир каторда, фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатилмоқда. У янги йўналиш ва компонентлар билан бойиб бормоқда. Шулардан келиб чишиб, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритиши учун кўйдаги қонунчилик асосларининг яратилди:

1) Мазкур соҳага қаратилган 200 дан ортиқ қонун хужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил февраль, 1997 йил апрелда кўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 йил май), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 йил апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил апрель), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жамоат фондлари тўғрисида»ги (2003 й.), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 й.), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 й.) қонунларни санаб ўтишимиз мумкин. Охириги икки йилда қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларга кўра, ННТларга адлия органлари билан боғлиқ барча хизмат ва алоқаларни электрон шаклда амалга ошириш имконини берувчи E-ngo.uz сайти синов режимида ишга туширилди.

Шунингдек, мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жаҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Бугунги кунда республикализнинг турли соҳаларда 10462 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва 2200 дан ортиқ диний ташкилотлар ва 2000 га яқин ОАВ мавжуд бўлиб, 29 та ҳалқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолияти тўғрисидаги турли хил илмий қаравашлар таҳлилини умумлаштирган холда шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти бу давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибига солинмайдиган ва бошқармайдиган эркин фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кўнгиллilar уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топлади. Фуқаролик жамияти ўзининг коммуникацияларини, мамлакатнинг иккисодий ва сиёсий соҳаларига тегишли принциплардан фарқ киладиган, ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро хурмат, ишонч асосида шакллантирилади.

Шунинг билан бирга, фуқаролик жамиятининг етуклик даражасини асосий кўрсаткичи бу ижтимоий ташкилотларнинг сони эмас, балки фуқароларнинг

мазкур ташкилтларга жалб этилганлиги, яъни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни белгилаб берадиган фуқаролик жамиятининг ижтимоий базаси ташкил этади.

Фуқаролик жамияти мавзусига бўлган эътиборнинг кучайишига қаратилган ички ва ташки шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги ўзбек модели кўп жиҳатдан давлат бош ислоҳотчилигига ва патерналистик характерга асосланади. Айнан ҳокимиёт жамиятда ижтимоий фаолликни каналлаштириди ва уни ННТлар формати орқали ижтимоий йўналтирилган харакатга трансформациясини амалга ошириб боради. Бу эса ўз навбатида демократия ва фуқаролик жамиятини факатгина декоратив кўринишда пайдо бўлишига олиб келади.

Хуоса ўрнида шуни таъкидлаша лозимки, «фуқаролик жамияти» категорияси қачонки шахс ва жамият тафаккурида ижтимоий қадриятга айлангандагина, том маводаги кучли фуқаролик жамияти қурилишига асос бўлиши мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халк фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Халқ сўзи. 6.12.2016.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. XIII боб, 56-модда. Т., 2016й

3. Киргизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247.

#### РЕЗЮМЕ

Маколада фуқаролик жамияти ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш мезонлари хакида фикр юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются критерии формирования гражданского общества и гражданского общества в Узбекистане.

#### SUMMARY

The article examines the criteria for the formation of civil society and civil society in Uzbekistan.

## КЎПМИЛЛАТЛИ ДАВЛАТЛАРДА ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ БАРҚАРОЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ

**Усмонов С.С.**

*Тошкент давлат педагогика Университети тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** кўпмиллатли давлат, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, мафкура, хавфсизлик, жамият, миллатлараро, полигэтник.

**Ключевые слова:** многонациональное государство, социально-политическая стабильность, идеология, безопасность, общество, межэтническое, полигэтническое.

**Key words:** multinational state, socio-political stability, ideology, security, society, interethnic, multiethnic.

Хар қандай кўпмиллатли жамиятларда миллатлараро муносабатлар ҳолати мамлакатнинг ички хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ислоҳатлар даврида айникса, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтаётган даврда кўпмиллатли жамиятларда миллий мансубликнинг турли туманлиги жамиятнинг сиёсий йўналиши ва сиёсий жараёнларини тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи хатто, уни парчалаб юборувчи омиллардан бирига айланishi мумкин. Жумладан, салбий ҳолатига мисол килиб этник низолар орқасидан парчаланиб кетган Чехославакия, Югославия, Эфиопия каби давлатларни келтириш мумкин.

Бугун миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш бир давлат худудида кечадиган ходисалар эмас, улар халқаро, айниқса минтақавий аҳамият қасб этади. Шу нуткдан назардан қараганда, этносиёсат миллий давлатлар томони-дан ишлаб чиқилса ва амалга оширилса-да, у мудом халқаро ёки минтақавий резонанс берадиган ҳодисага айланни бормоқда. Этносиёсат ви миллатлараро муносабатларнинг ушбу нозик, мураккаб томонларини ўрганиш эса мазкур ўйналишдаги интеграцион алоқаларни позитив томонларини аниқлаш, минтақавий алоқаларда ижтимоий-сиёсий ва маданий қадрияларга таянишина тақозо этади.

Шундай экан унитар кўпмиллатли давлатларга нисбатан федератив асосда тузилган полиэтник давлатларда кўпмиллатлилик анчайин хатарли аҳамиятга эга деб фикр юритиш мумкин. Бугунги кунда кўпмиллатли мамла-катларда миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш кундан кунга долзарб аҳамият қасб этиб бормоқда. Чунки кўпмиллатли далатларнинг келажаги у ерда асосий миллат билан биргага яшаётган озчиликни ташкил этувчи турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатлилиги ва ягона мақсад йўлидаги ҳамкорлигига боғлик.

Кўпмиллатли жамиятларда миллатлараро муносабатлар ҳолати ва характерини аниқлаш ва унга тўғри ёндашув орқали аниқ баҳо бериш ҳамда шунга мунособи миллий сиёсатни амалга ошириш мамлакат тараққиётида мухим ўрин тутади.

Миллатлараро муносабатлар онгдан, ақлу идрокдан ташқарида пайдо бўлмайди. Хатти-харакатлар, «Сеники» – «Меники» дейишлар объектив ҳаркетергаэга, аммо улар онга шаклланган этнопсихологик тасаввурлар маҳсулидир. Демак, миллатлараро муносабатларни шакллантириш ҳам, уларни ривожлантириш ҳам мафкуравий, маънавий асосларга эгадир.

Миллий ғоз мураккаб тизим сифатида ёшларнинг маънавий дунёсини шакллашиши, юксалиши, ватанимизнинг барча миллатларини ўз атрофида бирлаштириш каби муаммоларни қамраб олади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов миллий ғоя масаласини жамиятимиз ва давлатимиз кун тартибидағи энг долзарб масала эканлигини таъкидлаб, уни шундай тушунтиради: «Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва хаёт талабига айланниб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиласидаган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода киглан бўламиш».

Миллий мафкура эса титул миллатнинг асрлар давомида яшаб келган орзу-умидлари, фаровон хаёт, озод Ватан барпо этиши ҳакидағи ўй-хәёллари ифодаси сифатида миллатларни бирлаштираётган кучга айланган ҳодисадир. Полиэтник давлатда миллатлараро муносабатларни маълум бир ғоя, мафкура атрофида бирлаштириш объектив эҳтиёждир. Титул миллат ўзининг етакчилик, лидерлик кучини, яратишга, янги модернистик, умуминсоний кадриятларни эъзозловчи хуқукий демократик давлат куришга қодир ақлу иродага эга эканини барчани, ҳамма миллат ва элатлар вакилларини ўзининг миллий гоясига, миллий мафкурасига ишонтирганида намоён бўлади.

Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ижтимоий-маънавий асосларига ҳам эга. Маънавий-маданий омиллар миллий онгдан жой олгани-да, миллий онгни позитив, рационал томон йўналтирганида инсон сайъ-харакатларини, фаолиятини жамият, тараққиёт манфаатлари билан уйғунлаш-тиришга, этноэгоистик истакларини умуминсоний кадриятлар билан тўлди-ришга, бойитишга ўзида куч топади. Айнан шунинг учун ҳам маънавият енгилмас, кишиларни эзгу амалларга, яратиб яшашга undovchi кучдир.

Маънавият гуманистик анъаналарни, инсондаги эзгу, олижаноб, иймон-эътиқод, ахлоқий фазилатларни кўллаб-куvvatлагани учун ҳам қадрли феномендир. Миллий

маънавий қадриятларнинг умуминсоний характеристи уларни гуманистик анъаналарга якинлаштиради. Миллатдаги барча маънавий қадриятлар позитив аҳамият касб этади. Миллат ва миллий маънавий қадриятлардаги яратувчанлик ён-атрофимизда миллатчилик, шовинизм, этноэгоистик қарашлар ва улар асосида этник низолар келиб чикаётгандигини унутмасликка ундейди. Машхур изборага таклид, тинч яшашни истасанг, нотинч яшайтганларга кара, улардан сабок ол, дейши мумкин. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун этнонизоларни бошдан кечириши шарт эмас, ундей низолар ён-атрофимизда, дунёда керагидан зиёд-дир, ижтимоий тараққиёт манфаатларини ва йўлларини аниқ билиш, полиэтник мухитда осоишишталик, барқарорлик, ҳамкорликни таъминлаш учун этник низолардан керакли хулоса чиқариш лозим.

Миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар, миллатчилик мамлакат-ларнинг ижтимоий ҳаётини бутунлай издан чиқарди, хотто айрим давлат-нинг парчаланишига ҳам сабаб бўлади. Натижада, бутун бир минтақада ижтимоий барқарорлик издан чиқади. 1995 йил октябрь ойида Канаданинг Квебек штатида яшочи француздар, кўпчиликни ташкил этмаса-да, ўз она тилига давлат тили мақомини бериш, Канададан ажralиб чиқиш массадида референдумдун ўтказишга эришдилар. Референдумда бошқа миллатлар вакиллари буни кўплаб-куvvatлашмади, аммо ажralиб чиқишга қаратилган харакатлар давом этмоқда.

Дунёдаги аксарият давлатларнинг полиэтник хусусиятини инобатга олсақ, «фуқаро» тушунчаси «миллат» тушунчасидан юқори, кишилар калбидан шу Ватангага меҳр-муҳабbat ўйғотиш мухим эканини англаймиз.

ХХI асрда инсоният глобал иктисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик ва мафкуравий муаммоларга дуч келди. Юргимизда амалга оширилаётган дунёвий ва демократик жамияти куриш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёшларга бўлаётган турли мафкуравий таҳдидларни олдиндан кўра билиш, мазкур таҳдидларнинг акс-таъсирини аниқлаш, уларга карши иммунитет тизимини ишлаб чиқишини тақозо этмоқда. Мафкуравий таҳдидлар давлатлар бутунлигига, суверенитетига, карши қаратилган, сиёсий тузумни ичидан емиришга, ағдариб ташлашга қаратилган. Аксарият ҳолларда этник низоларни келтириб чиқариш ҳам кўзланади. Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серкирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизми, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, юкорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлика куч билан намоён бўлслада, инсониятда бир хилда ташвиш туғдирмоғи даркор.

Бугунги ёшлар шундай зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кучайган, мафкуравий қарашлар кескинлашган, ўз моҳиятини ўзгаририб, турли никобларга бурканган даврда яшамоқда. Ўзбекистон суверенитетига карши таҳдидлар ўзининг серкирра, мураккаб, мақсад ва йўналишларини тез ўзгариштаган, ёшлар онги ва тафаккурини ўзгаришишга, бузишиш қаратилгандир.

Ривожлананаётган мамлакатларнинг ўз миллий давлатчилигини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлари Farbdagi мутахассислар томонидан холисона баҳоланавермайди. Масалан, З.Бэзжинский, Россиядаги ислоҳотлар натижасида тоталитаризм йўқ бўлди, аммо авторитаризм элементлари ҳамон мавжуд, деб ёзади. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатларда демократик ислоҳотлар жараёнига шубҳа остида назар ташлаб, бўлаётган барча ижобий ўзгаришларни «ўтроклиқ», «давлат зуғуми», «фуқаролик жамиятининг мавжуд эмаслиги ва қуриб бўлмаслиги», «ўзгаришларнинг юз бермайтганлиги», «инсон хукукларининг бузилаётгандиги» кабилидаги сабтй ва ҳақиқатга зинд баҳоланмоқда. Шунга ўхшаши фикрлар билан мустақил тараққиёт йўлини танлаган давлатларни «йўлдан адашган давлатлар» сифатида «махсус рўйхат-ларга киритиш», бунинг асосида эса уларга демократияни экспорт қилиш чораларини кўриш назарда тутилмоқда.

Сүнгти ўн йиллукларда аньанавий таҳдидларнинг ноанъанавий таҳдид-лар билан ўзгараётгани, баъзи ҳолларда эса аньанавий таҳдидлар ноанъана-вий таҳдидлар билан кўшилиб, улар орасидаги масофанинг қисқарастаги, сайд-харакатларда, максадларда якинлик юзага келаётгани кузатилади. Бу миллий ва минтақавий хавфзизлини таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Таҳдидлар эса илгаридек ҳарбий харакатлар ёки уруш орқали эмас, балки, камхарж, айни пайтда мағафатли бўлган мағкуравий тазийклар ўтказиш, иқтисодий танг ҳолатларни келтириб чиқариш, ички мухолифат орқали таъсири этиши орқали олиб борилмоқда. Номақбул тузумни кам маблагфар сарфлаб ағдарининг кўплаб усуллари ва йўллари ишлаб чиқилган. Масалан, «информациян урушлар» олиб бориши, «нодемократик тузум» тамғаси остида бутун дунё ахробот институтлари орқали зарба бериш, «ўжар давлатлар»ни хукуматларни «обўрўзизлантириш», мухолифатни кўчаларга олиб чиқиш, ҳалқ ва хукумат орасига нифоқ солиши шундай усуллардандир. «Инсон хуқуқлари бузилмоқда», «демократик инцилобларни амалга оширишга интилган заҳиралар қаттиқ тазийк остига олинмоқда», «матбуот эркин эмас», «сўз ва фикр эркинлиги йўқ» каби ноўринг дъявлар билан ёшлар онгини заҳарлаш, миллатларро низоларни келтириб чиқариш усули кўлланилмоқда. Мағкуравий, маънавий таҳдидлар «гуманитар кўмак» шиори остида ҳам ўтказилади. Сўнгти йилларда ҳалкаро ноҳукумат ташкилотларининг фаоллашиб қолгани, уларнинг фаолиятида сиёсий максадлар устуворлик килаётгани кузатилмоқда.

Полиэтник давлатларда ижтимоий борликнинг барча томонлари инсон фаолияти билан боғлиқ барча соҳалар миллий-этник хусусият касб этади. Шунингучун миллий-этникнизоларчунхар доим сабаб, боисмавжуд. Ташки таҳдид технологиялари мазкур сабаб, боисдан усталлик билан фойдаланишига интиладилар. Улар ичida миллий-этник низоларни келтириб чиқариш ҳам бор. Собиқ Югославия, Украина, Яқин Шарқ давлатларида амалга оширилган «интервенционизм» миллатлар ва ҳалклар бошига оғир куфратлар келтириди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, мағкуравий ва маънавий таҳдид остида яшаш мустакил тараққиёт йўлидан бораётган давлатларнинг қисматидир. Глобаллашув таъсири остида тарғиб этилаётган оммавий маданият ҳам этномаданий аньаналарга, ўзининг этник бирлигини, полиэтник хусусиятларини араб қолишига интилаётган давлатларга қарши тазийк вазифасини бажармоқда. Бундай шароитда янги этносиёсий парадигмани мустахкамлаш, миллат, ҳалқ эъзозлаб келган қадриятларга таяниш, инсононгини, маънавиятни булғовчи унсурларга қарши иммунитетни шакллантириш, миллатларро муносабатларни ривожлантиришга хизмат килиб келган тажрибаларни, позитив изланишларни кўллаб-қувватлаш, гуманистик ғояларга содик ёш авлодни тарбиялаш янада долзарб вазифаларга айланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки // “Ҳалқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.
2. Миллий истиклолғоғи: асосий тушунча ва тамоиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -44 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. Асарлар. I-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. – 486 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада кўпмиллатли давлатларда ижтимоий – сиёсий барқарорликни таъминлашнинг мағкуравий омиллари тўғрисида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются идеологические факторы обеспечения социально-политической стабильности в многонациональных государствах.

#### SUMMARY

The article examines the ideological factors of ensuring socio-political stability in multinational states.



## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

### ОЛАМНИНГ ФИЗИК МАНЗАРАСИ–УМУМЛАШТИРИШ МЕТОДИ СИФАТИДА

*Турсунов Қ. Ш.*

*Карши МИИ “Умумий физика” кафедраси доценти*

*Коржасов М. Ж.*

*Карши МИИ “Умумий физика” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Tayanch so'zlar:** табиий–илмий, баркамол шахс, умумлаштириш, илмий дунёкарап, илмий билищ, назария, Олам модели, тушунча, конунлар, тамойиллар, жараёнлар, оламнинг физик манзараси.

**Ключевые слова:** естественно-научный, компетентный человек, обобщение, научное мировоззрение, теория, модель мира, понятия, законы, принципы, процессы, физической картины мира.

**Key words:** natural scientific, competent person, generalization, scientific worldview, theory, model of the world, concepts, laws, principle, processes, physical picture of the world.

XXI асрга келиб, физика фанининг назарияси ва илмий тадқиқот услублари кўпгина табиий–илмий фанлар, жумладан кимё, астрономия, биология каби фанлар учун таянч – фундаментал илмий натижалар берди. Физика фанининг ютуклари замонавий техниканинг гуркираб ўсишига ва ривожланишига хизмат қилди. Зеро оламнинг физик манзараси (ОФМ) физикавий билимларни умумлаштиришининг юкори ўринлардан бири ҳисобланаб, бунда физиканинг философия билан ўзаро боғлиқлиги тўла амалга ошади. ОФМ ягона гояларни атрофида физик билимларни умумлаштириш ва бирлаштириш воситаси бўлиб, умумий тамойиллар доирасида дунёкарап мазмунини тушунтириш ва баҳолаш мезони вазифасини бажаради. ОФМ бу табиатнинг физикавий модели бўлиб, у физиканинг тарихий ривожланишига мос келадиган назария, конунлар, гипотеза ва умумий тушунчалар тамойилини умумлаштириш асосида яратилади.

Ўкув материалларни умумлаштириш муаммосини ҳал килишининг омили сифатида В. В. Мултановский баркарор методик тизимлар яратиш зарур деб ҳисоблайди [1]. Шундай экан физикада назарий умумлашмаларнинг тўрт турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тушунчалар даражасида;

- физик қонунлар даражасида;
- назариялар даражасида;
- Оламнинг физик манзараси даражасида. Билимларни умумлаштириш ўқувчилар онгига ўзидан ўзи пайдо бўлмайди, улар ўқитувчи томонидан шакллантирилиши лозим. Дарҳақиқат, ҳозирги амалиётнинг кўрсатишича, ОТМ талабаларининг аксариятида ўкув материални таснифлаша ва тизимлаштириш кўнимкамлари жуда паст, кўпчилигининг билимлари бу борада эса фрагментар эканлигини кўриш мумкин.

Бошқа томондан эса дидактика ва педагогика фанларида илмий билиш ҳамда билимлар тизими тушунчаси атрофлича ёритилиб, уларнинг таркибий элементлари кўйидагича ажратиб кўрсатилган:


- барча назария билимлар тизимининг «бирлиги» сифатида;
- назария элементлари: назариянинг асосини ташкил этувчи илмий тушунчалар (биринчи элемент); назариянинг ядросини ташкил этувчи асосий қонунлар (иккинчи элемент); қонунларнинг амалий қўлланилиши—назариянинг учинчи элементи;
- ҳодиса ва жараёнларни билиш;
- материянинг таркибий элементларини билиш (модда, майдон);
- асбоб—ускуналар, машиналар, экспериментал курилмаларни билиш;
- тажрибалар ҳақида билиш;
- жараёнлар, ҳодисаларни тадқиқ қилиш усууларини билиш;
- табиий тарихий маълумотлар.

Ҳар қандай фанни ўқитишидан мақсад ўқувчиларнинг ўз атрофидаги олам ҳақидаги билимларни ўзлаштириши ва оламнинг илмий манзараси (ОИМ) ҳақидаги тасаввурни шакллантиришдир. Шундай экан баркамол маънавий шахс табиий—илмий (физика, кимё, астрономия, биология, геология) билимлар тизимини ўзлаштириши натижасида шаклланади. Юқоридагилар билан боғлик ҳолда оламнинг ҳар қандай муайян оламнинг илмий манзараси (ОИМ) илмий билимлар тизимини ўзлаштириши натижаси сифатида қаралиши керак.

Шунинг учун ОИМ билан илмий билимлар тизими ўртасида айният белгисини кўя олмаймиз. Айтиб ўтилган фикрлар, олам ҳақидаги фикрларнинг ажралмас тизими сифатида ОИМ асосий табиатшунослик назарияларини [2] умумлаштириш ҳамда фундаментал илмий ютуқларни тизимлаштириш ва синтез қилиш натижасида вужудга келади,—деб даъво қилувчи қатор манбаларга мос келади [3].

Физик билимлар тизими ва уни ўзлаштириши натижалари 1-расмда келтирилган. «ОФМ» ва «билимлар тизими» тушунчаларини ажратиб кўрсатиш ҳам кўйидаги мулоҳазаларга асосланishi лозим. ОФМ ва билимлар тизими ўргасида сабаб—оқибат муносабати мавжуд бўлиб, унинг ўзига хос ҳусусияти сабаб ва оқибат макон ва замонда мумкин бўлган ажралишдир (агар Б ҳодиса А ҳодисанинг натижаси бўлса, у ҳолда А—сабаб, Б—оқибат). Сабаб ва оқибат эса бир хил занжирдаги турли боғланишлардир. Қонунлар, тамойиллар, илмий далиллар ва бошқа билим элементларини билмаслик олам ҳақидаги нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига олиб келади.

ОФМ ҳозир ҳам оламнинг физик модели сифатида талқин этилиб, семиотик маънода ва психологик нуқтаи назардан оламнинг ҳар қандай манзараси оламнинг модели эканлигига ишорадир. Моделлаштиришда инсон онгига фаол равишида кон-



центуаллаштириш жараёни амалга ошади. Концепция—«инсон билиш фаолияти-нинг энг муҳим жараёнларидан бири бўлиб, ахборотни тушуниш ва инсон онгида тушунчалар, концептуал тузилмалар ва бир бутун концептуал тизимни шаклантиришга олиб келади» [4, 93 б.]. Бошқача қилиб айтганда, олам модели—инсоннинг борлиқни тушуниш инъикоси бўлиб, табиат ва жамиятда ўзи тушунадиган гоялар ва тушунчалар мажмуини ташкил этади. Шу билан бирга, олам манзараси (ОМ), олам модели содда ёки илмий бўлишидан қатъий назар уларнинг негизида теварак-атрофдаги борлиқни хис қиласидиган, идрок этадиган инсон туради. Шундай қилиб, олам модели атроф—мухитнинг виртуал қиёфаси сифатида тушунилади. Бу модель ташкаридан (ташкил контекстдан) ва ўз тажрибасидан (ички контекстдан) келаётган ахборот асосида, яъни маълум билимлар тизимини умумлаштирища шакланади.

Юкоридагиларга асосланаб, ОФМ жонсиз табиат оламнинг манзараси сифатида куйидаги гояларни ўз ичига олиши керак:

- нано, микро, макро ва мега даражаларда реал оламнинг моддий обьектлари (инсон томонидан табиий қелиб чикиши ва суннйи равишда яратилган);
- материянинг таркиби, тузилиши ва унинг шакллари (модда ва майдон);
- материянинг зарурый сифатлари-фазо (чегаралар, хоссалар, катталикларнинг нисбийлиги), вақт (хронология, таквим, вақт ораликларининг нисбийлиги), ҳаракат ва уларнинг турлари;
- фундаментал ўзаро таъсиirlар;
- вокелик эволюцияси (барча нарсаларнинг қелиб чикиши ва уларнинг мавжуд бўлиш давомийлиги (космогенез). «ОФМ» атамасини тушуниши мизга ўқитиш методикаси дарслигини тавсия қилиш мумкин. Шу билан бирга ОФМнинг асоси галактикалардан элементар зарраларгача модданинг таркибий бирликлари ва таркибий бўлиниши ҳақидаги гоялар мажмуи ҳисобланади. ОФМнинг ядроси эса табиатнинг уч хил фундаментал ўзаро таъсиirlари ва сақланиш қонунлари ҳақидаги гоялар ҳисобланади. Физика фанининг тарихий тараққиёти жараёнида бир—бирини ўрнини босувчи учта ОФМни тилга олиш одат тусиға кирган. Улар:
- оламнинг механик манзараси (ОММ);
- оламнинг электродинамик манзараси (ОЭДМ);
- оламнинг замонавий квант—релативистик манзараси (ОКРМ) ёки у оламнинг квант—майдон манзараси (ОКММ) деб аталади.

Бироқ адабиётлар таҳлили шуни кўрсатади, ҳар учала манзара ҳам олам ҳақидаги илмий билимларнинг мукаммаллашиб жараёнида ўзаро бир—бирини тўлдириб туради. Шу билан бирга, оламнинг замонавий квант—релятивистик манзараси тўлдирувчанлик принципига мувофиқ оламнинг механик ва электромагнит манзараларининг бирлигига асосланади. Шунинг учун ривожланиш жараёнида олам манзараларининг ўзгариши юз беради [6],—дейиш учча тўғри эмас. Шундай қилиб, ОФМ деганда барча ўйналишларда илмий билимларнинг ёки уларнинг компонентларининг инқилобий ва эволюцион ўзгариш жараёнларида тўлдирилган ҳақиқий физик борлиқнинг ягона илмий манзарасини тушунамиз. Юкорида келтирилган учта оламнинг физик манзараси эса олам тўғрисидаги тасаввурларнинг ривожланиш босқичларидир (1-жадвал).

1-жадвал.

**ОФМ ва унинг таркибий қисмларининг ривожланиш босқичлари**

<b>ОФМнинг яратилиш босқичлари</b>	<b>1-босқич Оlamnинг механик манзараси (ОММ) нинг яратилиши</b>	<b>2-босқич Оlamnинг электродинамик манзараси (ОЭДМ) нинг яратилиши</b>	<b>3-босқич Оlamnинг кванторелативистик манзараси (ОКРМ) нинг яратилиши</b>
1. Асосий даврлар	XVI аср – XIX аср.	XIX аср – XX асрнинг боши.	XX аср.
2. ОФМни ривожлантирган олимлар	Леонардо до Винчи, И.Коперник, Г.Галилей, П.Лаплас, И.Кеплер, И.Ньютон	М.Фарадей, Дж.Максвелл, Г.А.Лоренц, А.Эйнштейн	М.Планк, Э.Шредингер, В.Гейзенберг, Н.Бор
3.Хусусиятлари босқичлари (умумий хусусиятлари, тасвирлаш усуллари)	1) воқеликнинг дискрет корпускуляр модели: материя – моддий борпик. Атомлар бўлинмас ва мутлақо каттиқ бўлади. 2) Мутлақ Евклид фазо ва вакт тушунчasi шакллантирилган. 3) Барча жараёнлар детерминизм принципига бўйсунади. 4) Микрооламнинг илмий тасвири йўқ.	1) ОММнинг ривожланиши. Материя тасвири: материя – нуктавий куч марказларига эга бўлган ягона узлуксиз майдон. 2) Оламнинг макон ва замоннинг материядан мустакиллиги хакидаги механик манзараси рад этилади 3) Фазо ва вактнинг нисбийлиги гояси. 4) Узоддан таъсир килиш тамойилига зид бўлган якиндан таъсир килиши тамойили шакллантирилди: ўзаро таъсир тезлиги чекли. 5) Эҳтимолият истисно эмас. 6) Материя харакати бир холатдан иккинчи холатга ўтиш сифатида талкин этилади. 7) Электрон назарияни ёки микроскопик электродинамикани яратиш. 8) Тавсиф усули: Эҳтимоллик тушунчasi киритилади. Фазо Риман геометрияси билан тавсифланади.	1) Оламнинг аввалги икки манзараси асосида материя тўлкин ва зарралар хусусиятига эга деган фикр ҳосил бўлади. 2) Ҳаракат – бу оламнинг якиндан таъсир килиш электромагнит манзараси тамойилига асосланган физик ўзаро таъсирининг хусусий холатидир. 3) Конуниятлар эҳтимолий шаклда пайдо бўлади. 4) ноаниклик принципи ва тўлдирувчанлик принципи шакллантирилди. 5) Фазо ва вакт ўзаро боғлиқдир. 6) Микрооламни квант тасвирлаш усули шакллантирилди.

4. Фазо ва вакт тушунчалари.	Фазо–ходисаларнинг содир бўлиш макони. Вакт–ходисаларнинг давомийлиги. Улар ўзгармас.	Фазо ва вактнинг нисбийлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Уларнинг материяга боғлиқлиги: фазонинг эгрилиги, вактнинг секинлашиши	Материянинг релятивистик вакт ва фазо билан узвий боғлиқлиги
5. Харакат шакллари ҳакида фикрлар.	Физик жисмларнинг фазодаги механик харакати	Механик харакатдан ташкари: молекулаларнинг иссиқлик харакати; тебранма ва тўлқин харакати (электромагнит майдоннинг тарқалиши); кўчиш жараёнлари (диффузия, иссиқлик ўтказувчаник) ва фазавий ўтишлар	Булардан ташкари: эҳтимоллик функцияси билан тасвиrlанган система (микрозаррачалар) ҳолатидаги ўзгаришлар; радиоактив парчаланиш; кимёвий ва ядро реакциялари; микрозаррачаларнинг ўзаро таъсири
6. Материя шакллари ва унинг хоссалари ҳакида фикрлар	1. модда (дискрет)	1. модда (дискрет) 2. майдон (узлуксиз)	1. Модда. 2. Майдон. 3. Физик вакуум. 4. Коронгу материя. 5. Коронгу энергия. Хоссалари: модда ва майдоннинг ўзаро боғлиқлиги (квант–тўлқин дуализми). Материя ва энергия ўзаро бир–бирига айланувчи
7. Ўзаро таъсиirlар ҳакида тасаввурлар	1. Гравитацион	1. Гравитацион. 2. Электромагнит	1. Гравитацион. 2. Электромагнит. 3. Кучли (ядровий). 4. Кучсиз (элементар зарраларнинг ўзаро таъсири)
8. Оламни тасаввур килиш даражалари	1 Мегаолам. 2. Макроолам.	1 Мегаолам. 2. Макроолам. 3. Микроолам	1 Мегаолам. 2. Макроолам. 3. Микроолам. 4. Наноолам
9. Оламнинг келиб чикиши ва эволюцияси ҳакида тасаввурлар	Оlam Евклид фазоси билан бир хил бўлиб, абадий, чексиз, тургун ва бир жинсли. (И. Ньютоннинг олам модели).	Оlam ноевклид фазоли, абадий, чексиз (чекли ҳажмга эга), тургун, бир жинсли, (Эйнштейн олами модели).	Оlam абадиймас, чекли, нотургун, бир жинсли, ноевклид фазоли. Унинг ёши 13 млн. йилга якин.

ОФМ эволюцияси босқичларини таҳлили ОФМ түшунчасини методологик функциялари шундай ташкил топгани бунда ОФМ физика курсини ягона ғоя атрафида барча назарий ва эмпирик материалларни бирлаштириш ва системалаштыриш тамойили бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, физикавий билиш дунёкараш мазмунини айнан баҳолашнинг критерияси ҳисобланаб, унга мос умумлаштириши асосида илмий дунёкарашни шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади.

#### Хулосалар.

- ОФМ инсон онгига воқелик (борлик)нинг яхлит тасвири ёки олам модели сифатида қаралиши ва илмий билимлар тизимини ўзлаштириш натижаси сифатида қаралиши лозим.
- конунлар, тушунчалар, постулотлар, гипотезалар ва бошқа билим турлари ҳамда билимлар тизимининг ташкил этиувчилари ўз-ўзича оламнинг, яъни ОФМнинг образи бўла олмайди. Билимлар тизими-ўқувчиларда ОФМни шакллантирувчи ва умумлаштирувчи воситадир.
- физика тарихида кўриб чиқилган оламнинг учта манзараси бир-бирини ўзаро инкор қилмайди, балки олам ҳақидаги илмий билимларнинг эволюцияси жараённида ўзаро бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам эволюция жараённида олам манзараларида ўзгариш юз бермайди, аксинча улар умумлаштирилади, холос.
- ўқувчилар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни таҳрирлашдаги ноаникликлар ва нотўғри изоҳларга йўл кўйиб бўлмайди, чунки улар ўқувчиларда нотўғри тасаввурларни келтириб чиқаради. Шунинг учун педагогика ва методикага оид дарсликларни когнитив тилшуннослик ва психология соҳаси мутахассисларига қўшимча текшириш учун бериш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Мултановский В. В. Физические взаимодействия и картина мира в школьном курсе.–Москва., Прoвещение, 1977.– 168с.
2. Современный словарь по педагогике /Сост. Е.С.Рапацевич.–Минск., Современное слово, 2001. – 928 с.
3. Философский словарь /Под. ред. И.Т.Фролова.–7 изд., перераб. и доп.–М., Республика, 2001.–719 с.
4. Кубрякова Е.С., Демьянков В.В., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов; /Под. общ. ред. Е.С. Кубряковой.–М., Филологич. фак-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996.–245 с.
5. Основы методики преподавания физики в средней школе. /В.Г.Разумовский, А.И.Бугаев, Ю.И.Дик и др.; Под ред. А.В.Пёрышкина и др.– М., Просвещение, 1984.– 398 с.
6. Турсунов К.Ш. Табиий-илмий фанларни ўқитишида моделлаштириши (Монография).–Тошкент, «DAVR PRESS» NMU, 2018.–186 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада физика фанининг тарихий таракқиёти жараённида бир-бирини ўрнини босувчи учта Оламнинг физик манзараси (ОФМ) асосида физикавий билимларни умумлаштиришнинг илмий асослари ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье описываются научные основы обобщения физических знаний на основе трех физической картины мира (ФКМ) в процессе исторического развития физики.

#### SUMMARY

The article describes the scientific foundations of generalization of physical knowledge based on the three physical picture of the world (PCM) in the process of the historical development of physics.

## ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА ТЕХНИК ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ СИФАТЛАР

**Қўзиев Н.М.**

*Қаршии муҳандислик-иқтисодиёти институти ўқитувчиси*

**Шабарова У.Н.**

*Қаршии муҳандислик-иқтисодиёти институти ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** касбий, муҳандис, фаолият, техник, тафаккур, интеллект, сифат.

**Ключевые слова:** профессиональный, инженер, деятельность, технический, мышление, интеллект, качества.

**Key words:** professional, engineer, technical activities, thinking, intelligence, quality.

Техника йўналишида ўз касбини мукаммал эгаллаган шахсларни ривожлантириш муаммоси ҳар доим таълим бериши жараёнининг биринчи даражали вазифаси бўлиб, у хориж ва мамлакатимиз фани учун ҳам анъянавийдир. Муаммонинг моҳияти шундан иборатки, бир томондан касбий фаолиятда касбини мукаммал эгаллаган шахсга қўйиладиган талабларга, иккинчи томондан эса мазкур фаолиятда субъектнинг шахсий ўзига хослигига эътибор қаратилиди. Тадқиқотчиларнинг амалий қизиқишлари дастлаб касбий муҳим сифатлар тизимини ажратиб кўрсатишга қаратилиб, асосий диккат ҳам таянч, ҳам потенциал касбий маҳоратли шахснинг динамик ўзига хослигини ташхислаш учун методикнугтаи назардан таъминотига жамланади.

Шахсни касбий маҳоратли этиб ривожлантириш муаммосини очишга қаратилган, асосли ёндашувлар ва мазкур муаммонинг алоҳида аспектларини ўрганишига бағишлиланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд [1,2,3,4,5 ва бошқалар].

Сўнгти вактларда касбий маҳоратли шахсни ривожлантириш муаммосига бўлган қизиқишнинг ортиши сабаблари кўйидаги ҳолатлар:

1. Жамиятнинг замонавий ривожланиши босқичида унда амалга ошаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, илмий-техникавий прогресснинг конуний ўсib бориши, барча соҳаларда ишлаб чиқаришни тезкор ривожланаётган даврга мос равишда техник-технологик жиҳозлар билан таъминланиши, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга янги талабларни қўймоқда. Мазкур ҳолат ўзида мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва мос равишда муҳандис меҳнатига бўлган юкори талабларни қўйиб, ижтимоий буюртма ўзгаришларини ҳам намоён этади. Бу эса ўз навбатида йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашга нисбатан муҳим ўзгаришларни амалга оширишни, яъни: таълим жараёнини узлуксизлигига ва мустакиллигига мўлжалланган таълимда самарадорликни ошириш ва замонавий технологияларни татбиқ этиш; таълимни шахсий-касбий муввафқият, соҳаларро мобиллик ва инсон-парварликка йўналтиришни талаб этилиши. Талаба шундай таянч касбий билимларга эга бўлиши лозимки, мазкур билимлар унга бўлгуси касбida, доимий кенгайиб, ривожланиб бораётган фаолият доирасини осон ўзлаштириш имкониятини берсин.

2. Шахс психологияси соҳасидаги тадқиқотлар сонининг ошиб бориши, ўз кела-жак тақдирини ўзи аниқлаб олиш муаммоси, хаётий ва касбий йўлини танлаб олиши ва шу кабилар.

Шахснинг касбий маҳоратли бўлиб ривожланиш муаммоси маъмувий бўлиб, уни мазмун нуктаи назаридан кўйидаги: физиологик, тиббий, руҳий, педагогик, касбий ва бошка аспектларга ажратиш мумкин. Педагогика нуктаи назаридан, бу касбий

фаолиятни шахснинг ўзига хослигига боғлиқ равища ривожлантириш ҳамда турли касбий ривожланиши босқичларида шахсни ривожлантириш муаммосидир.

Хар қандай касбий фаолият ўз мазмунига эга ва фаолиятнинг ташкил этилиши ҳамда амалга оширилиш конуниятлари билан аниқланади.

Фаолият – инсонларнинг жамият-тарихий яшаш тарзининг ўзига хос ривожи бўлиб, улар томонидан табиий ижтимоий реалликни мақсадли ўзгартиришдан ташкил топади. Субъект томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият ўзида мақсадни, жараённи ўзгартиришвоситасини ва натижани намоён этади. Фаолиятни амалга оширища унинг субъекти сезиларли равища ўзгаради ва ривожланади [3, 3-б].

Кўп жиҳатлардан фаолиятнинг қизиқарли ва ўзига хос таркиби ишлаб чиқилиб, у инвариант деб ҳам аталган [4]. Инсон фаолиятининг икки таянч ташкил этувчилари ҳам кўрсатиб берилган: инвариант ва морфологик ташкил этувчилар. Инвариант ташкил этувчи дейилгандা – маҳсус кўринишдаги реал мавжуд бўлмаган фаолият компонентлари бўлиб, улар ўзида ҳар қандай кўринишдаги аниқ фаолиятни намоён этади. “Морфологик фаолият – инсон ижтимоий ҳастида реал мавжуд ва фаолият кўринишларига нисбатан мустақил бўлган кўринишdir” [6]. Инвариант фаолият кўринишлари ички ҳаракат режасини, морфологик эса ташки ҳаракатлар режасини намоён этади.

Фаолиятнинг инвариант таркиби ўзида олтита компонентни жамлайди [6, 114-115-б.]:

1. Билиш. Фаолиятнинг билиш томони реалликнинг зарурий намуна ёки моделлини ривожланишини, сақланишини ва функция кўрсатишини таъминлайди. Билиш фаолиятининг предметлар тўплами бўлиб барча реаллик, унинг маҳсулоти бўлиб эса – илмий билиш ҳисобланади. Яъни, реалликни моделлаштирумасдан, уни кейинги авлодга ўтказмасдан ва билимларни қўпайтирумасдан туриб ҳеч қандай фаолият бўлиши мумкин эмас.

2. Қадриятларга мўлжалланганлик. Қадриятларга мўлжалланганлик фаолияти истеъмол ва ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлиши мумкин. Мос равища қадриятларни ўзлаштириш ривожида ҳамда ўзида продуктив ва репродуктив тавсифларини намоён этади. Яъни, мақсадсиз фаолият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

3. Амалга ошириш учун жиҳозланганлик. Ўз моҳиятига кўра мазкур фаолият ўзгартирувчи бўлиб, ҳам назарий ҳам амалий тавсифга эгадир. Ўзгартиришнинг обьектлари - табиат, жамият, меҳнат қуроллари ва ниҳоят инсоннинг ўзи ҳамдир.

4. Коммуникативлик. Мазкур фаолият субъектларнинг ўзаро мулокоти ва ўзаро муносабатлари билан боғлиқдир. Бунда мулокот ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон ҳамда маданият обьектларининг бевосита ва билвосита маъноларига эга бўлади. Мулокотнинг зарурий шарти ва воситаси – маълумотларни сақлашга, узатишга, мустаҳкамлашга имкон берадиган тиллар ҳамда коммуникация воситалари ҳисобланади.

5. Жисмоний соғломлиқ. Фаолиятнинг мазкур томонини психологик таркибдан ажратиб бўлмайди, лекин у инсоннинг индивидуал фаолиятига яхлит ва ҳар томонлама ёндашув асосида белгиланиши лозим.

6. Эстетик. Фаолиятнинг мазкур томони инсоннинг ҳар қандай фаолиятни мукаммалик даражасигача, яъни ҳам жараённи ҳам ушбу фаолият маҳсулотини юкори сифат даражасигача етказиши билан боғлиқдир.

Тизимли ёндашувга мос равища инвариант ва морфологик фаолият турлари мураккаб ўзаро боғланиш ва ўзаро таъсирига эгадир.

Касбий фаолият ҳақида фикр юритадиган бўлсак, учта тушунчани: касб, йўналиш ёки мутахассислик ва квалификацияни аниқлаб олишимиз лозим бўлади.

Касб дейилгандা, шундай фаолият (машгулот) тури тушуниладики, меҳнатнинг умумжамоада таксимланиши шартланаб, у инсонни моддий таъминотини ижтиёмий оқланган манбаси ҳисобланади [6; 285-б.].

Квалификация - ишчининг аниқ бир ишни бажариши учун зарур бўлган касбий таълим олганлиги ва даражаси, унда билим, кўнкма ва малаканинг мавжудлиги дир. Квалификация касбий вазифаларни бажариш учун маҳсус билим, кўнкма ва малакалар билан тавсифланади ҳамда касбий муҳим сифатлар билан аниқланади.

Касбий тайёргарлик профессиограммада белгиланган, касб ва касбий маҳоратга эгалик каби илмий асосланган тасаввурларга таяниши лозим. Уларнинг мазмуни ва таркиби касбни ўрганиш мақсадларига, унинг ўзига хослигига ҳамда тадқиқотнинг назарий негизига боғлиқдир.

Тадқиқотимизнинг методологик асоси қўйидагилардан иборат:

- муҳандис шахсига бўлган талаблар, унинг фаолиятини функционал жиҳатларини таҳлилидан келиб чиқади;
- муҳандис фаолиятининг тавсифи касбий фаолият шартланган таркиб модели [3,4] таклифини ҳисобга олган ҳолда яратилади.Faолиятнинг психологик таркибида умумлаштиришнинг учта даражаси ажратиб кўрсатилган: фаолиятнинг аниқ кўриниш ва ҳолатлари; касбий функция ва вазифалар типлари; касбий харакатлар [5, 49-50-б.];
- ҳар қандай мутахассиснинг касбий фаолияти ва инвариант компонентлари ҳақида тасаввурлар, мутахассислик кўринишида намоён бўлиши мумкин. Мазкур компонентлар сифатида технологик, ташкилий, лойиха-конструкторлик, илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият қаралади [6; 305-б.]. Айнан, ушбу инвариантларни ажратиб кўрсатилиш мезони меҳнатни ички касбий таксимоти сифатида хизмат қилган:

1. Ҳар қандай фаолият доирасида, ҳар қандай ташкилотда энг аввало касбга мос бўлган мутахассислар жалб этиладиган технологик хизмат ажратилади. Технологик хизматнинг асосий кўринишларидан бири – технологик жиҳозларни таъмираш хизмати ҳисобланади.

2. Кўпчилик мутахассислар ишлаб чиқаришни бошқаруви доирасида банд бўладилар. Бу иш ўзига хос бўлиб, у маҳсус мутахассисликка ажратилиши билан аниқланади.

3. Кўпчилик мутахассислар ўз касбига мос равишда лойиха-конструкторлик фаолиятига жалб этилади.

4. Ҳар қандай касбда мутахассислар фаолиятининг муҳим соҳаси - илмий-тадқиқот фаолияти саналади.

Яъни 2021 йилда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали жами 5741 нафар болалар қамраб олиниб, қамраб олиш даражасини 70 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли қарорига мувофиқ, Коракалпогистон Республикасида давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ва ташаббускорлар ўртасида 139 та (умумий куввати 12467 ўрин) битим тузилган ва 81 та лойиха учун 160,7 млрд.сўм миқдорида банк имтиёзи кредит ажратилиб молиялаштирилган.

Оиласвий НТТлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 30 июлдаги 595-сонли қарорига мувофиқ, Коракалпогистон Республикасида оиласвий шакидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ва ташаббускорлар ўртасида 559 та (умумий куввати 13 975 ўрин) битим тузилган.

Шундан, ҳозирги кунгача, яъни, (2020 йил 1 декабр ҳолатига):

- давлат-хусусий шерикчилик асосида оиласвий шакидаги 456 та (умумий куввати 11329 ўрин) нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ўза фаолиятини бошлади. Давлат-хусусий шерикчилик асосида иш бошлаган 456 та оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида жами 898 та ходим фаолият юритган.

2021 йилда Коракалпогистон Республикаси бўйича мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик асосида жами 10 та (умумий куввати 1000 ўрин) нодавлат МТТ ва 131 та (умумий куввати 3275 ўрин) оиласвий нодавлат МТТ лар фаолиятини ўйлга кўйиши режалаштирилган.

Юқоридаги статистик маълумотларга биноан хукуматимизнинг келажак авлодга бўлган эътибори каттадир. Шу боис ҳар бир тарбия-педагог ўзининг фаолиятини ҳозирги замон талабларига асосида ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Sh.M.Mirziyoyev «Kitap o'nimlerin basip shig 'ariw hám tarqatiw sistemasin rawajlandiruv kitap oqiwdi ham kitap qumarliq madeniyatin arttiriw jáne ugít násiyatlaw boyinsha kompleksli ilajalr bag'darlamasi haqqinda» qarari Erkin Qaraqalpaqstan gazetasi, 117s 16 09 2017

2.“Иль қадам” Мактабгача таълим мусассасасининг Давлат ўкув дастури. Тошкент-2018

3. Коракалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги статистик маълумотлари. 2021 й.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада мустакиллик йилларида Коракалпогистон Республикасида фаолият олиб бораётган мактабгача таълим ташкилотларининг таълим-тарбиявий аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация об образовательной значимости дошкольных образовательных организаций, действующих в Республике Каракалпакстан за годы независимости.

SUMMARY

The article provides information on the educational significance of preschool educational organizations operating in the Republic of Karakalpakstan over the years of independence.

## МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ В ДИАГНОСТИКЕ ГОТОВНОСТИ ДЕТЕЙ К ШКОЛЬНОМУ ОБУЧЕНИЮ

Джаннеписова Г.Э.

зав. кафедрой Методики дошкольного образования. ТГПУ имени Низами

Маттиева М.Н.

зав. ГДОО № 39 г. Ангрен

**Таяинч сўзлар:** математик моделлаштириш, диагностика, мактаб таълимига тайёрлаш, дастур, узлуксиз таълим, шахсий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, максус тайёргарлик.

**Ключевые слова:** математическое моделирование, диагностика, подготовка к школьному образованию, программа, непрерывное образование, персональное обучение, физическое воспитание, спецподготовка.

**Key words:** mathematical modeling, diagnostics, preparation for school education, program, continuing education, personal training, physical education, special training.

На современном этапе модернизации системы непрерывного образования Республики Узбекистан у педагогов сферы дошкольного образования есть большие возможности для конструирования авторских программ по математическому развитию ребенка, что, однако, невозможно без глубокого знания основ теории и методики математики, обращения к успешно апробированным традиционным, альтернативным и вариационным подходам к математической подготовке детей, задаваемых действующими программами для дошкольных образовательных организаций и начальной школы.

Актуальными для обогащения действующих и создания новых методик и технологий математического развития ребенка в свете современных требований к системе дошкольного образования республики представляются направления, связанные с адаптированием к специфике дошкольного возраста методов математического моделирования.



Исследователи А.В. Запорожец, Л.А. Венгер, Ф.А. Сохин, Л.Е. Журова, Т.В. Тарунтаева, Н.У. Бикбаева, Э.Янгибаева и другие выделяют общую и специальную готовность к школьному обучению.

К общей готовности относят: физическую, личностную, интеллектуальную.

Под физической готовностью следует понимать: состояние здоро́вья, развитие двигательных навыков и координаций, физическую и умственную


качеств, особенности тонких моторных рабо́тоспособность.

Личностная готовность ребенка к школе реализуется в произвольности поведения, сформированности общения, самооценки и мотивации учения, способности принять взрослого в качестве учителя. В русле реальной педагогической практики она проявляется в:

\* активности, заинтересованности решать общие задачи;

\* потребности помогать сверстникам;

\* дисциплинированности, умении подчиняться установленным правилам;



- \* качество ответов и результатах работы;
- \* наличия настойчивости, старательности.

Центральный показатель интеллектуальной готовности к концу дошкольного возраста – сформированность образного мышления, воображения, творчества, основ словесно-логического мышления, а также овладение средствами познавательной деятельности: умением классифицировать, обобщать, схематизировать, моделировать, владение родным языком, основными формами речи-диалогом, монологом.

Специальная готовность проявляется в овладении началами грамоты – чтением, письмом, математикой; элементами учебной деятельности – выделением задач общего контекста деятельности, осознанием и обобщением способов решения, планирования и контроля, овладением общим темпом и ритмом работы .

Обоснуй следующие необходимые требования к заданиям, диагностирующим уровень логико-математической готовности дошкольника к школьному обучению:

- \* индикация произвольности как способности действовать в соответствии с сознательно поставленной целью;
- \* констатация ребенком объективности оценки собственных возможностей;
- \* выявление особенностей тонких моторных координаций;
- \* постановка игровой задачи.

#### Диагностические задания

##### Назови цвета

Цель: диагностика умения различать цвета, определение уровня цветового зрения.

Задание: назови цвета находящихся перед тобой геометрических фигур.

##### Отбери фигуры по форме

Цель: диагностика знания геометрических фигур, умения классифицировать предметы по форме.

Задание: распредели предложенные геометрические фигуры на группы в зависимости от их формы.

Усложнение: ребенку предлагается одна фигура (она кладется перед ним); он должен создать из предложенного материала фигуру, схожую по форме, но иную по размеру; затем назвать вновь полученную фигуру.

##### Повтори

Цель: диагностика развития памяти, внимания, наглядно-образного мышления.

##### Задания

1) Повтори ряд геометрических фигур, сохраняя заданную последовательность цветов (можно сосредоточить внимание ребенка на важности совпадения цвета, а не формы или размера).

2) Повтори предложенный ряд фигур, сохраняя их форму.

3) Запомни и повтори ряд фигур (образец дается для изучения на 10-15 с., затем он убирается и ребенок воспроизводит его по памяти).

4) «Что изменилось?»: ребенку предоставляется для изучения ряд фигур, затем он закрывает глаза, а экспериментатор изменяет расположение фигур, убирает некоторые из них; ребенок, открыв глаза, определяет, что изменилось.

Работа по указанию взрослого

Цель: диагностика умения внимательно слушать, точно выполнять указания взрослого, правильно воспроизводить заданное, самостоятельно действовать по указанию.

Задание (ребенок выполняет действия по команде взрослого): возьми коричневый квадрат, положи его перед собой, за квадратом расположи оранжевый треугольник, перед квадратом размести зеленый прямоугольник, над коричневой фигурой положи красную, под первой фигурой слева расположи четырехугольник.

### Сложи силуэт

Цель: диагностика усвоения способа соединения элементов в целое и сочетания их по размеру; определение уровня развития глазомера, комбинаторных способностей.

Благодаря образцу цель игры приобретает образную форму, что усиливает мыслительную активность ребенка, создает положительный эмоциональный настрой, стимулирует интерес, целенаправленную плановую деятельность.

### Задания:

- Сложи из имеющихся геометрических фигур предложенные на схеме силуэты (схема может быть расчлененная или нерасчлененная – в зависимости от уровня сложности предлагаемого задания).
- Придумай силуэт самостоятельно из предложенного набора фигур (в данном случае осуществляется диагностика развития самостоятельности в постановке цели, отборе необходимых для ее реализации средств, а также уровня развития воображения).



### Числовые примеры

Цель: диагностика представлений о числе, умения производить операции с числами, уровня развития навыков счета.

### Задание:

- \* Возьми три красных треугольника, добавь четыре синих прямоугольника. Сколько фигур у тебя получилось?
- \* Сложи цифры на синем, оранжевом, красном треугольниках (используются цифры, изображенные на обратной стороне каждой части набора).

### Разложи на группы на ощупь

Цель: диагностика уровня развития сенсорного восприятия, тактильных ощущений.

Задание: закрой глаза, разложи фигуры на группы, определи на ощупь их форму.

### Критерии выполнения заданий

Если задание выполнено ребенком самостоятельно, он получает 2 балла, с помощью взрослого – 1, задание не выполнено – 0 баллов.

Результат 12-14 баллов – достаточный уровень, 7-11 – средний уровень, менее 7 – недостаточный.

Материал может использоваться, непосредственно исходя из названия «Сложи квадрат». При этом успешное выполнение заданий предполагает эффективность

складывания квадратов различного уровня сложности: из 5 частей – высокий уровень готовности, из 4 – средний, из 3 – низкий.

Процесс математического моделирования позволяет проследить логику развития познавательных способностей ребенка:

- овладение навыками непосредственного замещения частей схем моделей реальными предметами – в младшем возрасте;
- освоение действий по использованию готовых моделей – в среднем возрасте;
- освоение действий по самостоятельному построению моделей по схемам и конструированию новых моделей и их схем – в старшем дошкольном возрасте.

Изучение основ математики посредством плоскостных и пространственных моделей строится на овладении исходными математическими отношениями и зависимостями в единстве счета и чтения как общекультурных навыков, предполагает содержательное диалогическое общение детей со сверстниками в ходе решения логико-математических задач.

Литература:

1. Государственные требования к развитию детей раннего и дошкольного возраста Республики Узбекистан. Регистр. № 3032 от 03.07.2018 год.
2. Грошева И.В., Евстафьева Л.Г., Махмудова Д.Т., Набиханова Ш.Б., Пак С.В., Джанпейсова Г.Э. Государственная учебная программа «Илк қадам» для дошкольных образовательных учреждений. 2018 г.
3. Вахобова Ф., Зайнулдинова Д. Развивающие игры. «Бекинчак плюс» 2009 г.
4. Бикбаева Н.У., Алиева У.С. Математика: Методическое пособие для подготовительных групп детских садов. – Т.: Оффсет-Принт, 1999. – 28 с.
5. Баряева Л.Б. Математическая мозаика. – Тетрадь № 2. – СПб.: Союз, 2002. – 16 с.
6. Гатанов Ю. Развиваю логику и сообразительность: Пособие для подготовки детей к школе. – СПб.: Питер, 2000. – 168 с.
7. Янгибаева Э. и др. Формирование элементарных математических представлений у дошкольников в разных видах деятельности: Методическое пособие. – Нукус, 2001. – 24 с.
8. Graber A.O., Valli L., Newton K. Upper Elementary Math Lessons / Case Studies of real teaching Rowman and little field publishers in c., 2011 – 195 p.
9. Kumon Publishing. Subtraction. Grade 1 PDF. Math Workbook, Kumon Publishing, USA, 2008, – 96 р.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада мактаб таълимига болаларнинг диагностикасини математик моделлаштириш масалалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы математического моделирования диагностики детей в школьном образовании.

SUMMARY

The article deals with the issues of mathematical modeling of diagnostics of children in school education.



## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

### O'QUVCHILARDA JISMONIY CHIDAMLILIKNI ANIQLASHDA KARDIORESPIRATOR INDEKSINING AHAMIYATI

*Hamroqulov R.A*

*Farg'ona Davlat universiteti Jismoniy madaniyat nazariyasi va  
uslubiyoti kafedrasи mudiri, dotsent*

*Robilova Sh.M.*

*Farg'ona davlat universiteti magistranti*

**Tayanch so'zlar:** jismoniy chidamlilik, sport mashg'ulotlari, sog'lom odam, o'pkaning tiriklik sig'imi, puls, sistolik bosim, diastolik bosim.

**Ключевые слова:** физическая выносливость, спорт, упражнения, здоровый человек, жизненная емкость легких, пульс, систолическое давление, диастолическое давление.

**Key words:** physical endurance, sports, exercise, healthy person, lung vital capacity, pulse, systolic pressure, diastolic pressure.

Mamlakatimizda jismonan va ma'nан sog'lom, hech kimdan kam bo'lмаган avlodni tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zero, yuksak mahnaviyatlар, har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazish Vatanimiz kelajagini ta'minlash va barcha ezu maqsadlarimizni ro'yobga chiqarishning muhim omildir. Bu ollyjanab maqsad yo'lida keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Oila, onalik va bolalikni muhofaza qilish, bolalar sportini rivojlantirish, ta'lim tizimini takomillashtirish kabi yo'nalishlardagi izchil isloxaqtar o'zining yuksak samaralarini bermoqda.

Shu narsani aniqladikki, sportda chidamlilik, bu jismoniy mashqlarni uzoq vaqt davomida bajarishda tananing charchoqa qarshi turish qobiliyatidan darak beradi [3].

Chidamlilikning rivojlanish darajasi asosan, yurak qon-tomir va asab tizimlarining funksional imkoniyatlari, metabolik jarayonlar darajasi , shuningdek turli organlar va tizimlarning faoliyatini muvofiqlashtirish bilan belgilanadi [1].

Chidamlilik bu ma'lum bir belgi bilan ishslashni imkon qadar uzoq vaqt davomida bajarish qobiliyatini va insonning ma'lum bir intensivlikni ushlab tura oladigan vaqt hisoblanadi. Ushbu mezondan foydalangan xolda chidamlilik to'g'ridan - to'g'ri va bilvosita usullar yordamida o'lchanadi.

To'g'ridan - to'g'ri usulda obyektdan topshiriqni bajarish so'ralganda va ma'lum

bir intensivlik bilan ishlash uchun maksimal vaqt aniqlanganda ya'ni tezlikni pasaytirish boshlanishidan oldin o'lchanilishi kerak bo'lgan usul hisoblanadi. Ammo bu deyarli imkonsiz[4].

Bilvosita usul - bu chidamlilik yetarlicha uzoq masofani bosib o'tishga to'g'ri keladigan vaqtga bog'liq (m: 10.000 m). Biz olib boradigan usul xam bilvosita usulga kirib, sinaluvchi organizmining jismoniy holati va ko'rsatkichlarini hisobga olgan xolda o'lchanadi.

Odatda belgilangan intensivlik bilan yugurish davomiyligining birinchi sezilarli o'sishi 9 yoshdagи qizlarda va 10 yoshdagи bolalarda kuzatiladi. Demak, bunday yoshda chidamlilik o'zini namoyon qila boshlagan davr desak adashmagan bo'lamiz.

Chidamlilikni aniqlash borasidagi Rus olimi A.N.Makarovning [5] olib borgan tadqiqot ma'lumotlariga ko'ra 11-12 yoshli maktab o'quvchilari uchun 200-400 metrli masofani bir nech marotaba 2-3 m/sek tezlikda aylanib o'tish va bir tekisda yugurish bilan shug'ullanish tavsya etiladi. Qoida tariqasida 1-2 oy davomida bunday mashqlarni muntazam ravishda bajarish natijasida yopiq masofalarning davomiyligini sezilarli darajada oshirish mumkin. Shundan so'ng maxsus sxemaga muvofiq belgilanadigan qo'shimch o'zgaruvchan yugurishlar joriy etiladi. Masalan: 200, 500 m ga tezlikda 2-3,5 m/s, va shunga o'xshagan tartibda amalga oshiriladi. Bu yerda yugurishda chidamlilikka erishilishi mumkin bo'lgan maslaxatlarni berib o'tdik.

Olimlarni ta'kidlashlariga ko'ra nafaqat sport bilan shug'ullanadigan insonlar uchun, balki vaqt-vaqt bilan sport bilan shug'ullanadigan oddiy havaskorlar uchun ham chidamlilikni rivojlantirish va uni aniqlash usullari mavjud. Shuni ta'kidlash kerakki, to'g'ri tashkillanga turmush tarzi ya'ni, sog'lom turmush tarzi bunga mukammal yordam bo'ladi. Agar inson to'g'ri va sog'lom ovqatlansa (vitamin va minerallarni yetarli darajada istemol qilsa), dam olishni to'g'ri tashkillasa (7-8 soat), eng asosiyi ruhiy va jismoniy stressdan holi shug'ullansa tananing chidamliligi ancha yuqori bo'ladi.

#### **Izlanish maqsadi:**

Turli xil yoshdagи, sportning turli xil sport turlari bilan shug'ullnadigan va shug'ullanmaydigan o'quvchilarning umuman olganda inson organizmini tinch holatda va jismoniy ish bajarayotgan paytida qator ko'rsatkichlari bilan tiklanish vaqtini aniqlash orqali jismoniy chidamliligin kardiorespirator indeksi yordamida aniqlash va unga keraklicha baho berishdan iborat.

2020-2021 o'quv yilida Quvasoy shahar xalq ta'limi bo'limiga qarashli 25-umumiy o'rta ta'lim maktabining 16 nafar 8-9 sinf o'quvchilari ustida eksperimental kuzatuv olib borildi. Jismoniy ko'rsatkichlari va yoshga xos xususiyatlari hisobga olingan holda o'quvchilarning jismoniy chidamliligin qay darajadaligi baholandi. Bunda o'quvchilarning jismoniy chidamliligin qiyosiy baholash uchun, tanometr yordamida tekshiriluvchining qon bosimini mm simop ustunida o'lchanadi, o'pkasining tiriklik sig'imin spirometr orqali aniqlab, natijasini absalyut songa aylantiriladi. Bu hisoblashda osonlikni ta'minlaydi. (Masalan: 3500 ml ni 35 deb olamiz), maksimal nafas olib ushlab turish vaqt (sekund hisobida), 10 soniya davomida tinch xolatdagi va jismoniy ish bajargandagi pulsler sanaladi va 6 ga ko'paytiladi. Quyida berilgan formula yordamida kardiorespirator indeksi aniqlanadi[2].

Baholash mezoni: o'pkaning tiriklik sig'imi absoluyt sonda baholanadi.

Organizmining holati	Sog'lom odam	Kasal odam
Tinch holatda	1.00, 0.8, 0.9	0.3, 0.4 ga zo'rg'a boradi
Ish paytida	5 % ga kamayadi	15-30% ga kamayadi

$$\text{Tiklanishi} \quad KI = \frac{O'TS + \max P + \max T + \sin aluvchining yoshi(yil)}{Sistolik bosim P + Diastolik bosim P + puls / daqiga} \quad \text{utdan ortiq}$$

**Kerakli jihozlar:**

1. Sfigmonometr.
2. Spirometr.
3. Sekundometr.
4. Zarur hollarda veloergometri yoki zina (2-3 ta zinapoya, har bir zina balandligi 26 sm).

Quvasoy shahar xalq ta'limi bo'llimiga qarashli 25-umumiyl o'rta ta'lim maktabining 16 nafardan iborat 2 gurux o'rta va yuqori maktab yoshidagi o'quvchilardan olingen natijalarga ko'ra (2-jadval) sport faoliyati bilan uzoq vaqt davomida shug'ullanib kelayotgan (3-4 yil davomida) va sport mashg'ulotlari to'g'ri tashkillangan o'quvchilarda o'tkazilgan tajriba ijobiy natijani berdi. Ya'ni, shug'ullanuvchining chidamlilik ko'rsatkichlari normal holatda bo'ladi.

2-jadval

Nº	Sport bilan shug'ullanish holati	Olingen natija M o'rtacha	O'rganilgan sportchilar soni= N
1	Sport faoliyati bilan uzoq vaqt davomida shug'ullanib kelayotgan	KI=0.80	8
2	Sport mashg'ulotlari to'g'ri tashkillangan o'quvchilarda	KI=0.85	8
3	Sport bilan shug'ullanmaydigan o'quvchilarda	KI=0.6	16

Sport mashg'ulotlari kundalik rejasiga kiritmagan ya'niki, sport bilan shug'ullanmaydigan o'quvchilarda jismoniy chidamlilikning ko'rsatkichlari hisoblanganda tadqiqotlar qoniqarli natijani berdi (kasal emas). bunga izoh beradigan bo'lsak, 2-guruxdag'i o'quvchilar muntazam ravishda sport bilan shug'ullanmasalar ham hafta davomida o'tilgan jismoniy tarbiya darslari va har kungi darsgacha gimnastika mashg'ulotlari o'pkasining tiriklik sig'imi normal xolatda ushlab turishiga ijobiy ta'sir ko'rsatganligini bilishimiz mumkin.

Tanlangan 1-gurux o'quvchilarini organizmining holati umumuy natijalarini hisoblaganda tinch holatda kardiorespirator indeksi KI=0.85 natijani ya'ni, "sog'lom odam" natijasini berdi. Ish bajargan holda o'lchanganda 1-gurux o'quvchilarining o'pkasining tiriklik sig'imi (O'TS) 4.75% gacha kamaygan. Ish bajargandan so'ng har bir daqiqada tekshirilganda umumiyy hisobda tekshiriluvchilarini organizmining tiklanishiga 2 daq, 15 soniya vaqt sarflanganligi aniqlandi.

2-gurux tekshiriluvchilarini ustida olib borilgan tajribaga ko'ra tinch holatda KI=0.6 natijani berdi. Ish bajargan holda o'lchanganda o'pkasining tiriklik sig'imi (O'TS) 2-gurux o'quvchilarining ko'rsatkichlari umumiyy hisobda 10 % gacha kamaygan. Organizmining tiklanish vaqt esa 6 daqqa vaqt talab qilgan.

Demak, chidamlilik-bu charchoqni yengib, tananing ma'lum bir harakatni uzoq vaqt davomida bajarishga qodirligini aniqladik. Nafaqat sport bilan shug'ullanadigan insonlar uchun, balki vaqtiga vaqtli bilan sport bilan shug'ullanadigan oddiy havaskorlar uchun ham chidamlilikni rivojlantrish usullari mavjud. To'g'ri tashkillangan turmush tarzi ya'ni, sog'lom turmush tarzi bunga mukammal yordam bo'ladi. Agar inson to'g'ri va sog'lom ovqatlansa, vitamin va minerallarni yetarli darajada istemol qilsa, dam olishni to'g'ri

tashkillasa, eng asosiy ruhiy va jismoniy stressdan holi shug'ullansa tananing chidamliligi yuqori bo'ladi.

Shug'ullanuvchi organizmi ma'lum bir mashqni uzoq vaqt davomida, reja asosida va uzlusiz ravishda bajarishi, chidamlilikni yanada rivojlantiradi. Tajribamizdan ko'rindiki, shug'ullangan organizm xar qanday jismoniy yuklamaga bardosh bera oladi, albatta bu yuklama me'yorida bo'lsa. Me'yoriy jismoniy yuklama organizmga salbiy ta'sir ko'rsatmaydi, aksincha uni chiniqtiradi. Chidamlilik ham organizmga zarur bo'lgan jismoniy sifatlardan biridir. Muhimi to'xtab qolmasdan davom ettirish.

Shunday qilib, chidamlilikning rivojlanish darajasiga yurak qon-tomir va asab tizimlarining funksional imkoniyatlarini maqsadli oshirib borish, metabolik jarayonlar darajasini nazorat qilish va boshqara olish, shuningdek turli organlar va tizimlarning faoliyatini muvofiqlashtirishni yo'lga solish va monitoring qilish samarali ta'sir etadi. Jismoniy yuklamalar ta'sirini boshqarish va monitoring qilishda kardiorespirator indeksni aniqlash katta ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar:

1. Salomov. R. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyoti. Toshkent 2005.
2. S.S. Isroiljonov. Jismoniy mashqlar fiziologiyasida laboratoriya mashg'ulotlari. Farg'ona 2015.
3. A.Abdullayev. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyoti. Farg'ona 2017.
4. X.X.Saliyev. Jismoniy tarbiya va sport. Toshkent. 2019
5. A.N.Makarov. Jismoniy tarbiya va sport, Maskva. 1973.

#### РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada asosan sog'lom va turli xil sport turlari bilan shug'ullanadigan hamda shug'ullanmaydigan o'quvchilarining jismoniy chidamliligini kardiorespirator indeksi orqali baholash bo'yicha yillik mashg'ulotlar va yillik dars soatları atroficha o'rganilib, o'quvchilarni yil davomida maxsus sport mashqlarining sog'lingga va STT (sog'lom turmush tarzi)ni reja asosida tashkilanganda uni o'quvchilar organizmiga ta'sirini kuzatish natijasida o'rganilib chiqilgan.

#### РЕЗЮМЕ

В статье подробно рассматриваются ежегодные занятия и ежегодные часы уроков для оценки физической выносливости школьников, кто занимается различными видами спорта, с помощью кардиореспираторного индекса. В результате мониторинга воздействия физических упражнений на здоровье и их воздействия на организм учащихся общеобразовательных школ для этого организованы здоровьесберегающие мероприятия согласно плану.

#### SUMMARY

This article examines in detail the annual sessions and annual lesson hours to assess the physical endurance of students who are healthy and those who are engaged in a variety of sports through the cardiorespiratory index. has been studied as a result of monitoring the effects of exercise on health and its impact on the human body when HL (healthy lifestyle) is organized according to a plan.

---

## АКРОБАТИКА СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИДА 6-7 ЁШЛИ ҚИЗЛАРНИНГ ЭГИЛУВЧАНЛИК ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

*Ҳамроқулов Р.А.*

*Фарғона Давлат университети Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти  
кафедраси мудири, доцент*

*Абдураимов Д.Т.*

*Фарғона Давлат университети магистранти*

**Таяинч сўзлар:** МЖМ-махсус жисмоний машқлар, техник тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, жисмоний қобилияtlар, гимнастика, спорт, «сўприк».

**Ключевые слова:** специальные упражнения, техническая подготовка, физическая культура, физические способности, гимнастика.

**Key words:** SE-specific exercise, technical training, physical training, physical abilities, gymnastics, sports, «bridge».

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва асосий бўлган қисми мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмокда. 2017 йил 16 август ва 19 октябр кунлари бўлиб ўтган йигилишларида бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, бақувват, ақл-идрокли ва заковатли бўлиб улғайишни таъминлашдан иборатdir. Бу қарорга қўйидаги вазифалар белгилаб кўйилди:

- жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг ахволини чуқур ўрганиш;
- соҳадаги камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш;
- мактабгача таълим муассасаларини куриш, таъминлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш;
- болалар тарбияси жараённада ўз ишини пухта биладиган, малакали педагог кадрларни жалб қилиш.

Мактабгача давр-бу боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганишга, билишга иштиёқи кучли бўлган даврdir. Мазкур давр ичida боланинг инсоний фазилатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун замин тайёрлайди. Хусусан ўйинлар билан шугулланиш боланинг қизиқиши ва эҳтиёжларига мос тарзда такомиллашиб боради. Жумладан ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқdir. Ҳаракатли ўйинлар ҳар бир болада қўйидаги асосий жисмоний сифатлари ва руҳий иродавий хислатларини ривожланитиришни мақсад килиб қўйиши лозим. Юкори кайфият, хушчақчақлик, тезкорлик, чаққонлик, зукколик, мустақил ҳаракат, кучлилик, эгилувчанлик, чидамлилик каби ҳаёт учун зарур бўлган билим, кўнкималарни шаклланишига ёрдам беради.

Биламизки инсон ҳәтидаги фаолият турлари Зга бўлинади. Яъни бу фаолият инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти имкониятларини ҳисобга олган ҳолда учтурга ажратилган.

1. Ўйин фаолияти.
2. Ўқиш фаолияти.
3. Мехнатга ўйналтириш.

Болаликнинг дастлабки йилларида ўйин фаолиятлари шаклланиб боради. Унинг руҳий ва жисмоний ривожланиши айнан мана шу фаолият билан такомиллашиб боради. Мактаб ёшидаги боланинг функционал тизимининг ривожланиш хусусиятлари бир қатор омилларга боғлиқ генотип тартибга солиш механизми, овқатланиш, жисмоний тарбия воситаси ёздамидаги фаолият. Тегишли равишда танланган жисмоний машқлар нормал ривожланишнинг ягона регулятори бўлиши мумкин. Ҳаётий органларнинг ишлашида салбий оқибатларга олиб келадиган биологик қонунларга риоя қилинмайди.

Инсоннинг ҳаракат қобилиягини синаш илмий ходимлар ва спорт мураббий-

лар фаолиятининг энг мухим ва маълум йўналишларидан биридир. Бу бир катор мураккаб педагогик муаммоларни хал қилишга ёрдам беради. Кординацион ва мувофиқлаштириш қобилиятларининг ривожланиш даражасини аниклаш, жисмоний фазилатлар даражасининг техник тайёргарлиги сифатини баҳолаш, шу жумладан мослашувчанлик. Турли мамлакатлар амалиётидаги илмий вазифалар билан бир қаторда тест топшириклари куйидагича ўтказилди.

Ўкувчиларни жисмоний тайёргарлиги даражасини мустакил равишда аниклашга ва зарур жисмоний машқлар комплексларини режалаштиришга ўргатиш, ўкувчиларни жисмоний ҳолатини янада яхшилашга ундаш, нафақат жисмоний қобилиятларини ривожлантиришнинг бошлангич даражасини, балки маълум бир вакт ичida унинг қанчалик ўзгаришини билишдан иборат.

Тажриба бир гурух кизлар, ёш акробатлар билан ўтказилди. Назорат гурухи мослашувчанликни ривожлантиришнинг умумий қабул қилинган усули бўйича, экспериментал гурух эса воситалардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган методология бўйича ўрганилди.

Умумий қабул қилинган методикада динамик ва статик характердаги машқлардан фойдаланилган, машқлар такрорий усул билан бажарилган. Машқлар табиатан гимнастик машғулотлар эди-бу турли хил машқлар: масалан, эгилиш, беланчак, бурилиш, ўтириш ҳолатида машқ қилиш.

Экспериментал гурух таркибида машқлар мажмуаси шунингдек, машғулотлар давомидаги мавжуд машқлар эди. Машғулотнинг асосий кисми охирида фаол мослашувчанликни ривожлантиришга қаратилган комплекслардан фойдаланилган, якуний кисмида эса пассив эгилувчанликни ривожлантирадиган комплекслар бажарилган.

Дастлаб, оддий машқлар бажарилди-беланчак. Аста-секин машқлар янада мураккаблашди, тебранишлар сақраш билан бирлаштирилди. Мослашувчанликни ривожлантириш бўйича экспериментал машқлар тўпламига қўйидагилар киритилган:

Биринчи мезоциклнинг тайёргарлик даврида—махсус жисмоний тарбия воситаси сифатида хафтада уч марта ўтказилган ва машғулотнинг умумий вақтининг 45-50% кисмини ташкил этган машқлар комплекслари. Машқлар мажмуалари қўйидагича амалга оширилди:

Душанба-махсус жисмоний машқлар (МЖМ), машғулотлар давомида;

Чоршанба-ишлаб чиқилган машқлар тўпламидан ўкув машғулотлари давомида кўллаш;

Жума-ишлаб чиқилган машқлар тўпламидан фойдаланган ҳолда машғулот тайёргарлик даврида мезоцикл ишлаб чиқилган комплекслар МЖМ сингари хафтада 2 марта ўтказилди ва машғулотнинг умумий вақтининг 30 фойзини ташкил этди.

Тайёргарлик даврида маҳсус жисмоний тарбия машғулотларига катта эътибор берилди, бу эса спорт қобилияtlари учун маҳсус талабларни кўядиган спорт акробатикасида машқларни муваффакиятли бажаришга ёрдам берадиган ихтиосослашган жараён сифатида тавсифланди.

Педагогик эксперимент бошида акробатлар мослашувчанлиги даражаси синовдан ўтказилди, натижалар таҳлил қилинди, улар 1-жадвалда келтирилган.

**Қизларда мослашувчанлыкни аниқлаш үчун дастлабки синов натижалари  
1-жадвал**

Гурух	Тест	"Күпприк" тик турған жойдан, см	Күлларга таяниб оёкларни иккі ёнга очиш.	Олдинга эгилиш, см	Гимнастика таекчасыда күлларни орқа ва олдига айлантириш (см). Елка бұғымларини "буриш", см
Экспериментал гурухи	54,9±2,6	13±1,9	17±4,2	34±2,6	
Назорат гурухи	56,5±2,9	13±1,6	16±4,9	34±3,5	

Синов натижаларига құра қуидагиларни амалга ошириш мүмкін. Алохіда үқувчилар ва турил мінтақаларда мамлакатларда яшовчи бутун гурухларнинг тай-әргарлігінің тақослары маълум бир спорт тури билан шұғуланыш, мусобакаларда катнашиш учун спорт танловини үтказиш, мактаб үқувчилари ва ёш спортыларнинг тай-әргарліги устидан объектив назоратни амалга ошириш ишлатылады. Воситаларнинг афзалліктери ва камчиликларини, үкітиши усууллари ва дарсларни ташкил этиш шаклларини аниқлаш никоят, болалар ва үсіпринларнинг жисмоний тай-әргарліги нормаларини (ёши, индивидуаллігіні) асосланған.

Харакатлантирувчи аппараттар, 5-8 ёш оралығыда үсіш динамикаси нотекис бўлиб, тананинг узунлігі бу даврда уннинг массасидан каттароқ даражада ошади. Оссификация нотекис бўлиб, ортиқча юқлар бу жараённи бузиши мүмкін. 4-7 ёшгача бўлган қизларда узун сүякларнинг сүякланиши бошлианди ва бармоқлар фалажлари оссификацияси 7-9 ёшда, билак сүяклари 8-11 ёшда тугайди. Худди шу ёшда умуртқа устуннинг эгрилігі хосил бўлади ва старли даражада пайдо бўлади. Шунинг учун, болалар нотўғри жойлашувига эга (улар коринларини олдинга қараб юришади). 5-7 ёшдан 10-11 ёшгача оёқ-күлларнинг узунлігі тез үсіб, тана үсіш тезлигидан ошиб кетади.

5-8 ёшдаги болаларда артикуляр-лигаментли аппарат кўпроқ эластик ва ҳаракатчан бўлади. Тенденцияларнинг тузилиши ўзгаради, шу билан бирга мушак тўқималари кучаяди. Ушбу ёш айниқса қизларнинг мослашувчанлыгини мақсадли ривожлантириш учун жуда қулайдир.

Болаларнинг сүяклари ва мушакларида жуда кўп органик моддалар ва сув бор, аммо минерал моддалар. Мослашувчан сүяклар нотўғри воситалар ва нотекис юқлар билан осонгина эгилиши мүмкін. Мушак-скелет тизимишиниң осон көнтәйиши болага аник белгиланган мослашувчанлыкни беради, аммо сүякларнинг нормал холатини саклаб туриш учун кучли «мушак корсеті» ни яратади. Натижада скелет деформациялари, тана ва оёқ-күлларнинг асимметрияси ривожланиши ва текис оёқлар пайдо бўлиши мүмкін. 5-8 ёшли болаларда мушаклар хали шаклланмаган, бу ёшдаги болаларнинг мушак толалари ингичка ва кучсиз, таркибида озгина миқдорда оқсил ва ёғ бор.

Педагогик тадқиқотлар 2020-2021 йилларда Фарғона вилояти Кұва тұмани БҰСМ мұассасаси базасыда бўлиб үтди. Экспериментда 6-7 ёшли болаларнинг иккита гурухи (тажриба ва назорат) иштирок этди, уларнинг хар бири 10-12 кишидан. Экспериментал ва назорат гурухларыда үқув ва үқув машғулотлари хафтасига 3 марта 1,5 соат давомида үтказилди.

Иккинчи босқичда назорат ва экспериментал гурухларда қизларнинг мослашувчанлигини ривожлантириш ва кейинчалик синовдан ўтказиши бўйича ишлаб чиқилган методикадан фойдаланган холда педагогик эксперимент ўтказилди. Ўрганилаётган гурухларнинг синов натижаларини қайта ишлаш тажриба бошида ва охирида амалга оширилди. Олинганд тадқиқот натижаларининг хуросаларини шакллантириди. Мослашувчанликни ривожлантириш даражасини баҳолаш педагогик эксперимент бошида ва охирида бўлган тест натижаларига кўра амалга оширилди.

Адабий манбаларни тахлил қилиш ўрганилаётган масаланинг холати тўғрисида тасаввурга эга бўлишга, мавжуд бўлган адабий маълумотларни ва акробатларда мослашувчанликни ривожлантириш масаласи бўйича мутахассисларнинг фикрларини умумлаштиришга имкон берди. Иш жараённида жисмоний тарбия методикаси ва назарияси асосларига оид адабиёт манбалари тахлил қилинди.

Шунингдек, педагогика ва психология, ёш акробатларнинг жисмоний тайёргарлиги, ёшлар физиологияси, гимнастика, спорт бўйича маҳсус техник тайёргарлик асослари, спорт тиббиёти каби адабиётлар ўрганилди. Тадқиқот мавзусига оид ва болалар жисмоний тарбиясининг асосий тушунчаларини аниқлашга имкон берадиган маҳсус услубий адабиётлар ўрганилди.

Амалдаги воситалар ва усулларнинг самарадорлигини аниқлаш учун спорт акробатики дарсларида машғулотлар давомида ўтказилган педагогик кузатув ташкил этилди. Кузатув 6-7 ёшли акробатларни назорат қилиш ва экспериментал гурухларини тайёrlаш жараённи мазмуни бўйича ўтказилди. Педагогик кузатиш 6-7 ёшли акробатлар мослашувчанликни ривожлантириш учун тавсия этилган методиканинг самарадорлигини баҳолашга имкон берди.

Ёш акробатлардаги мослашувчанликни ривожлантириш даражасини баҳолаш учун куйидаги тестлардан фойдаланилди.

1. «Тик турган жойдан кўприк». Синов жараённида дастлабки жойлашувидан оёқларни бир-бираидан ажратиб турилади, кўллар кўтарилади. «Кўприк» ни бажаради ва бу холатни 2-3 сония давомида тузатади. Битта уринишга рухсат берилади. Натижага (сантиметрда) субъектнинг товонидан бармоқ учига қадар ўлчанади. Масофа қанча кисқа бўлса, эгилувчанлик даражаси шунчалик юкори бўлади ва аксинча.

2. «Хоч ишлари». Бунда синовдан ўтган одам, оёқларини иложи борича кенгрок ёйишга харакат қилиб, полда амалга оширади. Қабул қилинган жойлашув З сония давомида ўрнатилади. Муайян кўшилишда харакатланиш даражаси полдан тос суюгига қадар бўлган масофа билан баҳоланади: масофа қанча кисқа бўлса, эгилувчанлик даражаси шунчалик юкори бўлади ва аксинча.

3. «Олдинга эгилиш». Бунда скамейкада турган холатда (ёки полда ўтирган) предмет тиззаларини букмасдан чегарага қараб олдинга эгилади. Умуртқанинг эгилувчанлиги ўлчагич ёки лента ёрдамида нол белгисидан сантиметрдаги масофага қараб баҳоланади.

4. Елка бўғимларида «буриш». Синов фаол ўйналтирувчи машқлардан кейин амалга оширилади. Гимнастик таёқнинг (арқоннинг) учларини ушлаб турувчи кўлларнинг тўғри бурилишини амалга оширади. Елка бўғимининг харакатчанлиги буриш пайтида кўллар орасидаги масофа билан баҳоланади: масофа қанча кичик бўлса, бу бўғиннинг эгилувчанлиги шунчалик юкори ва аксинча.

Адабиётлар:

1. Халқ сўзи 2018 йил 15-феврал. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг раислигида 14-феврал куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тахлилига бағишиланган видеоселектор йиғилиши.

2. Усмонов Б.Х. Гимнастика дарсларида инновацион технологиялар. Ўқув кўйлланма. Тошкент 2013.
3. А.Абдуллаев. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти. Дарслик. Фарғона 2017.
4. Саломов. Р. Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти. Тошкент 2005.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада гимнастиканинг акробатика йўналишида 6-7 ёшли кизларни эгиливчанлик сифатларини ривожлантириш ва тарбиялаш мақсадида ўкувчиларни жисмоний тайёргарлиги даражасини мустакил равишда аниқлашга ва зарур жисмоний машқлар комплексларини режалаштиришга ўргатиш, жисмоний кобилиятларини ривожлантиришнинг бошланнич даражасини, балки маълум бир вақт ичда унинг канчалик ўзгариши хақидаги маълумотлар ўрганилиб чиқилган.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются основы акробатики в гимнастике с целью развития и воспитания физических качеств таких как гибкости у девочек 6-7 лет, для обучения школьников самостоятельно определять уровень физической подготовленности и планировать необходимые комплексы упражнений для развития физических качеств.

## SUMMARY

This article examines the basics of acrobatics in gymnastics in order to develop and nurture the flexibility qualities of 6-7 year old girls, to teach students to independently determine the level of physical fitness and plan the necessary exercise complexes, the initial level of physical ability development, but how much it changes over time.

---

## MAKTAB O'QUVCHILARI JISMONIY MADANIYATINING MAQSAD VA VAZIFALARI

*Nurmatov F.A.*

*Chirchiq davlat pedagogika instituti Jismoniy madaniyat kafedrasi mudiri v/b.*

**Tayanch so'zlar:** jismoniy madaniyat, dars, fan, o'quvchi, baho, maxsus, Algomish va Barchinoy maxsus testlari,jismoniy tarbiya,adob-axloq,iroda.

**Ключевые слова:** физическая культура, урок, наука, ученик, оценка, специальные, Альпомышские и Барчинские специальные тесты, физкультура, этикет, воля.

**Key words:** physical culture, lesson, science, student, assessment, special, Algomish and Barchinoy special tests, physical education, morality, will.

Maktabda jismoniy madaniyat darsi maxsus fan va dars asosida tashkil qilinadi hamda o'qitiladi. Bu dars hamma fanlar qatori o'rta ma'lumoti haqidagi etukli shaxodatda o'zlashtirish haqidagi baho bilan belgilanadi.Fanning asosiy vazifasi – o'quvchilarni har tomonlama jismoniy ta'limga erishtirish. Jumaladan: har tomonlama jismoniy qobiliyatlarini tarbiyalash va rivojlantirish, sog'ligini mustahkamlash, govda tuzilishini takomillashtirish. Jismoniy madaniyat dars jarayonida jismoniy madaniyat haqida ma'lum nazariy bilimlarni berish bilan birgalikda o'quvchilarga davlat dasturida ko'rsatilgan jismoniy harakat kila olish va malakalarini hamda gegenik va tashkilotchilik qobiliyatlarini shakllantirishdan iboratdir. Jismoniy madaniyat darsi umumiylar tarbiya bilan bevosita bog'langan bo'lib, o'quvchilarni har tomonlama rivojlantirish bilan birgalikda ijtimoiy ongni rivojlantirish, axloqiy tomonidan tarbiyalash, irodaviy sifatlarini tarbiyalaydi, hamda mehnatga bo'lgan ehtiyojlarini mustahkamlaydi.Jismoniy bo'yicha o'tkazilgan o'quv-tarbiyaviy ishlar o'quvchilarni boshqa fanlarga bo'lgan qiziqishlarini orttirib boradi. Dars jarayonida shakllangan harakat, ko'nikma va tarbiyalangan jismoniy sifatlarni o'quvchilarga o'qish, mehnat qilish,sur'atini oshirib boradi. O'z navbatida maktabda o'qitiladigan boshqa fanlar ham jismoniy madaniyat darslarini yaxshiroq o'zlashtirishga yordam beradi.O'rta maktabda jismoniy tarbiya quyidagi shakllarda amalga oshiriladi.Jismoniy madaniyat dars, asosiy shakli.Maktabda kunlik rejimida faol dam olish. Sinfdan va darsdan tashqari

ishlar. Maktabdan tashqaridagi muassasalarda yMaktabdan tashqaridagi muassasalarda ya'ni to'garaklar BO'SMDa o'quvchilar dam olish sport oromgohlarida, aholi zich yashash joylarida va bohsqalar. Oilada o'tkaziladigan jismoniy tarbiya: kun tartibidagi ishlar quyidagicha jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanish o'yinlari. Harakatli sport, sayohatlar, dam olish kunlarida ommaviy musobaqalar o'tkazish. Maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya vazifalari «Umumta'lim o'rta maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiyasiga» haqidagi Nizomda ko'rsatilgan.Maktab o'quvchilarning jismoniy tarbiyasini amalga oshirishda maktabning barcha pedagogik jamoasi katta rol o'ynaydi. Bu masalada birinchi navbatda jismoniy tarbiya o'qituvchisi, maktab direktori, maktabni jismoniy madaniyat va sport bo'yicha o'rinosari, sinf jumhuriyati, maktabda ota-onha jamoalari bu masalada asosiy shaxslar hisoblanadi. Boshlang'ich maktab o'quvchilar uchun jismoniy tarbiya bo'yicha sinfdan tashqari ishlarga quyidagilar kiradi: umumjismoniy tayyorgarlik guruhi, shuningdek, sport turlari bo'yicha shu'balardagi mashg'ulotlar. Sinfdan tashqari ishlarda turli shakllardagi mashg'ulotlar mazmuni va o'quvchilarining yoshiga qarab, sinf guruhlarga ajratiladi. Sinfdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida badantarbiya darslaridagi kabi, o'quvchalarga hayotiy zarur bo'lgan mehnatsevarlik, tirishqoqlik, sobit qadamlik, qat'iyatlik fazilatlari tarbiyalana borada. Uning asosiy vazifalari quyidagilardir: ta'lim-tarbiya vazifalarini hal etishga ko'maklashish: o'quvchilar sog'ligini mustahkamlashga, organizmini chiniqtirishga, ularning har tomonlarga jismoniy rivojlanishi va tayyorgarligiga yordam berish. bolalarning badantarbiya darslarida oladigan bilimlari ko'nikma va malakalarini chuqurlashtirish hamda takomillashtirish; boshlang'ich maktab o'quvchilarida tashkilotchilik kurtaklarini paydo qilish va uni rivojlantirish; o'quvchilarini yaxshi xordiq chiqarishlarini uyushtirish. bolalarda badantarbiya va sport bilan doimo shug'ullanishga shiyoq uyg'otish. Bolalar bilan olib boriladigan sinfdan tashqari ishlarning asosiy mazmuni badantarbiyaga oid o'quv dasturi materiali hisoblanadi.Bu materiallardan o'quvchilarining turli mashqlarni odatdag'i va murakkab sharoitda, xususan, dalada bajarish ko'nikmasi va malakasini takomillashtirish maqsadida foydaliladi. Badantarbiya jamoasi va to'garaklariga umumiyl jumhuriyatilik jismoniy tarbiya o'qituvchisi zimmasiga yuklatiladi. O'quvchilar to'garak va badantarbiya jamoasiga o'zları xoxlab kiradilar, buning uchun og'zaki ariza berish kifoya. To'garak azolarining umumiyl majlisida kengash a'zolari saylanadi. Bu kengash barcha ishlarni yoshlar tashkiloti bilan chambarchas aloqada, maktab direktori nomidan tasdiqlangan reja asosida tashkil etadi va olib boradi.

Maktabdagi barcha sinfdarda badantarbiya tashkilotchilari saylanadi. Ular sinf jumhuriyatlari boshchiligidagi ish olib boradidir, o'z sinfdoshlarining maktabda o'tkaziladigan turli ommaviy jismoniy tarbiya va sport tadbirdarida qatnashishlarini uyushtiradilar. Jismoniy tarbiya to'garagi.Jismoniy tarbiyatagi sinfda tashqari ishlarning asosiy shakllaridan jismoniy tarbiya to'garagidir.To'garakning hamma ishlari o'quvchilar tashkiloti bilan birgalikda tasdiqlangan reja asosida olib boriladi.Har bir sinfda badantarbiya tashkilotchisi saylanib u o'quvchilarini jismoniy tarbiya to'garagining tadbirdarida qatnashishga jalb etadi. Boshlang'ich maktabdagi sharoit va shug'ullanuvchilarining miqdoriga qarab to'garakni tashkil qilish shakllaridan biri tanlanadi. To'garakni tashkil qilish har bir sinf uchun alohida yoki o'quv materialini o'zlashtirishda orqada qolayotgan barcha boshlang'ich maktab o'quvchilarini uchun alohida bo'ladi. To'garak ichida 20-30 kishidan iborat bo'lgan o'quv guruhlari ajrataladi Mashg'uлат haftasiga bir-ikki marta 45 daqiqazal o'tkaziladi. Vazifalar: a) kichik yoshdagi maktab o'quvchilarini harakatlanish rejimini faollashtirish. b) o'quvchilarining maxsus bilimlari va harakat ko'nikmasi ko'lagini kengaytirish. v) jismoniy mashq mashg'uлатlariga bo'lgan qiziqishlarini shakllantirish. Mashg'uлат mazmuni, yo'nalishi o'quvchilarining har tomonlama jismoniy rivojlanishi,

ularning «harakatlar maktabi»ni egallashlari, to'g'ri qad-qomatni shakkantirsh, o'quv dasturi materialini sifatlari o'zlashtirishni ta'minlashi kerak. Mashg'ulotga maktab dasturidagi asos qilib kiritiladi, lekin ular murakkablashtirilgan sharoitda va ko'proq o'yin shaklida bajariladi. Masalan, saflanish mashqlari, vaqtini chegaralash bilan umumirivojlantiruvchi mashqlar tananing har xil qismilari harakatlarini qo'shib olib borish va boshqalar. Harakat sifatlarini rivojlantirish uchun darsga nisbat o'yinlar va sport musobaqlarini unsurlari estafetasi keng qo'llaniladi. Buning uchun joylarda o'yinlarni sayr bilan o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Vositalarni qo'llash majmuali tavsiyaga ega. Mashq turlarini yillik rejalahtirishda taqsimlash dastur materialidagi majburiy darslar ketma-ketligiga qarab belgilanadi. Umumi jismoniy tayyorgarlik shu'basi «badantarbiya Fani bo'yicha qo'shimcha ish shakllaridan biri va ixtisoslashtirilgan sport mashshulotlariga o'tish bosqichi hisoblanadi. U yoki bu sport turlari ixtisoslik uchun bolalarning jismoniy tayyorgarligini yaxshilash, qiziqish va imkoniyatlarini aniqlash maqsadida tuziladi. Shu'baga qabul qilinganlardan yoshi va jinsi, jismoniy tayyorgarligi darajasiga mos ravishda 20-25 kishidan iborat o'quv guruhlari tuziladi. Mashg'ulot haftasiga ikki marta 45-60 daqiqadan o'tkaziladi. Vazifalari: a) imkonи boricha ko'proq o'quvchilarni tashqillashtirilgan jismoniy mashq mashg'ulotlariga jaib qilish va sport ixtisosligini tanlashga ta'sir ko'rsatish; b) o'quvchilarning jismoniy tayyorgarliklarini yaxshilash va shu asosda o'quv dasturi talabalarini muvaffaqiyatlari bajarishga yordamlashish. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Makamasining «O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qaroriga binoan «Algomish» vaBarchinoy maxsus testlari 2000 yildan boshlab joriy qilindi. «Algomish» vaBarchinoy maxsus testlari O'zbekiston aholisi jismoniy tarbiya tizimining dasturiy va me'yoriy asosidir. Nazorat me'yorlari aholining o'qishga, mehnat faoliyatiga va harbiy xizmatga bo'lgan jismoniy tayyorgarligining umumiy darajasi aniqlanadi. Testlar salomatlikni mustahkamlash, ijodiy va mehnat faolligining oshishiga yordam beradi. «Algomish» maxsus testlari erkaklar, «Barchinoy maxsus testlari esa xotin-kizdar uchun mo'ljallangan. Testlar sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, aholini jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga jaib etish, sog'ligini mustahkamlashga bo'lgan extiyojini qondirishi hamda hayotning turli bosqichlarida jismoniy tayyorgarligini oshirib borish vositasi sanaladi. Shuningdek, testlar jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanishga doir asosiy bilimlar va amaliy ko'nikmalarni egallashga, o'qish, mehnat va dam olish mobaynida jismoniy mashqlarning xilma xil shakllaridan foydalanishga iste'dodli sportchilarni aniqlash va tarbiyalash maqsadida ommaviy sportni rivojlantirishga yordam beradi. «Algomish» testlari 6 yoshdan 60 yoshgacha bo'lgan erkaklar, «Barchinoy testlari esa 6 yoshdan 55 yoshgacha bo'lgan xotin - qizlar uchun mo'ljallangan. Kichik yoshdag'i maktab o'quvchilari uchun «Algomish» vaBarchinoy maxsus testlari uch guruuhga 5-6, 7-8 va 9-10 yoshlilar. Yosh guruuhlariga quyidagi nazariy va amaliy ishlarni amalga oshirishlari kerak.

### 5-6 yoshlilar

1. Bilish. Aqliy va jismoniy ish qobiliyatini oshirishda jismoniy tarbiyaning ahamiyati. O'quv kun tartibida jismoniy mashqlar. Ovgatlanish tartibi va jismoniy mashg'ulotlardan oldingi ovqat tartibi. Jismoniy mashg'ulotlar paytida muhofaza qoidalari. Chiniqish va uning shartlari «asosiy manbalari».

2. Bajarish. Ertalabki badantarbiya mashqlarini bajarish Sport sektsiya mashg'ulotlarida o'zini o'zi himoya qilish. 6-10 yoshli maktab o'quvchilari uchun tubandagi sinov va me'yor turlari tavsija qilingan. Yugurish - 30 m, poyga - 100 m, mokisimon yugurish - 3x10 m Sakragichda sakrash Ko'p sakrashlar Kichik koptokni

nishonga va uzoqqa uloqtirish Joyidan va yugurib kelib, uzunlikka sakrash, Gimnastika narvoniga tirmashib chiqish. Suzish Osilish va sakrashlar Yaylovlargalga sayr qilish, 3 km sayr Arqonga osilib chiqish Turnikda osilib qo'l-oyoqni chalishtirib o'tish. Barcha sinov me'yor turlari talablari «hisobga olish» va Nishon uchun» bajariladi, ya'ni «Hishon uchun» me'yorlari talablari bajarganlarga ko'krak nishonlari beriladi. Sport shu'balari bip sport turida shug'ullanishni xoxlochilar uchun tuziladi. Vazifalar: a) tayyorgartigi yaxshi bo'lgan o'quvchilarni muntazam sport mashg'ulotlariga jalg qilish, b) o'quvchilar qobiliyatining tanlangan sport turida takomillashuviga yordam berish va shu asosda sport ixtisosi «kvalifikatsiyasi» talablarini bajarish; v) o'quvchilarni tuman «shahar» musobaqalarida maktab jamoasida qatnashish uchun tayyorlash, g) musobaqada xakamlik va instruktur yo'riqchiylik ishlari bo'yicha bilim va malakalarini egallashlariga yordamlashish. Shu'balarni tuzishda mashg'ulotlarni uyushtirish soddaligi bilan farq qiladigan, qimmatbaho va murakkab jihozlarni talab etmaydigan, o'quvchilar ommaviyligini taminlaydigan, shug'ullanuvchilarning har tomonlama tayyorgarligiga imkoniyat yaratadigan, amaliy ahamiyatga ega hamda o'quv dasturi mazmuni bilan bog'liq bo'lgan sport turlariga asosiy o'rinn berilmogi kerak. Shu'baga asosiy tibbiy guruh o'quvchilari «vrachdan mashg'ulotga ruxsatnomalar qabul qilinadi. Saralash tanlovini o'tkazish maqsadga muvofiq emas, bu o'quvchilarning sport ixtisosligini tashlashini chegaralaydi va sinfdan tashqari ishlarning vazifalariga zid hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. A.D.Novikov, A.P.Matveev Jismoniy tarbiya nazari va metodikasi. Toshkent «O'qituvchi» 1982 yil.1 том.
2. V.M.Kakashkin. Jismoniy tarbiya metodikasi. Toshkent «O'qituvchi» 1982 yil.
3. Jismoniy madaniyat dasturi. Toshkent 1998 yil
4. I.A.Karimov. Buyuk maqsad yo'lidan og'ishmayilik. Toshkent «O'zbekiston» 1993 yil.
5. I.Karimov. Halollik va fidoyilik - faoliyatimizning asosiy me'zoni bo'lsin. Toshkent «O'zbekiston» 1994 yil
6. I.Karimov. Yuksak Mutaxassislar - taraqqiyot omili. Toshkent «O'zbekiston» 1995 yil.
7. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent 1997 yil.
8. Umumiy o'rta ta'limming davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Toshkent 1999 yil, 6-maxsus son.
9. L.P.Matveev. TeoriyaimetodikafizicheskoykulturniM. «FIS» 1997 yil.
10. B.A.Ashmarin. TeoriyaimetodikafizicheskogovospitaniyaM. Prosveshenie 1990 yil.
11. I.UsmonsojaevT. S. Jismoniytarbiyadarssimateriallari «O'qituvchi» 1975 yil.
12. L.P. Matveev. Vvedenie v teoriyu fizicheskoy kulturi.
13. Yu.M.Yunusova. Sport faoliyatining nazoriy asoslari. Toshkent 1994 yil.
14. N.A.B.Keneman, D.V.Xuxlaeva. Maktabgacha tarbiya yoshdag'i bolalarni jismoniy tarbiyalash nazariyasi va metodikasi. Toshkent. «O'qituvchi» 1988 yil.

РЕЗЮМЕ

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Makamasining «O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantrish chora-tadbirlari to'g'risidagi qaroriga binoan «Alpomish» va Barchinoy maxsus testlari 2000 yildan boshlab joriy qilindi. «Alpomish» va Barchinoy maxsus testlari O'zbekiston aholisi jismoniy tarbiya tizimining dasturli va me'yoriy asosidir.

РЕЗЮМЕ

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и спорта в Республике Узбекистан « 2000 года введены специальные тесты» Алпомыш « и «Барчинойский». Специальные тесты» алпомыш « и «Барчиной» являются программной и нормативной основой системы физического воспитания населения Узбекистана.

SUMMARY

In accordance with the decision of the President and the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on measures for further development of physical culture and sports in the Republic of Uzbekistan, special tests «Alpomish» and Barchinoy were introduced in 2000. Alpomish and Barchinoy special tests are the program and normative basis of the system of physical education of the population of Uzbekistan.

## КУРАШ ФАЛСАФАСИ ВА ИЛМИНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎРГАТИШ ХУСУСИДА

*Адизов Б.Р.*

*п.ф.д., профессор Бухоро ДУ*

*Абдулахатов А.Р.*

*доцент в.б. Тош.вил. ЧДПИ*

**Таянич сўзлар:** кураш фалсафаси, илм, таълим тизими, ёшлар, интеллектуал, усул, умумтълим мактаблари.

**Ключевые слова:** философия борьбы, наука, система образования, молодежь, интеллектуальная, методическая, общеобразовательные школы.

**Key words:** philosophy of struggle, science, education system, youth, intellectual, methodical, general education schools.

Давлатимиз томонидан мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва интеллектуал салоҳияти килиб вояга етказишга устувор вазифа сифатида эътибор каратилмоқда. Таълим тизимидаги кенг кўламли ислоҳотлар “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири” ва катор муҳим ҳужжатлар хаётга боскичма-боскич тадбик этилиб, соҳанинг барқарор суръатлар билан ривожланишида, таълим самарадорлигининг ошиб боришида мустаҳкам омил бўлди. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маданий-тарихий анъаналярига, урф - одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий-педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш кераклиги кўрсатилган. Шунинг учун ҳам бутун мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида: боғча, умумтаълим мактабларида, лицей, коллежларда, Олий таълим муассасаларида, БўйСМ, ИОЗМИ, олий спорт маҳорати мактабларида курашни ўргатиш, юксак спорт санъати маҳоратига эришиш ва уни янада ривонжлантиришга катта эътибор берилмоқда

Президентимизнинг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривонжлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Қарорида сўнгти йилларда эришилган натижалар билан бирга мазкур спорт турининг янада ривожланишига тўскинилк қилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш, курашни аҳоли, айниска, вояга етмаганлар, ёшлар ўртасида янада ривожланириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб килиш, жаҳон спорт майдонида юқори натижаларга эришишни таъминлаш бўйича катор вазифалар белгилаб кўйилди.

Кураш фалсафаси- бу аввало, ҳар бир ёш ўзининг ғурурини, ору-номусини рақиб ва мұхлислари олдида кучи, илмини ишлатиб ҳимоя қилишдан иборат ҳаққоний баҳсласишилди. Ана шу жараён кейинчалик, ҳар бир ёшда миллата, мамлакатга бўлган меҳр-садокатни, фаҳрни, ғурурни ҳам шакллантиради. Бундай жараёнда вояга этишган инсонлар миллата ва юргита садокатли кишилар бўлиб вояга етадилар.

Кураш фалсафаси кенг қамровли ва кўп кирралидир. У жисмоний маданиятнинг маънавий асослари масаласи билан уйғунлашиб кетади. Бу борада мамлакатимизнинг бир катор олимлари изланишлар олиб борганлар. Ҳусусан кураш илмини ўрганиш ва унинг фалсафи, ижтимоий ва маънавий асосларини ёритиб бериш борасида муайян даражадаги тажриба тўпланганди. Ж.Т.Турсунов, Х.Т.Рофиев, Ў.И.Иброҳимов, Ж.Тошпўлатов, А.Қ.Атоев, Т.Одилов, О.Тоймуровдов, Ж.Нуршин Ф.Қ.Аҳмедов

каби олимлар ишларида кураш фалсафаси ва унинг педагогик аҳамияти тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Республика ва ҳалқаро миқёсидаги кўплаб анжу-манларда қилинган маъruzalarda мавзуга тегишили фикр-мулоҳазалар билдириб ўтганлар.

Курашнинг тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Кураш асрлар мобайнида мардлик, инсонийлик фалсафасини тарғиб қилиб келган. Кураш қоидаларида мардлик, ҳалоллик, тўғрилик, голиблиқ ва мағлубиятни тан олиш, гиламни, рақибни, мураббийларни, томашабинларни, ҳакамларни хурмат қилиш каби спорт этикаси ва фалсафаси сингдирилган спорт тури ҳамdir.

Кураш адолатли усул билан мақсадга эришишни англатади. Маълумки, мазкур спорт тури кўп асрлар мукаддам Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган. Юон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” ҳамда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарларида у билан шугулланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, руҳини тетиклаштиришда катта аҳамиятта эга эканлиги ҳақида фикр юритилган. Бинобарин, ўн тўрттинчи асрда ёк Амир Темур ўзининг музafferар кўшинида жисмоний тайёргарлар ҳамда мудофаа кобилиятини кучайтиришда курашдан унумли фойдаланган.

Кураш пайдо бўлиши билан энг оммабоп спорт турларидан бирига айланди. Хусусан, тўйю томошалар, Наврўз байрамларида кураш машхур кўнгилочар ўйинлар қаторидан жой олган. Шу боис унинг техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келяпти.

Кураш пайдо бўлиши билан энг оммабоп спорт турларидан бирига айланди. Хусусан, тўйю томошалар, Наврўз байрамларида кураш машхур кўнгилочар ўйинлар қаторидан жой олган. Шу боис унинг техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келяпти.

Курашнинг ривожланиши нафақат ёшлар ўртасида, балки қариялар ўртасида ҳам ташкил этилиши, шуғуланувчилар ўртасида маънавий соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришга олиб кельмоқда. Кураш бўйича мураббийлар томонидан нафақат натижалар орқасидан қувиши, балки кураш маънавиятимизнинг ва қадриятимизнинг ажралмас кисми бўлганлиги туфайли ҳам ёшлар ўртасида кураш маънавияти, фалсафаси боскичма-боскич шакллантирилиб борилмоқда.

Курашнинг шахс тарбиясидаги ўрни, унинг педагогик аҳамияти юкори даражада. Мазкур фикрларни тўлақонли тасдиқлаш учун кураш қоидаларида назарда тутилган ҳолатларни тавсифлаш ўринли.

Кураш спорт тури ор-номус ҳалоллик, ватанпарварлик, олийжанблиқ, бағрикенглиқ, каби ҳалқимизга хос фазилатларни ўзида мужассам этгани билан алоҳида аҳамиятлидир. КХА ва унга аъзо Осиё, Океания, Европа, Африка, Панамерика Кураш конфедерациялари томонидан кураш бўйича жаҳон ва китъя чемпионатлари, ҳалқаро турнирлар юқсан савиция ташкил этилмоқда. Бу миллӣ спортизм анъаналарини дунё бўйлаб тобора кенг тарғиб этишида мухим аҳамият касб этмоқда.

Кураш, албатта, икки кишининг ўзаро куч синаши, бири иккинчисини енгиш учун қиласиган ҳаракатларгина эмас, бунинг ўз фалсафаси, мазмуни, моҳияти бор. Унга мардонаворлик хос, у полвонни, енгиши, енгилишидан катъий назар, хурмат қиласиган спорт туридир.

Кураш машғулотлари ва мусобақалари том маънодаги фалсафий асосларга эга. Унинг мухим жihatи шундаки, бунда шахс биринчи ўринга кўйилади. Шу сабабдан ҳам курашназарияси ва амалиётидаги инсон ва унинг баркамол авлод бўлиб вояга этиши ўйғунлаштирилган.

Курашнинг бу қадар ривожланишига сабаб, биринчидан кураш миллӣ

қадриятимиз бўлганлиги бўлса, иккинчидан, кураш ҳар бир ёшдаги спортчига, спорт мухлисларига кураш фалсафасини шакллантириб, уларда ички руҳий тарбияни ривожлантиришда ҳамда ўзлигини ҳис этишда аҳамиятли педагогик жараёндирдир.

Кураш ғоялари ва тамойиллари адолатли бўлганлиги учун ҳам инсондаги хис-туйгуни юкори даражага кўтаради. Кураш халқимизнинг конида, ирсиятида мужас-сам бўлганлиги туфайли шахс маънавий тарбиясига бевосита алоқадор.

Кураш кўпроқ куч эмас, ақлий салоҳият, маънавий қарашлар мажмуи эканини шундан билиш мумкин-ки, полвонлар жамиятда оғир-босиқлик, тантлилк тимсоли, шунга содик бўлишга интилади. Ўзбек тилида «полвон» сўзи ҳар доим тантлилк, мардлик, жумардлик каби сўзларнинг синоними бўлиб келган.

Курашчилар тўғрисида азал-азалдан ривоятлар тўкилган. Полвонлик халқимизга кўхна замонлардан, олис аждодларимиздан қолган улуг меросдир. Бугун ҳам ана шу мерос миллий қадрият авлодлар қўлида эъзозланмоқда ва эъзозланиб қолаверади. Тарихда полвонларни эл юрг эъзозлаб қадрини баланд кўтариб келган. Бизнинг замонамиз баҳодир ва химоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва халқимиз уларни меҳр билан парвариш килиб келмоқда. Аввало курашчиларнинг бир-бирига таъзим килишлари инсоний фазилатларнинг энг муқаддаси бўлган хурмат белгисидир. Курашчилар кураш гиламидагина ракиб эканлигини билгани холда бир-бирига таъзим килишади. Уларнинг бундай муносабатлари замирида инсонга бўлган хурмат мушжассамлашган. Аслида «кураш» сўзи ҳалоллик ва тўғриликини ифодалайди. Кураш орқали жаҳон спорт майдонларида ўзбек сўзлари жаранглаётгани хақида кўп айтилади. Асосийси, ушбу сўзлар ифодалайдиган маънода. Курашда полвон олиши мумкин бўлган энг юкори баҳо-»Халол». Курашимиз кадимдан ёшли-римизни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаб келган бўлса, энди 130 дан ортиқ мамлакат ёшлиарини ҳар томонлама маънавий, илмий, фалсафий ва жисмоний ривожланишларига хизмат килиб келмоқда.

- ✓ Ўтказилган тадқикодларга кўра шундай хулосаларга келинди;
- ✓ Кураш қоидалари ва фалсафаси инсонпарварлар ғояларига асосланган;
- ✓ Кураш энг самарали ва намунали тарбия воситаси;
- ✓ Курашнинг мардлик, жасурлик, ҳалоллик, камтарликни талаб этадиган спорт тури;
- ✓ Кураш спортчидан жисмоний жихатдан ўта даражада стукликни талаб этади;
- ✓ Кураш спортчидан маънавий баркамолликни талаб этади;
- ✓ Кураш фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёга ўргатишни талаб этади;
- ✓ Кураш спорти шахс маънавий тарбиясига бевосита алоқадорликни талаб этади;
- ✓ Кураш техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келувчи спорт тури эканлигини;

Олиб борилган тадқикодларга таяниб куйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- ✓ Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тайёрланадиган мутахасисларга кураш усуслари ва унинг тарбиявий хусусиятларини сингдириш;
- ✓ Курашни мактаб, академик лицей, Олий ўкув юртлари талabalари жисмоний тарбиясига янада кўпроқ тадбик этиш;
- ✓ Курашнинг тарбиявий ва фалсафий жихатларини чуқур ўрганиш;
- ✓ Таълим тарбия жараённада кураш спорт турини илмий – назарий таххил этиш;
- ✓ Курашимиз кадимдан ёшлиаримизни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаб келган

Жисмоний маданият тизимини янада такомиллаштириш, уни жахон андозалариға якынлаштириш орқали миллый спорти турмиз кураш-Осиё, жахон, олимпия ўйинлари сари одимлаб юксак поғоналарга кўтарилимоқда.

Хулоса килиб айтганда, кураш спорт тури бўлиши билан биргаликда инсон маънавий –ахлоқий тарбия воситаси хамдир. Таълим-тарбия, спорт мусобакалари жараёнларида ёшларга кураш миллатимизнинг фаҳри, ифтихори эканлигини, унинг шахсни ҳар томонлама маънавий, жисмоний уйгун ривожлантиришда туттган ўрни вайлмий маълумотлардан кенг фойдаланиш максадга мувофиқ хисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кураш» Миллый спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. 2017 йил 2 октябрь.
2. Т. Ачилов. Миллыйкураштурлари техникасиватактикаси. Тошкент. 2014 йил.
3. Ахмедов Ф.Қ, Абдулаҳатов А.Р.”Ўзбек кураш миллый ва умуминсоний қадриятлар дурдонаси”. Тошкент 2017 йил.
4. Х. Бобобеков [ва бошқалар]. “Ўзбек кураши довруғи” Тошкент., 2002 йил.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада кураш фалсафаси ва илмини таълим тизимида ўргатиш хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается преподавание философии борьбы и науки в системе образования.

SUMMARY

This article discusses the teaching of wrestling philosophy and science in the education system.

## KURASHCHILARNING SPORT MAHORATINI OSHIRISHDA TEXNIK HARAKATLARINI VA JISMONIY SIFATLARINING O'RNI

Xudoyberganov J. S.

CHDPI

**Tayanch so'zlar:** kurash, texnik, sport, musobaqa, g'alaba, natija, tizimi, yaxlit, harakat, maqsad, ko'nikma, malaka.

**Ключевые слова:** борьба, техническая, спорт, соревнование, победа, результат, система, целое, движение, цель, мастерство, квалификация.

**Key words:** struggle, technical, sport, competition, victory, result, system, whole, movement, goal, skill, qualification.

Texnik tayorgarlikning asosiy maqsadi sportchida musobaqada g'alabaga erishish yoki yuqoriyoq natijani ko'rsatish maqsadida sport bellashuvini to'g'ri tashkil qilish hamda olib borish qobiliyatini tarbiyalashdan iborat. Sport texnikasini egallash jarayonida bir qator xususiy vazifalar hal qilinadi. Sportchi:musobaqa vaziyatini shunday qabul qilishi va taxlil qilishi lozimki, ushbu vaziyatdan kelib chiqadigan texnik vazifalarini tushuna bilishi hamda qisqa vaqt ichida uni hayolan va harakat bilan hal etishi zarur;

- musobaqada o'z kuchidan shunday foydalanishi kerakki, raqib ustidan g'alaba qozonish maqsadida, uni oxirigacha safarbar qila olishi lozim;
- o'satdan o'zgarib qolgan vaziyatlarda bellashuv rejasini mustaqil o'zgartira olishi kerak;
- texnik tayorgarlikning asosiy vazifalari;
- texnik bilimlarga ega bo'lish;
- texnik ko'nikmalarni egallash;

- texnik malakalarga egabo‘lish.

Texnika vositalariga qat’iy belgilangan xarakat tuzilmasi va ularni namoyon qilish uchun zarur jismoniy sifatlar darajasi bilan ifodalanadigan sportchilar harakatlari kiradi Sport texnikasini egallah jarayonida bir qator xususiy vazifalar hal qilinadi. Sportchi:musobaqa vaziyatini shunday qabul qilishi va taxlil qilishi lozimki, ushbu vaziyatdan kelib chiqadigan texnik vazifalarni tushuna bilishi hamda qisqa vaqt ichida uni hayolan va harakat bilan hal etishi zarur;

- musobaqada o‘z kuchidan shunday foydalanishi kerakki, raqib ustidan g‘alaba qozonish maqsadida, uni oxirigacha safarbar qila olishi lozim;
- to’satdan o‘zgarib qolgan vaziyatlarda bellashuv rejasini mustaqil o‘zgartira olishi kerak;
- texnik tayorgarlikning asosiy vazifalari;
- texnik bilimlarga ega bo‘lish;
- texnik ko‘nikmalarni egallah;
- texnik malakalarga egabo‘lish.

Texnik usullarni amalga oshirish texnik tayyorgarligining hamma usullari nafaqat mustaqil, balki uyg‘unlashgan holda qatnashishi mumkin (ya’ni usulni amalga oshirish uchun bir xil bo‘lgan qulay sharoitlar bitta emas, balki bir-birini to‘ldirib ketadigan bir qancha usullar bilan tayyorlanadi) qulay dinamik vaziyat mJismoniy tarbiya sohasida pedagogik jarayonni olib boruvchi kishi uni faqat ta’lim va tarbiya tamoyillariga emas, jismoniy qobiliyatlarni rivojlantirish tamoyillariga muvofiq, ravishda ko‘rishi kerak bo‘ladi. Bunda shuni hisobga olish lozimki, jismoniy mashqlarga o‘rgatish tamoyillari yagona talablarни o‘zida aks ettiradi: har qanday pedagogik jarayon onglik, faollik va boshqa tamoyillar asosiga qurilishi zarur. Ammomazkur tamoyillarning aniq ro‘yobga chiqarilishi (ya’ni vosita hamda usullarning tanlanishi)hal etiladigan vazifalarga (o‘rgatishning, yoki jismoniy qibiliyatlarni rivojlantirishning vazifalariga) muvofiq bo‘lishi shart. Deylik, harakat faoliyatini o‘rgatishda tadrijiylik tamoyili hozirlovchi mashqlar tizimi ko‘rish orqali, jismoniy qibiliyatlarni rivojlantirishda esa jismoniy yuklama tizimi ko‘rish orqali amalga oshiriladiurakkab hujumning birinchi qismi (birinchi usul) bilan yaratilishi mumkin.

Demak, jismoniy qibiliyatlarni rivojlantirishning har qanday usuliyati didaktik tamoyillarning o‘ziga xos tarzda amalga oshirilishimi ko‘zda tutishi lozim. Harakatlarga o‘rgatish o‘rganuvchiga berilayotgan jismoniy yuklamalarning ta’siriga bog‘liq ekan, organizmning taxmin qilinayotgan yuklamalarga javob tasiri qonuniyatlarini hisobga olish ehtiyoji paydo bo‘ladi. Shuning uchun ham insonning holati bilan jismoniy yuklamalarning ularni vaqt nuqtai nazaridan tashkil etish bilan bog‘liq tarzdagи aloqalariqonuniyatlarini ifodalovchi alohida, o‘ziga xos tamoyillar mavjud. Mazkur tamoyil insonning jismoniy qibiliyatlarini rivojlantirish uchun jismoniy mashqlar bilan muntazam shug‘ullanishi zaruriyatini ko‘zda tutadi. Chunki qibiliyatlar, avvalo, o‘zlar ni namoyon bo‘ladigan faoliyat jarayonida rivojlanadilar va takomillashadilar. Mazkur tamoyil asosida shunday qonuniyatlar yotadiki, ular inson organizmida harakat hamda faoliyatlarining takroriy ta’siri, ishchanlik qobiliyati tiklanishining har bir bosqichida ish va dam olishning turlicha navbatlashuvi qanday aks etishini, shuningdek, mashg‘ulotlarorasida o‘zini oqlamaydigan darajadagi uzoq muddatli tanaffuslar yuz berganda, qibiliyatlar rivojining qaytariluvchanligini tavsiflaydi. Jismoniy qibiliyatlarni rivojlantirishdata’sirotlarning mustaqilligi alohida dars doirasida u yoki bumashqlarini zarur tartibda bajarish, shuningdek, ma‘lum vaqtmobaynida (xafta, oy, chorak, yil vah.k.) dars va ular orasidagi damolish oraliqlarinito‘g‘ri navbatlash orqali ta’minlanadi.

Kurashchilar tayorgarligi tizimi - yaxlit birlikni tashkil qiluvchi va maqsadga

erishishga yo'naltirilgan o'zaro bog'lqo bo'lgan elementlar yig'indisidir, ya'ni bu jahoning kuchli kurashchilarining model tavsiflariga javob bera oladigan va eng yuqori natijalarini ko'rsatishga qodir sportchilarni tayyorlashga qaratilgan tadbirlar kompleksidir. Kurashchining mashg'uloti - bu tayyorgarlik tizimining tarkibiy qismidir, yuqori sport natijalariga erishishga qaratilgan tizimlashtirilgan vositalar hamda uslublar yordamida sportchi rivojlanishini boshqarishning pedagogik jihatdan tashkil ettilgan jarayonidir. Mashg'ulot faoliyat - mashg'ulot maqsadlariga muvaffaqiyatli erishish bo'yicha murabbiylar jamoasi hamda kurashchilarning birqalikdagi faoliyatidir. Sport musobaqalari-kurashchi tayyorgarligi tizimining tarkibiy qismidir. Ular mashg'ulot maqsadlari hamda uning samaradorligi mezonini bo'lib xizmat qildi, boshqa tomondan esa, ular maxsus musobaqa tayyorgarligining samarali vositasi hisoblanadi. Sportchining texnik tayyorgarligi - kurashchining musobaqa faoliyatida yuqori ishonchliliginini ta'minlaydigan harakat malakalarini egallashga qaratilgan pedagogik jarayondir.

Tajriba va nazorat guruh kurashchilarining tayyorgarlik ko'rsatkichlari va o'rtacha qiymatlarning qiyosiy ma'lumotlari

№	Test sinovlari	Tajriba g.boshida			Nazorat g. boshida			P
		X	b	V%	X	b	V%	
1	30 metrga yugurish (sek).	4,72	0,41	8,69	4,69	0,37	7,89	t
2	Joyidan uzunlikka sakrash (m)	2,09	0,23	11,00	2,12	0,22	10,38	>0,05
3	Oyoqsiz arqonga tirmashibchiqish 5m. (marotaba)	2,07	0,23	11,11	2,11	0,24	11,37	>0,05
4	Stanometr ko'rsatkichi	117,9	9,99	8,47	117,6	8,74	7,46	>0,05
5	Og'irligi bir bo'lgan kurashchini belini ushlab yuqoriga kutarishlar	28,95	2,79	9,64	29,29	2,75	9,39	>0,05
6	Og'irligi bir bo'lgan kurashchi bilan o'tirib-turishlar (soni)	28,99	2,81	9,69	29,12	2,96	10,16	>0,05
7	otganholatda, og'irligi bir bo'lgan shtangani ko'tarishlar	8,98	1,03	11,47	8,81	0,88	9,99	>0,05
8	Turnikda tortilish (marotaba)	30,13	2,39	7,93	29,71	2,27	7,64	>0,05

## Adabiyotlar:

1. Xadjayev P., Achilov T. Kurash va yakka kurash, - o'quv qo'llanma Toshkent 2013 yil.
2. Xudayarov Sh., Achilov T. Milliy kurashning o'qitish metodikasi, - o'quv-uslubiy qo'llanma Toshkent – 2016 yil.
3. Abdullayev Sh., Xolmurodov I. Erkin kurash, - o'quv-uslubiy qo'llanma Toshkent – 2017 yil.
4. Atoyev Q. O'quvchi yoshlarni o'zbek kurashiga o'rgatish usuliyoti, - o'quv qo'llanma Toshkent 2005 yil.

PE3IOME

Kurashchilar tayyorgarligi tizimi - yaxlit birlikni tashkil qiluvchi va maqsadga erishishga yo'naltirilgan o'zaro bog'lqo bo'lgan elementlar yig'indisidir, ya'ni bu jahoning kuchli kurashchilarining model tavsiflariga javob bera oladigan va eng yuqori natijalarini ko'rsatishga qodir sportchilarni tayyorlashga qaratilgan tadbirlar kompleksidir.

## РЕЗЮМЕ

Система борцовской подготовки представляет собой набор взаимосвязанных элементов, образующих единое целое и направленных на достижение цели, то есть на подготовку спортсменов, которые могут соответствовать модельным характеристикам сильнейших борцов мира и показывать лучшие результаты, целенаправленной деятельности.

## SUMMARY

The system of wrestling training is a set of interrelated elements that form a single whole and are aimed at achieving the goal, that is, at training athletes who can correspond to the model characteristics of the world's strongest wrestlers and show the best results. purposeful activity.

---

## ЁШЛАР – ЎСМИРЛАРГА МУВОФИҚ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЖИСМОЙИ МАДАНИЯТ ТУРЛАРИ

**Жұмаев А.Т.**

*ЧДПИ Факультетлараро жисмоний тарбия кафедраси ўқытувчиси.*

**Турдиеев Ф.А.**

*Жисмоний маданият йұналиши талабаси*

**Таянч сўзлар:** жисмоний маданият, спорт, ёшлар, ўсмирлар, моторика күрсаткичлари, предекантлар, саломатлик.

**Ключевые слова:** физическая культура, спорт, молодёжь, подростки, динамическая показания, предеканты, здоровья.

**Key words:** physical Culture, Sports, Youth, Adolescents, Motor Performance Indicators, Predictors, Health.

Мамлакатимизға амалға ошириб келінаётган ислоҳотлар ва ёшларга қаратилған давлат дастурлари бугунги күн ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга стишлари учун муҳим аҳамиятга эга албатта. Шундай экан, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан такомиллаштирадиган энг таъсирчан восита сифатида жисмоний маданият ва унинг муҳим атрибулари ҳисобланади. Жисмоний маданият машғулотларини 5-7 ёшдан бошлаш мумкинлиги айтилади. Лекин уоширилган юклама (жисмоний вазифалар) талаб қилғанлиги туфайли, врач ўкувчига спорт тури-нитанлашга ёрдам бериши ва ёшини күрсатиши кераклиги шарт. Киенғи боскіч сифатида, у шуғулана бошлашига имконият бўлишилиги айтилади. Жисмоний маданият турини тўғри танлаш касалланишни профилактика қилувчи омил ҳамдабир мунча юқори натижаларга эришиш воситаси сифатида ҳам муҳим саналади. Бу даврда танланган спорт ва унинг турига барқарор кизиқишининг ривожланиши узок вақтгача жисмоний маданиятни такомиллаштириш имконини беради. Ҳар бир ўсмир учун спорт турини танлаш спорт, йұналишининг вазифаси саналади. Талаб этиладиган муҳим хусусиятлар – бу морфо-функционал хусусиятлар, физио-логиккүрсаткичлар, жисмоний сифатлар, олий асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан бирга бола ҳамда ўсмириң шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, педагогик, тиббий-биологик, шунингдек, психологик услублардан фойдаланиш шарт. Ўсмир ёшдагиларнинг гиндинвидуал хусусиятлари танланган спорт турига мос келиши керак.

Ёшларнинг жисмоний маданиятга бўлган қобилиягини аниклашда шифокорнинг вазифаси муҳим саналади. Жисмоний маданият врачи ёш спортчининг қобилиягини баҳолашиб мумкин бўлган күрсаткичлар мажмую -

“предекантлар” ўз ичига турғун морфологик ва физиологик тавсифларни олишилиги, мазкур моторика ва анализаторлар ёш спортчининг олий асабий

фаолияти ҳамда шахсифатидаги хусусиятларига доир индивидуал ўзига хослик ҳисобланышлыги мухим аҳамиятга эга. Бунда морфологик күрсаткичлар: бүй - тана узунлиги, оғирлик, тананинг ёлланмаҳажмлари, тананинг фаол оғирлиги, скелет мушаклари толаларининг таркиби ("тезкор" ёки "секинлашувчи" мушаклитолалар) саналади. Шу билан бирга физиологик күрсаткичлар: ўпкаларнинг ҳаётий сифими, нафас олишининг даққидаҳажми, кислород стишмовчилигига турғунлик (гипоксия) ва СО<sub>2</sub> концентрацияси гасезгирлик, хотиржамлик пайтидаги юрак қисқаришларининг сони, зўришишлардан сўнгмаксимал даражадаги кислород истеъмолидир.

Жисмоний маданиятнинг моторика күрсаткичлари: ҳаракатларнинг тезкорлиги, эгилувчанлик, вестибуляртурғунлик, бўшлиқдаги йўналишни топа олиш, нисбатан мушак кучлари алоҳида аҳамиятга эга.

Жисмоний маданиятнинг психофизиологик күрсаткичлар: марказий асаб тизими-нинг ўзига хослиги, темперамент ва шахс сифатидаги хусусиятларнинг ўзига хослиги билан мухимдир.

Жисмоний маданиятнинг мухим босқичи бу спорт тиббиёти соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар томонидан спортмашгулотларини ёшга оид бошлаш меъёрлари, спортга тайёрлаш гурухлари аниқланганлигидир. Жисмоний маданият амалиётига маълум бир тизимни кенг татбик этиши тавсия этилади, бунга мувофиқ ҳолда болалар мактабгача ўщдаги пайтидан бошлаб, спорт биланшуғуллана бошлади. Шунинг учун мактабгача ўща айрим жисмоний сифатларни ривожлантириш анча самаралималга оширилиши исботланган. Биринчи навбатда бу - чаққонлик, эгилувчанлик,

ҳаракатларнинг тезкорлигини тарбиялашга тааллукли деб каралади. Бундан ташқари маълум бир спорт тури биланмунтазам равишда шуғуланиш тана тузилиши, болаларнинг функционал ва жисмоний ривожланнишига катта таъсир кўрсатишигини ҳам инобатта олмоғ лозхим. Айни вақтда спортда юқори натижаларгаянада муваффакиятли эришиш учун «яроклилиқ»ни тўғри аниқлаб олиш мухим аҳамияткасб этади, ундан кўзланган максад - шундай спорт тури танлаб олиниши лозимки, буболанинг жисмоний функционал ва руҳий хусусиятларига кўпроқ мос келишилиги шарт.

Ёшларнинг спорт тайёргарлигини бошлаш, биринчидан, саломатлик ҳолати варивожланишнинг умумий даражаси, ҳамда иккинчидан у ёки бу спорт турининг физиологик тавсифи орқали аниқланишигини ҳам унутмаслик керак. Жисмоний маданият машгулотларини самарали танлаб олиш, болаларнинг хусусиятлари асосидабир қанча омиллар ҳисобга олинишини талаб килишилиги ҳам мухимдир.

Жисмоний маданиятда асосийаниқловчиомиллар кўйдагилар деб каралади:

- Ёшларнинг хоҳиши (буларсиз куйида келтириладиганларнинг биронтаси ҳамаҳамиятга молик эмас; болага, факат ана шу хоҳишини инобатта олган ҳолда, униспортнинг ҳар хил турлари билан таништирган ҳолда, маъқулини топишида ёрдам беришмумкин);
- Ёшлардаги темперамент - холерик: бир турдаги спорт турларидан кочган яхши (бода уларни осонгина ташлаб кетиши мумкин), унинг учун аник ракиблар мавжуд бўлган спорттурларни танлаш лозим, бунда мулокот ҳам бўлади, ҳаракатчанлик ва ўзининг бутунқобилиятини намойиш қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлади; сангвеник: бунда мардлик, чаққонлик талаб қилинадиган спорт турларини танлаш ўринли бўлади, унда каттагина дўстлар давраси ва ўз гайратини яхшигина ташқарига чиқариш имкониятлари (ракслар, футбол) мавжуд бўлади; мелонхолик: бу вазиятда боланинг ички дунёсига ва унинг

нозикрухиятига назар ташлаш мухим хисобланади, демак спортнинг жамоавий турлари, масалан, рақслар, гимнастика, бадий гимнастикани эмас, балки бошқасини танлаш лозимбўлади; флегматик: катта сабр-бардошни талаб киладиган спорт турларини танлашмумкин, масалан, сузиш, чангидаги юришлиги;

- Ёшлардаги дилкашлик даражаси (боланинг хулк-авторига диққат-эътибор қаратиш лозим; увақтини бошқа болалар орасида ўтказишни ёқтиради, бу ҳолда унга спортнинг жамоавий 14 турлари - баскетбол, волейбол, футболни таклиф килинг, агар ёлғизлиқда қолишини афзалкўрса, бу ҳолда сузиш, гимнастика, тенис, велоспортни тавсия килинганлиги);
- бола - бу ўриндамаълум бирёшчегаралариданташқари, ҳарбир секцияда мағнугултарни бошлаши учун боланинг ривож-ланишхусусиятлариниҳамхисобга лишмухим: лоакал 8 ёшгача ёнгумхим мезон - боланинг қоницишхосилқилишидан иб оратбўлиши зарур; 8дан 10 ёшгача - агар бола танловасосида бирнече спорт турларни алмаштириса, бумеърида хисобланади; 11-12 ёшда - мусобақаларга бўлган интилиши, айнан бу чинакам иктидорни кўрсатиш учун яхши ёш саналади;

- Ёшнинг жисмоний маданият билан шугуулланишдан максад (маълум бир спорт секциясини танлаб олишга спортнинг таҳминий максади ҳам таъсир кўрсатишилиги; саломатлик учун ёки катта ютуқларга эришиш учун, балки шунчаки фаолиятнинг ҳар тури бўлиши билан боғликлиги);
- Жисмоний маданиятнинг саломатликнинг ўзига хос хусусиятлари (боланинг саломатлик ҳолати хусусида ва режалаштирилаётган спорт турининг мослиги ҳакида шифокор билан маслаҳатлашиб олиш, унинг тавсияларига кулоқ тутиш, шу жумладан мумкин бўлган юкламалар даражасини ҳам хисобга олиш яхши натижалар беришлиги).

2016 йил 14 сентябрда ёшларга оид давлат сиёсатининг янги таҳрирдаги матнини эълон қилинишилиги бутунги кунда ёшларга (давлат томонидан) қаратилган юксак эътиборни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди.

#### Адабиётлар:

1. Фаниева Ф.В. Баскетбол. Олий ўкув юрглари умумий курс талабаларига мўлжалланган ўкув-услубий кўлланам. ЎзДЖТИ нашириёт бўлими, 2009 й.3 бет
2. И.А.Каримов – «Тинчлик ва хавфсизлнгимиз, ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва катъий иродамизга боғлиқ» 12-Т “Ўзбекистон” 2004.
3. Лубышева Л.И. Социальнароль спорта в развитии общества и социализации личности// lidsportedчи, 2005.с.1.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада жисмоний маданиятнинг бутунги кундаги долзарб аҳамиятта эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашнинг мухим боскичларда амалга оширилиши режалаштирилган масалалар (болалар ва ўсмилар учун) тавсия қилинадиган жисмоний (спорт) харакатлари ҳакида сўз юритилади. Жисмоний (спорт) харакатларини 5-7 ёшлардан бошлашлик ҳакида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются рекомендуемые физические (спортивные) занятия (для детей и подростков), которые планируется проводить на важных этапах воспитания гармонично развитого поколения, что актуально сегодня в физической культуре. Речь идет о начале физических (спортивных) занятий в возрасте 5-7 лет.

#### SUMMARY

This article highlights the recommended physical (sports) activities that are planned to be implemented at key stages in the upbringing of a physically fit generation today. It is about starting physical activity from 5-7 years.

## ÖZBEKISTONDA BELBOĞLI KURASH SPORTINING RIVOJLANISHI

*Sultonov A. I.*

*CHDPI o'qituvchi*

**Tayanch so'zlar:** belbog‘li kurash, raqib, gilam, hakam, mashq, yakka, kuch, chalish, pahlavon.

**Ключевые слова:** борьба на поясах, противник, ковер, судья, упражнение, соло, сила, борьба, борец.

**Key words:** belt wrestling, opponent, carpet, referee, drill, solo, strength, wrestling, wrestler.

Belbog‘li kurash qoidalarining xususiyatlari Belbog‘li kurashda raqibni ushlab olganda, ko‘targanda oldinga, orqaga yoki yonga harakatlanish mumkin. Uni yerdan ko‘targan zahoti tezkor aylantirish, orqa-oldi, yon tomonlarga tashlash kerak. Yerdan ko‘tarishda chapga yoki o‘ngga tez o‘girilish shart va bunda raqibni yon tomonga yoki kurakka tashlanadi. Belbog‘li kurashda raqibga nisbatan oyoqlar bilan harakatlanish man etiladi: chalish, oyoqni bosish, ilib olish, tizzaga bukish, oyoqlarni ushlab olish va hokazo. Undan tashqari, raqib belbog‘idan qo‘lni uzish, raqibni ko‘tarmasdan yiqitish, beldan yiqitish va gilamdan tashqariga yiqitishlar ham mumkin emas. Qoidaga ko‘ra raqibni belbog‘idan ushlash an‘anaviy usulda bo‘ladi. Kurashchilar gilamning markaziga turishadi, har biri o‘ziga qulay bo‘lgan vaziyatda turadi, keyin har ikkalasi ham raqibining chap tomoni orqasiga o‘ng qo‘llarini olib borib belbog‘dan ushslashadi. So‘ngra xuddi shunday qilib, chap qo‘lda belbog‘ni ushlab olishadi. Hakam ikkala kurashchini ham bellashuvga tayyortayyormasligini so‘raydi va bellashuvni hushtak chalgan holda boshlaydi. Belbog‘dan ushslash shart hisoblanib, uni olishuv vaqtida qo‘yib yuborish, raqib oyog‘ini gilamdan ko‘tarmaguncha oyoqlar bilan harakatlanish mumkin emas. Belbog‘li kurash qoidalariga ko‘ra, kurash texnikasining bir qancha usullari mavjud. Eng ko‘p foydalanadiganlari — ko‘tarib oldinga tashlash, aylantirish, o‘ng va chap tomonga tashlash, ilma, raqibni tezkor harakat bilan gilamdan ko‘tarib yon tomonga tashlash, yarim egilma va egilma holatda yonga tashlash. E‘tiboringizga kurashda qo‘llaniladigan usullarni o‘zlashtirish uchun mashqlar tizimini havola etamiz. Mashqlar yakka tartibda bajariladigan, juftlikda, qo‘g‘irchoqda, trenajorda chorak kuch bilan, yarim kuch bilan, to‘la kuch bilan bajariladigan, raqib usullaridan himoyalanish mashqlaridan iborat. Öashlashlar va usullardan himoyalanishni mashqlarda o‘rganib olishdan avval „soya bilan kurashish“ ko‘rinishidagi usullarni mashq qilib olish lozim. Masalan: 1., „Soya bilan kurashish“ usullarini aloqasiz ifodalash kerak: oldinga, orqaga, chapga, o‘ngga qadam tashlashlar bilan. Qadamlarini turli kenglikda, tezligi va maromini o‘lchab tashlash lozim (1 daqiqa). 2. Holatni (baland, o‘rtा, past) o‘zgartirib, aldamchi harakatlar va ushlab olishlarni ko‘rsatgan holda turli tomonlarga harakatlanish (2 daqiqa). 3. Ushlab olish, aldash, muvozanatdan chiqarish, oyoqlar bilan harakatlanish, tashlash, usullardan himoyalanish kabilarni ifodalagan holda harakatlanishlar. 4. Kiyimdan ushlagan holda muvozanatdan chiqarish, chalish yoki tashlash (raqibga jarohat yetkazmagan holda)ni ifodalab harakatlanish. „Soya bilan kurashish“da xohlagan usulni qo‘llash mumkin. Orqa oyoqdan chalish usulini yaxshilab o‘rganib olish uchun quyidagi mashqlarni taklif etamiz: 1. Qatnashchilar o‘ng oyoq holatida turishadi. Sheringining kiyimidan ushlagan holda tana og‘irligini o‘ng oyoqqa o‘tkazib, ikki qo‘lning tezkor harakati bilan uni chapga orqaga tortish lozim. Chapga o‘girilgan holda o‘ng oyoqni sheringining ikkala oyog‘i oldiga bir qadam qo‘yish. Qo‘llarning faol harakati, o‘ng oyoqning itarilishi va gavdaning chapga-oldinga harakati orqali raqib gilamga yiqtiladi. 2. Raqib qarshilik ko‘rsatadi (xuddi oldingi vazifa). Mashqlarni ketma-ketlik bilan bajarish talab etiladi. 3. Raqib yaqin kelganda orqa oyoqni chalish, o‘rtacha tezlikda orqa va oldinga harakatlanish.

Mashqni 1/4 kuch bilan bajarish lozim. 4. Mashqni yarim kuch qarshiligidagi bajarish. Unda ham xavfsizlikni unutmaslik kerak. 5. Mashqni boshqa sherik bilan bajarish. Keyinchalik oyoqlar bilan oldinga, orqaga, yonga qadam tashlab, qo'llar harakati bilan raqibni qulay holatda ushlab olib, uni chalish mashqini bajarish mumkin. Quyida sizlarga tezlik, abjirlik, harakatlaringizning uyg'unligini yaxshilash uchun yakkakurash elementlari bo'lgan maxsus mashqlarni havola etamiz: 1. Ikki oyoqda, bir oyoqda va tizzada turgan holda yoki gimnastik skameykada turgan holda kaftlarni raqib kaftlariga qo'yib, uni muvozanatdan chiqarish. 2. Bir yoki ikki oyoqda turib, raqibni chiziq tashqarisiga tortish (chiqarib yuborish). 3. Chap oyoqni oldinga qo'yan holda turib, raqibning yelkasidan ushlab olishga urinib ko'rish. Chap tizzada turgan holda o'ng qo'l barmoqlarini birlashtirib (bosh barmoq tepaga qarashi kerak), raqibni ushlab olishga harakat qilish. 4. Chalg'itishni ifodalab, tezkor qo'l harakati bilan raqib chap kaftini, sonini, tirsagini, boshini, kuragini, tizzasini urib qo'yish. 5. Raqib qo'lini yonga itarish yoki pastga tushirish. 6. Qo'lining chalg'itma harakatlari orqali raqibni orqaga o'girib, gavdasidan ushslash (siqish) yoki oldidan bir qo'lda gavdasini ushslash. 7. Raqibdan 1 qadam masofada orqasi bilan turgan holda qo'llarni yonga qo'yish. Raqib beldan ushlab olishga harakat qilganda qo'llarni tezda pastga tushirish. 8. Raqibni gavda va qo'l bilan aylanadan siqib chiqarish. Bir yoki ikki oyoqda sakrab turgan holda raqibni (kaftni kaftga qo'yib) itarib chiqarish. 9. Ishora berilgandan keyin raqibning qo'lidan to'pnii bir yoki ikki qo'lda olib qo'yish. Bu mashqni gimnastik tayoqcha bilan ham bajarish mumkin. Yerdagi to'pdan 1-2 metr masofada turgan yoki o'tirgan holda ishora berilishi bilan birinchi bo'lib uni olib qo'yish. 10. Diametri 1,5 metrli aylanada chalg'ituvchi harakatlarni bajarish. Asosiy vazifa - qulay vaziyatni tanlab, raqibning qo'lidan, belbog'idan ushlab o'ziga tortish. 11. Yon tomon bilan o'tirgan holda qo'llar tizzada turadi. Ishora berilishi bilan raqibning bel tomonidan ushslash (raqib yonga chap berib qolishi kerak). 12. Bir-biriga orqasi bilan o'tirgan holda qo'llarni tizzaga qo'yib, ishoraga binoan o'girilib, raqibni o'ng qo'l bilan bo'ynidan (bosning orqasidan) ushlab olish. Chap qo'lda himoyalanih lozim. 13. Bir-biriga yaqin yotgan holda (bosning bir tomoniga qaratib) ishora berilishi bilan bir kishi turadi, ikkinchisi esa uni ushlab qolishga urinadi. 14. Yotgan holda ishora berilishi bilan tezda turib, raqibning belidan orqadan yoki oldindan ushlab olish. Butun jahon niqohiga tushib, dovrug' va shuhral qozonayotgan. millionlarni uziga mahliyo etgan kurash ham jahomning yuksak ma'nnaviy qadriyatlaridan biri sifatida o'zining chuqur tarixiy ildizlariga egadir. Tarixshunos, qadimshunos, elslumos va faylasuf olimlarning olib borgaii tadqiqotlari, izianishlari va arxeologik ilmiy qidiruvarlari, knzatishlari natijasida topilgan ashovyiy daiillar Kurashning yoshi kamida 2,5 - 3 ming yildan ziyodligini isbotlaydi. Surxon, Zarafshon vohalari hamda Farg'onasi vodiysining bir qator qadimgi aholi manzilgohlarida aniqlangan noyob topil'malar, asoriatiqlari, qoyalarga bitigan tasviriy san'at namunalari ham bunga to'liq shohidlik beradi. «Kurashimiz tarixini ilmiy isbotlab beradigan 6 ta topilma-ashovyiy dalil mavjud. Chunonchi, Panjikentdan topilgan kurashayotgan ikki pahlavonning devoriy rasmi Sug'diyona davlatchiligiga, ya'ni o'rta asrlar davriga oid noyob yodgorlik sanaladi.

Shunday ashylardan biri silindr shaklidagi sopol idish bo'lib, u qadimgi Baqtriya (Janubiy «'zbekiston») hududidan topilgan. Uning bir parchasida ikki kurashchi va ularidan birining o'z raqibini oyog'idan chalayotgani lasvirlangan. Yana bir idish gardishidagi haykalchalarda ham pahlavonlarning qo'llarini ko'tarib kurashga shaylanayotgaii holda o'z ifodasini topgan. Bu idishni r bronza davriga oid boilib, u'kurashning tarixi yanayam ko'proq, ya'ni 3,5 ming yil ekanligidan guvohlik beradi.

#### Adabiyotlar:

1. Kurash haqaro qoidalari, texnikasi va taktilkasi. K. Yusupov G'fur G'ulom nomidagi nashriyot T. 2005 y.

2. Kurash A. Atayev T. «O'qituvchi» 1987 y.
3. Belbog'i Turkestan kurashi. N.X.A/izov, T. «O'qiluvchi» 1998 y.
4. Dzyudo kurashi. A.A.Abdusattorov, A.A.Istomin. T. «Ibn Sino» 1993 y.
5. Yu.M.Yunusova. Osnov metodik fizicheskoy kultur. Tashkent 20C5 g.
6. K.D.Yarashev Jismoniy larbiya va sportni boshqarish. Toshkent. «Abu All ibn Sino» 2002 yil

РЕЗЮМЕ

Belbog'li kurashda raqibga nisbatan oyoqlar bilan harakatlanish man etiladi: chalish, oyoqni bosish, ilib olish, tizzaga bukish, oyoqlarini ushlab olish va hokazo. Undan tashqari, raqib belbog'idan qo'lni uzish, raqibni ko'tarmasdan yiqitish, beldan yiqitish va gilamdan tashqariga yiqitishlar ham mumkin emas. Qoidaga ko'ra raqibni belbog'idan ushslash an'anaviy usulda bo'ladi.

РЕЗЮМЕ

В борьбе на поясах запрещается движение ногами против соперника: удары ногами, прижимание ногами, подвешивание, сгибание в коленях, удерживание ног и т.д. Также не разрешается порвать пояс соперника, сбить противника с ног, не приподняв его, сбить с пояса и сбить с ковра. Как правило, соперника принято удерживать за пояс.

SUMMARY

In belt wrestling, it is forbidden to move the legs against the opponent: kicking, pressing the legs, hanging, bending the knees, holding the legs, etc. It is also forbidden to cut off the opponent's belt, knock down the opponent without lifting him, knock him down from the waist and knock him off the carpet. As a rule, it is traditional to hold the opponent by the belt.

**КУРАШ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛИЯТИГА  
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

*Абдулахатов А.Р.*

*ЧДПИ. доцент в.б.*

*Худойберганов Ж. С.*

*ЧДПИ ўқитувчи*

*Соатов Э.М.*

*ЎзМУ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** кураш, ўқитувчи, бошқарувчилик, спорт, жисмоний маданият, харакат, машқ, ўйин, намуна.

**Ключевые слова:** борьба, учитель, менеджмент, спорт, физическая культура, движение, упражнения, игра, пример.

**Key words:** wrestling, teacher, management, sports, physical education, movement, exercise, play, example.

Бугунги кунда Республикаизда жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш учун яратилётган имкониятлар аҳоли жисмоний маданиятини ошириш учун кучли турткни бўлиб хизмат қилмоқда.

Кураш фанини ўқитишидаги фаолиятлари ғоят мураккаб ва кўп киррали жараён хисобланади. Турли номлардаги дарслкларни ўргатиш билан бир қаторда ўқитувчиларнинг хулк-атворлари, билим даражалари ва фанга бўлган муносабатларини кузатиш, ўргатиш, тарбия бериш билан кўшиб олиб борилади. Бунинг учун эса ўқитувчидаги чукур билим, педагогик маҳорат ва шахсий намуна, ташаббускорлик, янгилик сари ижодий изланиш фаолиятлар устун бўлиши керак.

Кураш фани ўқитувчиларида ҳам мазкур фаолиятлар мавжуддир. Бунга кўшимча яна амалий фаолиятлар ҳам талаб этилади, яъни ҳар бир дарсда машқлар, харакатларни ўқитувчи кўрсатиб бериш, наъмуна бўлиш талаб этилади. Бу фаолият жисмоний тар-

бия ўқитувчисининг кўп киррали ва маҳоратли меҳнатининг мазмунидир. Шу сабабдан айтиш мумкинки, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ижодий ва амалий фаолияти бошқа фан ўқитувчиларининг фаолиятидан анча устун туради. Бу жараёнларнинг баъзи бир томонларини қискача равишда қўйидаича ифода этиш мумкин:

Ёшларни назарий билимлар билан чукуррок қуроллантиришни давр тақозо этмоқда. Булар “Таълим тўғрисида”ги конун ва давлат таълим стандартларида кайд этилган. Барча соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт таълими жараённан умумий билимлар билан бир қаторда ҳаётий зарур бўлган назарий билимларни бериш долзарб муаммолардан биридир.

Назарий билимлар деганда асосан қўйидагиларни тушунмок керак, яъни:

- дастуридаги барча фанларнинг мазмуни.

- жисмоний тарбия назариясининг асослари.

- спорт машғулотларининг ташкилий ва амалий асослари.

1. Назарий билимларни эгаллаш ва уни ўқувчиларга ўргатиш:

- жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фанининг мазмун ва қонуниятларини чукур билиш, уларга амал килиш, ўқувчиларга назарий билим ва тушунчалар беришда давр талаблари асосида янги усуллар, технологиялар ҳамда педагогик маҳоратлар, илгор тажрибалар, илмий тадқиқот натижалари-дан самарали фойдаланиш;

- кураш тарихи бўйича жаҳон ҳалқлари ва Ўзбекистоннинг қадимий ва яқин ўтмишидаги тарихини яхши билиш. Уларни ўқувчи-ёшларга ўргатиша ҳозирги даврдаги ютуқларни далиллй ашёлар асосида сўзлаб бериш, видеотасвир ва компььютерларда намойиш этиш;

- инсон танаси ва аъзоларининг вазифалари ҳакида чукур билимга эга бўлиш.

Кураш бўйича ўқувчи-ёшларга тушунчалар беришда машқларнинг зарурияти, ўрганиш даражалари ва йўллари ҳакида намуналар (бўгинлар, мушаклар, ҳаракатлар ва х.к.) бериш.

- Биокимё (биохимия) озиқ-овқатларни ҳазм килиш, уларнинг турлари ва миқдорлари ҳакида (ички аъзолар: ошқозон-ичак, жигар, ўт, ковук ва х.к) тўйла маълумотлар бериш;

- Биомеханик тушунчалар: ҳаракатларни бажаришдаги сарф бўладиган куч-куватлар (энергия), уни мушаклар тузилиши ва ҳаракатига мос равишида сарфлаш (бериш), кучларни қайта тиклаш, қон ҳаракати орқали танани қиздириш ва совутиш ўйллари. Умуман бу соҳада ўзлаштириш, чукур билимга эга бўлиш ҳар бир кишининг бурчи бўлиши лозим.

- машқ-ўйинларни бажаришда (дарс, машғулот, мусобака) техника-тактика қоидаларга риоя қилиш асосида аҳлек-одоб, ўзаро хурмат, ўзини сақлай билиш каби маънавий-маърифий маданиятни унутмаслик.

- гигиеник талаблар (ювениш, тозалик, маҳсус спорт кийимлари ва х.к) ва қоидаларга тўла риоя килиш.

2. Амалий фаолиятлар:

- кураш турларини яхши билиш, намуна сифатида ўқувчиларга усул ва машқларни кўрсатиб бериш;

- умумривожлантирувчи ва маҳсус машқларини ўқувчилар билан биргалиқда бажариш;

- кураш дарсларида сакрашлар, улоқтириш, иргитиш машқларини кўрсатиш ва имконият даражасида ўқувчилар билан биргалиқда бажариш (ким яхши, тез бажариш – бахс, мусобака);

- маҳсус машқлар бўйича дарслар ва тўғарак машғулотларида ўқувчиларга техника-тактика қоидаларни амалий кўрсатиш, улар билан биргаликда ўйнаш (бахс-мусобақа);
- кураш дарсларини ўтказишда ўқитувчи шахсан намунавий кўрсатиши лозим;
- жисмоний тарбия дастури асосида бошқа турлар ва ноанъянавий машқ -ўйинларни (халқ миллий ўйинлари, спорт ўйинлари в.б ларни) ташкил килишда иқтидорли ўғил-қизлардан намунавий кўрсатиши фойдаланиш;
- кураш тўғараклари ва мусобақалар жараённида зарур бўлган машқларни тақорор кўрсатиш ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришида хато камчиликларни тузатишида видео тасвир, расм (сурат), чизма (схема) ва бошқа воситалардан мақсадли фойдаланиш;
- дам олиш куни ёки таътил пайтларида бир кунлик ва тунаб келиш пиё-да юриш саёҳатларини ташкил килишда (маҳсус тестлар) барча тартиб-коидаларга риоя қилиш (жиҳозлар, йўл қоидалари, одоб-интизом ва х.к);
- сувда сузиш (маҳсус ҳавза, ариқ-канал, кўл-дарё) машғулотларини (да-рс, маҳсус тестлар) ташкил қилиш ва ўтказишда хушёприкни таъминлаш, кўш-имча назорат ва кўмаклашиш имкониятлардан фойдаланиш;
- кишлоқ шароитларида юкори синф ўқувчилари билан отда юриш, отни чоптириш, ариқ-тўсиқлардан сакраб ўтиш, от устида тортишиш (ағдариш), пой-га каби ўйинларни ташкил қилиш лозим. “Чиллик”, “Пода тўп”, “Ок суяқ” каби спорта хос миллий ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўқувчилар чавондоз-полвонлар, спорт муҳлислари ва кекса кишилардан фойдаланиш лозим бўлади.

Демак, кураш дарслари ўқитувчисининг назарий билим ва амалий малакаларга нутка эга бўлиши педагогик маҳоратни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия дарсларида педагогик кузатиши фоят мураккаб фаоли-ят хисобланади. М; фанларни ўқитишида ўзлаштиришин синаш, билиш, хуроса қилиш учун дарс давомида ўқитувчи 4-5 та ўқувчидан сўраб билади. Қолганлари эса бир дарс давомида номаълум бўлиб колаверади. Жисмоний тарбия дарсларида (гимнастикা асблори, енгил атлетикадаги сакрашлар, улоктириш фоа-лиятлар бундан мустасно) деярлик барча ўқувчilar бир хил машқни бир вақтда бараварига бажаришади. Уларни бирма-бир кузатиши лозим бўлади. Хато ёки нотўғри бажаргандар тезда кўзга ташланади, уларни танлаб ўргатиш, изоҳ бер-иш ва кўпроқ тақорлашни талаб этилади. Бундай ҳолатлар умум ривожланти-рувчи машқлар, кросс югуришлар, спорт ўйинлари турларида содир бўлади. Бу йўлда ўқитувчи бевосита кўрсатиб бериши ва иқтидорли ўқувчилар ижросида намуна қилиб кўрсатиши ҳам мумкин бўлади. Психологик кузатишилар жисмо-ний тарбия дарсларида қизиқарли равища амалга оширилади, бунда ўқитувчи-нинг билим савијаси ва тажрибалари асосий ўринда бўлиши лозим, яъни:

- югуриш, сакраш турникда тортилиш, тўп ўйинлари ва бошқа ҳаракат-ларда баззи бир ўқувчиларнинг (жисмонан заифрок, ҳохиши йўқ, астойдил қизи-киш ва х.к) юзи қизариши ёки аксинча оқариши содир бўлади. Бундай ҳолат-ларни ўқитувчи ва фаол ўқувчилар ўз вақтида кўриши, сезиши, билиши керак. Меъёрий юкланиш ошган бўлса уларни камайтириш, кийналган ўқувчиларни ажратиб маҳсус машқ-ўйинларга сафарбар этилиши лозим;

- тана аъзоларининг оғриши (бўйин, корин, оёқ ва х.к) ҳақида шикоят (хабар) қилиш ҳоллари тез-тез учрайди. Улар асосан бир-бирига урилиш, йикилиш, тўқнашиш каби ҳолатларда юз беради. Ушбу ходисалар жараённида устоз

-мураббий сүзсиз ўрнак булиши зарур.

Турли масофаларга югуришда (сўнгтида) нафас олишини оғирлашиши, харакатсизлик ва қорин оғриги пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар касалманд ёки жисмоний тайёргарлиги кам бўлган ўқувчиларда учрайди. Шу сабабдан бундай ўқувчиларни доимо кузатиш, зарур бўлганда машқлар ва унинг бажарилиш мъёrlа-рини қисқартириш лозим бўлади.

- кураш ва қисқа масофаларга югуриш жараёнларида баъзи бир иктидорли ўқувчилар гаразгўйлик, кўролмаслик, гирромлик каби хислатларини ишлатади. Айниқса ракиб бўлган ўқувчилар ютказиши натижасида бир-бири билан тўқнашиши (жахил билан қараш, ҳакорат қилиш, тутиш, тепиш, бош билан уриш, мушглаш ва ҳ.к.) табиийдир. Бундай ҳолатларнинг содир бўлмаслиги учун ўқитувчи-мураббий доимо уларни билиши, кузатиши ва қоида-талаблар асосида огохлантириб туриши лозимидир.

Аксарият қўпчилик мураббийлар, айниқса ёш мутахассислар қурашчи болалар билан машғулот ўтказишида спортнинг техник ва тактик амалларига таянишади. Шу сабабдан қурашчилар хатто баъзи таникли қурашчилар хам инсон танасидаги юз берадиган анатомик, физиологик, биологик, биомеханик, биокимёвий, психологик ва педагогик фаолиятларни яхши билишмайди. Натижада эса қўйидаги ҳолатлар юзага келади:

- жароҳатланиш.
- қизиқишининг сўниши ёки йўқолиши.
- яхши натижаларга эришаолмаслик.
- шуғулланиш, мусобакаларда қатнашиш фаолияти тугагач мураббийлик қилишда тажрибасизлик ва ҳ.к.

Қурашчиларга инсон ҳаракатида табиий равишда юз берадиган энг муҳим фаолиятлар (бўғинлар ҳаракати, кўриш, сезиш аъзолари, сарф қилина-диган озиқа кувватлари ва уларни қайта тикилаш ва ҳ.к.) ва уларни такомил-лаштиришга қаратилган назарий билимлар бериши ёътибордан четда қолади.

Олиб борилган кузатишлар, сўров-сухбатлар, амалий синов-тажриба ишларининг натижаларига асосланиб қуидагича фикр билдириш мумкин:

1.Жисмоний маданият ва спорт тараққиёти ҳақида маълумназарий билимларга эга эмаслиги;

2.Спортчилар фаолиятида асосий восита бўлган жисмоний сифатларни (куч, тезлик, чидамлилик, эгилувчанлик ва эпчиллик ) натўғри ривожлантириш;

3.Спортда энг юкори кўсаткичларга эришиш йўлларини ўзлаштирган ;

4. Жисмоний ривожланиши ва юксак маҳоратларга эришишда анатомик, физиологик, биомеханик, психологик, гигиеник омилларнинг ижобий таъсири ҳақида тушунчаларга эга эмасликлари;

5.Бу кўрсаткичлар техник ва тактик тайёргарликка оид тушунчаларни ўргатишга ёътиборни кучайтириш;

6.Қурашчиларга маҳсус адабиётларни ўқишини тавсия этиш, назарий билимлар билан қуроллантириш учун тавсияномалар, услубий қўлланмалар кўп ишлаб чиқиши талаб этади.

Муаммоларни ҳал қилиш учун қуидагилар таклиф этилади:

- умумтаълим ўрта мактаблар, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассаларида ўзларининг имкониятлари ва эҳтиёjlари асосида қурашчи мутахассисларга бўлган талабларни аввалдан белгилашлари, шу асосда олий таълим муассасаларига буюртмалар бериш лозим;

- ишлаб чиқариш жамоаларидан кураш бўйича тўгараклар ташкил этиш, мураббийларни жалб этишини йўлга қўйиш зарур. Шу асосда мутсадади ташкилотлар ва ўкув юртлари билан шартномалар тузиш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларга буюртмалар беришни одатлантириш;
- яшаш жойлари, айниқса ширкат ва қишлоқ хўжаликларида кураш бўйича штаглар ажратиш, мураббийлар ва ташкилотчи-услубчиларни жалб этиш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш лозимдир.
- болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва иқтидорли қизларни кураш билан шугуллантириш мақсадида маҳаллий миллат хотин-кизларидан кадрлар тайёрлашни режали асосда йўлга қўйиш давр талабидир.

Хулоса килиб айтганда Кураш машғулотларини тарғиб қилишда буюк келажак нафаси билан яшаш, меҳнат қилиш лозим. Бу йўлда оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт ташкилотлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш лозимдир.

Адабиётлар :

1. Ш.М.Мирзиёев. Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги Қарори.2017 йил 2 октябрь.
2. Ахмедов Ф. К. Жисмоний таълимда миллий ананаларнинг ўрни. Тошкент 2010 йил “Фан нашрёти” 110-бет.
3. К. Юсупов Кураш Халкаро коидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент 2005 йил 129- бет.
4. Ф.К.Ахмедов,А.Р.Абдулахатов Ўзбек кураши миллий ва умуминсоний кадриятлар дурдонаси.Тошкент 2017 йил 128- бет.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада кураш фани ўқитувчилари ва мураббийлари фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются требования к деятельности учителей и тренеров по борьбе.

SUMMARY

The article discusses the requirements for the activities of teachers and wrestling coaches.

---

## СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИ-СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ОМИЛИ СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИ

*Журабоев А.Б.*

*Тош.вил. ЧДПИ*

*Худойберганов Ж.С.*

*Тош.вил. ЧДПИ*

*Юсупбаева А.С.*

*Тош.вил. ЧДПИ*

**Таянч сўзлар:** спорт машғулотлари, спортчиларни тайёрлаш, тайёргарлик даври, омили, маҳсус тайёргарлик, организм.

**Ключевые слова:** спортивная подготовка, подготовка спортсменов, тренировочный период, коэффициент, специальная подготовка, организм.

**Key words:** sports training, training of athletes, training period, coefficient, special training, organism.

Спортчиларнинг ёшидан, малакасидан катъий назар, уларнинг даврий тайёргарлиги тайёргарлик даврининг биринчи кунидан бошлаб кейнинг маҳсус тайёргарлик учун жисмоний, руҳий, техник замин яратувчи машқлар асосида тузилади. Спортда тайёргарлик даври тахминан 5 ой давом этади. Спортчининг жисмоний тайёргарлик даражаси паст бўлганда, мутахассислиги бўйича организмнинг муҳим функционал тизимларини, шаклларини қайтадан ривожлантириш талаб этилади. Қўлланиладиган машқлар йўналиши ва таркиби жиҳатидан мусобақа машқларидан сезиларли дараҷада фарқ килиши мумкин, оддига кўйилган максад шаклланishi конуниятларига мос ҳолда спортчини ҳар томонлама тайёргарлик билан таъминлашдан иборатdir. Тайёргарликнинг вазифаси спорт кўрсаткичи даражасини аниқловчи харакат сифат мажмумаларини ривожлантириш эмас, балки асосий омиллардан фойдаланиш имкониятларини оширишdir. Бу шуни кўрсатадики, умумтайёргарлик машқларига яқин бўлган маҳсус тайёргарлик машқлари кенг қўлланилади. Восита ва методлар ўзгариб боради: шакл жиҳатидан мусобақа машқларига, характер ва тузилиши жиҳатидан организмга таъсир кўрсатиш даражасига яқин бўлган мусобақа ва маҳсус тайёровчи машқлар сони кўпайтирилади. Тайёргарлик даври икки босқичга бўлинади: умумтайёргарлик ва маҳсус тайёргарлик босқичи; Уларнинг қанча вакт давом этиши кўп жиҳатдан спортчи малакасига ва микроциклнинг турига боғлиқ. Масалан, икки цикллик режалаштиришда, биринчи микроцикл умумтайёровчи босқичнинг узоқ вакт давом этиши ва маҳсус тайёргарлик босқичининг киска вакт давом этиши билан характерлариди. Иккичи микроциклда эса бунинг акси. Юкори малакали спортчиларни тайёrlашда одатда босқичлар режалаштирилади, малакаси етарли бўлмаган спортчиларда эса бунинг акси. Бу босқичнинг асосий вазифаси спортчининг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини кўтариши, организмнинг асосий функционал тизимлари имкониятларини кўпайтириш, керакли бўлган спорт-техник ва психологияк сифатларни ривожлантиришдан иборат. Бу босқичда спорт кўрсаткичлари яхшиланиб, кейинги спорт фаолияти учун асос солинади. Тайёргарликнинг маҳсус кисми шундан иборатки, ҳал килиш меъёрида унга таъсир этадиган алоҳида сифатларнинг ривожланиш даражасини оширади: (Адиназин три фосфат АТФ) аэроб ва анаэроб синтези имкониятларига таъсирларни алоҳида эътиборга олиш керак, ишчи харакатларнинг тезкоркучли ривожланишига, харакат техникасини такомиллаштиришга, нафас олишининг унумдорлигига, ишнинг тежамлилигига ва бошқаларга эътибор бериш лозим. Бу босқичда маҳсус тайёргарликнинг муҳим вазифаси-спортчининг катта юкланишларга бардош бериши даражасини оширишдан иборат. Бу босқичда маҳсус тайёргарлик жараёнини ташкил килишга қаратилган даврий талабларни хисобга олган ҳолда, биринчи режа мусобақа машқлари бўлиши керак. Мусобақа машқлари бажарилган умумий иш ҳажмининг кичик кисмини ташкил қиласди. Машқлар самарадорлиги мусобақа машқлари ҳажмига боғлиқ эмас. Бундан ташқари, мусобақа машқларидан кўпроқ фойдаланиш ёрдамчи ва маҳсус тайёровчи машқларга салбий таъсир кўрсатиб, спорт кўрсаткичларининг пасайиб кетишига таъсир этиши мумкин. Бу босқичдаги машгуулотлар спорт тайёргарлик даражасини, формасини эгаллашга йўналтирилади. Бунга эришиш учун мусобақа машқларига яқин бўлган маҳсус тайёргарлик машқлари ва мусобақа машқлари кучайтирилади. Машқлар мазмуни биринчи босқичда вужудга келган база асосида барча харакат сифатларини тарбиялашдан иборат. Бундан ташқари, машқ даврида бажарилган ишнинг умумий ҳажмини маҳсус иш қобилиятини оширувчи, ихтинослаштирилган воситаларга ажратилиади. Мусобақа техникасини такомиллаштиришга катта аҳамият берилади. Бу вазифа одатда жисмоний сифатларни тарбиялаш билан биргалиқда икки йўналишда олиб борилади: 1. Тезлик қобилиятини ошириш асосида харакат сифатларини такомиллаштириш. 2. Маҳсус чидамлиликни ошириш асосида харакатни, усулни тежамли ва тез ўзгартира

олиш усулларини ишлаб, чиқиши. Бу босқичда мусобака машқлари нотекис тәксимланады, босқич охирига бориб, унинг сони ошиб боради. Бу хар хил маҳсус тайёргарлик машқларига ҳам тегишли. Босқич бошида улар мусобака машқларидан узоқда бўлиб, маҳсус тайёргарлик томонларига ижобий таъсир кўрсатади. Бу босқичда олдин эришилган умумжисмоний тайёргарлик даражасини сақлаб колиши зарур. Бу эса машғулотларда чидамлиликни ўстиришнинг воситалар таркибини маҳсус тайёргарлик машқларига якнилашувчи машқларнинг солиши тирима оғирлигини ошириш хисобига ўзгартирилади ва эришилади. Мусобака даврининг асосий вазифаси эришилган маҳсус тайёргарлик даражасини ошириш ва уни мусобакаларда кўллай билишдан иборат. Бу вазифа мусобака машқлари ва унга яқин бўлган маҳсус тайёргарлик машқлари ёрдамида амалга оширилади. Мусобака даврида маҳсус тайёргарлик жараёни асосий мусобакалар тақвимига мос ҳолда тузилади. Одатда, бундай мусобакалар юкори малакали спорчилар учун 2-4 та булади. Шу билан бирга, бу мусобакаларда ҳамма конкрет ҳусусиятлар, спорччи олдида турган вазифадан бошлаб, қатнашувчи спорчиларнинг таркибигача хисобга олинади. Қилган ҳамма мусобакалар машқ вазифасини ўтайди, бу мусобакаларга коида бўйича маҳсус тайёргарлик кўрилмайди, уларнинг ўз и асосий мусобакалар тайёргарлигида муҳим ҳалқа хисобланади. Бу мусобакаларнинг бир кисми спорт тақвими асосида ўтказилади. Бир кисми эса назорат килиши сифатида ташкил килинади. Мусобакалар тайёргарлигининг методикасига асосий мусобакаларнинг давом этишилиги, курашлар сони, спорчиларнинг якка ҳусусиятлари таъсир кўрсатади. Масалан, машқ жараёнининг олдинги даврларида мусобака юкланишларига аналогик (ўхшаш) бўлган юкланишлар бериш талаб этилади. Тахминий мусобака фаолиятининг характеристи маҳсус тайёргарлик вазифаларини ҳал кибути микроциклларни режалаштириши хисобга олиши зарур. Айрим микроциклларда бирданига бир неча юкланишлар кўлланилиши мумкин. Бу юкланишларнинг ҳар бири олдинги юкланишда юзага келган чарчоқни енгиллаштириши керак. Асосий мусобакаларга тайёrlанишда яна бир нарсага эътибор бериш керак. Олдин айтиб ўтилганидек, машқ жараённида спорчидаги кун мобайнида маҳсус ишчанликнинг маълум тебранишлар ритми юзага келади. Маҳсус ишчанликнинг энг юкори кўрсаткичи, машқ машғулотларининг оддий бир вақтида кайд килинади. Шунинг учун мусобакаларнинг тахминан куннинг қай вақтида бўлишига караб, асосий машғулотларни назорат килиш мумкин, айнан шу вақтида ташкил қилиниши жуда ҳам муҳимдир. Мусобака ўтиш жойининг тўғри жойлашуви ва кунлик режимлар алоҳида тайёргарликини талаб этиши мумкин. Шунинг учун асосий мусобакаларга тайёргарлик ва қатнашишини режалаштиришида ишчанлик эгри тебранишларини олдиндан шундай ўзгартириш керакки, бу тебранишларнинг энг юкори нуқтаси мусобака вақтига тўғри келсин. Агарда мусобака вақти олдиндан маълум бўлмаса ёки спорччи 3-5 соат ичидаги бир неча спорт турларида қатнашса, асосий машқ машғулотларини ва назорат килинувчи мусобакаларни ҳар хил вақтларга режалаштириши керак. Мусобака муддатларига мос ҳолда ишчанликнинг бир маромда тебранишларини кайта кўриши бир неча микроциклларни (3-5 та) маҳсус режалаштириши талаб этиади. Микроцикллар шундай тузилмоғи керакки, мусобакаларда қатнашиш циклининг кунлари билан мос келсин. Бу спорччининг мусобакага қатнашиш кунларида юкори ишчанлик билан таъминловчи шартли-рефлектор йўқлигининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Мусобака даврида терма жамоалар таркибида Европа, жаҳон Олимпия ўйинларида қатнашишга тайёргарлик кўраётган ҳалқаро тоифадаги спорчилар машқлари мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ҳолларда коида бўйича бир катор йирик мусобакалар бўлади. Кейинги йиллардаги амалиёт курсаткичи асосий мусобакаларга тайёргарлик босқичларида рационал тузилган машқ асосида фақатгина шахсий ютукларга эришганлар эмас, балки кўрсаткичларнинг

узгариб боришини таъминлаш лозим. Спортчилар мавсумнинг асосий мусобақаларида энг юкори кўрсаткичларини кўрсатибгина колмай, балки кўрсаткичларини ошириш учун ҳар хил сифатларни ривожлантириш га йўналтирилган машқларнинг бир-бирига рационал мос келишини аниқлаш; катта юкланиш ва тулиқ дам олишни вужудга келтириш; машқ юкланишларини, тикловчи омилларни ва овқатланишни ягона жараён сифатида тасаввур қилиш, мусобақа жараёнида спортчини анниқ спорт турига яхши тайёрловчи физиотерапевтик ва психологик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши зарур. Республика биринчилги ва йирик мусобақалар орасидаги даврга боғлик тайёргарлик босқичи давом этиши вақти 5-8 ҳафта орасида бўлади. Бу одатда иккита мезоциклдан тузилади. Булардан биринчиси, катта кўшилган юкланиш билан спорт ютуқларининг юкори кўрсаткичларини белгиловчи сифат ва қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган, иккинчиси-тўлиқ тикланишга, кўнизиш жараёни учун энг кулий шароитларни таъминлашга йўналтирилган булади. Мавсумнинг асосий мусобақаларига тайёргарлик босқичининг биринчи 4-5 куни фаол дам олишга ва стартлардан кейинги жисмоний ва руҳий тикланишга бағишлианди. Сўнг давомийлиги 3-4 ҳафта бўлган маконли мезоцикл режалаштирилади. Одатда, у иккита (вақти бўйича) бир хил бўлимга бўлинади. Биринчи бўлимда машқ макон характерида бўлади ва кўпинча тайёргарлик даврининг биринчи босқичидан машқ қайтарилади. Ҳар кунги машқ одатта кун мобайнида 3-4 машгулот давомида 5-7 соат вақтни эгаллайди. Мезоцикл дастурнинг аралаш булимида назорат килиш мусобақалари билан тугайди. Юкланишнинг асосий параметрлари бўйича бу мезоциклида машқ спортчи организмига жуда кучли ва маҳсус таъсир билан характерланади. Мезоциклиниң катта юкланишлари спортчи организмининг мослашуви билан боғлик ўзгариш пайдо кила оладиган руҳий зарба ҳолатига олиб бориш билан белгиланади. Бу вазифани ҳал килишда кўпинча машқларни спортчи организми тизимларига кўшимча талаблар кўювчи ўрга баландлик (дениз сатҳидан) тоғлик шароитларида ўтказиш асосий омил булиб хизмат килади. Маконли мезоциклдан сўнг мусобақа олди мезоцикли келади. Бу мезоциклиниң асосий вазифаси олдинги мезоцикл юкланишларидан организмни тиклаш, асосий Амусобақаларга психологик тайёргарлик кўриш, спорт вақтларини ҳисобга олган ҳолда маҳсус ишчанлик теборанишларининг матъум макомини ишлаб чиқишидан иборат. Бу мезоциклида иш ҳажми бирданига камайтирилади. Тайёргарлик якка ҳолат касб этади. Спортчиларнинг юқори ишчанлигини ушлаб турувчи тикланиш воситалари кенг кўлланилади. Техник-тактик, психик тайёргарликлардаги майда камчиликларни йўқ килишга катта эътибор берилади.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т., Шарқ, 1997.
2. Абдиев А.Н. Борьба организация востоновительного трениро-вочного процесса в предсоревновательном этапе. Монография. Т., 1997.
3. АгаевА.К. Кураш. Т., Ўқитувчи, 1987.
4. Верхушинский Ю.В. Основы специальной физической

## РЕЗЮМЕ

Спортчининг жисмоний тайёргарлик даражаси паст бўлганда, мутахассислиги бўйича организмнинг муҳим функционал тизимларини, шаклларини кайтадан ривожлантириш талаб этилади.

## РЕЗЮМЕ

Когда уровень физической подготовки спортсмена низкий, необходимо заново развивать важные функциональные системы и формы тела по их специальности.

## SUMMARY

When the level of physical fitness of an athlete is low, it is necessary to re-develop important functional systems and body shapes according to their specialty.

## ЎСПИРИНЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ ЖАРАЁНИ

*Нурышов Д.Е.*

*Ажиниёз номидаги НМПИ Жисмоний тарбия кафедра мудири, педагогика фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** экологик маданият, ижтимоий педагогика, экологик таълим, атроф-муҳит.

**Ключевые слова:** экологическая культура, социальная педагогика, образование экологическое, окружающий среда.

**Key words:** ecological culture, social pedagogy, ecological education, environment.

Ўкув-услубий мажмууда ўқитувчилар учун ўкув-услубий қўлланмалар, дарслер, дидактик уйин, видеороликлар ва интернет ресурслари мавжуд. Экологик таълим ва шакллантириш жараёни ўртасидаги алоқаларни таҳлил, экологик дунёкараш, муайян қондадарини шакллантиришимиз, мумкин бу мактабда жисмоний тарбия дарсларини назарий ва амалий асосини ташкил этиш керак. Маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзининг асосларини шакллантириш бўйича самарали дарслерларни лойиҳалашнинг услубий методлари яхлитлик тамойилидан келиб чикиб, билимнинг турли шаклларини ўқитиш ва тарбиялаш методлари.

Босқич номи	Ижодий
Босқич мақсади	Экологик йўналишдаги тадбирларда ижодий фаоллик ва мустақиликни намоён килиши, шахсий уқубларини амалга ошириш
Фаолият мазмуни	Билимлар: экологик нуктатай назар кўз қарашлар, эътиқодлар, табиатни маҳаллий даражада, регионал ва глобал даражада самарали ҳал килиш учун қадриятлар тизими сифатида. Экологик этика, экологик дунёкараш шаклланишидаги ҳалкаро ҳамкорлик. Уқублар: лойиҳани амалга ошириш, маъсултатни сезниш, ўз ишин ташкил килиш; уй, мактаб, яқин табиий муҳитда табиат ресурсларини техаш учун билимларини фойдаланиш, иморатнинг экологик паспортини яратиш, ижтимоий методларни кўллаш: анкета ўтказиш, сўровнома, сухбат; Кўнникмалар: кичик ёш ўкувчилари билан ҳамкорлик, волонтерлик ҳаракатни амалга ошириш, кичик ёш ўкувчилар билан ижтимоий амалият ва касблик сина-маларни ташкил килиш; ўзи-ўзини ташкил қилиш ва ўзи-ўзини назорат килиш.
Ўқитиш ва тарбиялаш методлари	
Методлар номи	Лойиҳавий, муаммоли баён қилиш, мауаммоли-қидириш, тадқиқ қилиш методлари Ўзини-ўзи кузатиш, ўзини-ўзи таҳлил қилиш, ўзини-ўзини назорат қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, зига-ўзи хисоб бериш, ўзини-ўзи қўллаб-кувваиляш, аутотренинг.

Фойда-ланиш макади	<p>1. Ижодий, коммуникатив ва ташкиллаштириш уқубларининг ва ташкиллаштириш уқубининг, гурухда ишлаш уқубларининг, амалий фаолиятнинг кўнималарининг шаклланишини таъминловчи билимларининг чуқурлашиш;</p> <p>2. Билимларини ижодий қўллаш уқубларини, илмий билиш методларини эгаллаш ва тадқиқ килиш, ижодий фаолият тажрбаларини тўплаш уқубларини ўқувчиларда ривожлантириш;</p> <p>3. Реал ҳётда амалда бўлган муаммоларни ҳал қилишга интилишларини; билимларини амалий фаолиятида қўллашини стимуллаштириш; ижодий фикрлаишни ривожлантириш; ишларни реал натижалар билан тугатиш (маҳсулот билан) укуби;</p> <p>4. Олинганд ахборотларни таҳлил қилиш, баҳолаш, таққослаш, вужудга келган вазиятни хисобга олган ҳолда итерпретациялаш, шахсий нуктай назарини аргументлаштириш уқубларини шакллантириш;</p> <p>5. Ўз таҳлилларини, кечинмаларини, ихтиёжларини ва қиликларини таҳлил қилиш. Ўқувчиларнинг ўзлари билан ташкил килинган тадбирларда , ижтимоий маданий амалиятда иштирок қилишда, анжумапларда чиқишлиарида ва ҳакозаларда , шахсий фаолияти рефлексиясида ўзини-ўзи таҳлил қилиши;</p> <p>6. Бажарилган ишлар түгрисида ўзига хисоб беришге урганиш, қасблик сина-малар, стажировкалар, тадқиқ қилиш ишларини ва ҳнатижаларини муҳокама қилиш имконияти;</p> <p>7. Шахсий фаолиятини нормативлик мезонлар нуктаи назаридан шахсий фаолиятини назорат қилиш, ўзининг мақсадли кулкларини ижтимоий нормаларга мос ҳолда тузиш имконияти, шахсий хусусиятларини (қизикиши, уқублари,қобилитлари) баҳолаш;</p> <p>8. Поедметни, курсни, мавзуни урганишнинг шахсий темпи ҳукуки ва кафолати, қабул қилишга сарфланган билимлар интерпретацияси, методлари, вақти;</p> <p>9. Экологик муаммоларни конкрет амалий вазиятлар орқали ҳал қилиш.</p>
--------------------	---

### Ўқитиш ва тарбия шакллари

Класси-фика-цияси	Дарс(асосий шакли)	Ўқишиш ишларини ташкил қилиш қўшимча шакллари (дасрдан ташқари, синфдан ташқари)
Метод-лар номи	Индивидуал таълим маршрути, оралиқдан ўқитиш, кейс-стади, ижодий уста-хона. Ташвикот бригадаси, экологик-психологик тренинг.	
Қўллаш мақсади	<p>1. Таълим фаолияти индивидуал имконияти, илмий тайёргарлигини индивидуал ёндошиш ва мустакил ижодий фаолиятини кучайтириш асосида даражасини кўтариш;</p> <p>2. ДТ?, замонавий воситалар, ҳажмий электрон кутубхоналар ва ҳ ни қўллаш хисоюидан таълим сифатини орттириш;</p> <p>3. Бадий-ижодий фикрлашини ривожлантириш, эмоционал-шахсий потенциалини ўқувчиларнинг экологик маданиятини тарбиялаш жараённида мақбуллаштиришга йўналтириш;</p> <p>4. Ўқувчилрнинг ижодий ўзини намойиш қилиши.</p>	

Ўспиринларда экологик маданиятни тарбиялашнинг ижодий босқичи экологик маданиятнинг шаклланишининг сифатли янги - юкори даражасига оlib чиқади.

Бошқа таълим муассасаларида моделларни муваффакиятли апробизациялашунинг сифатли характеристикалари (моделнинг асосий элементлери 11-17-сонли мактабларидаги апробизация қилинди) ҳақида гувоҳлик беради. Ўспиринларда экологик

маданиятни тарбиялаш жараёнининг ишлаб чиқилган моделининг самарадорлиги тажриба-синов ишларидан исбот килинди. Тавсия қилингандан моделни амалга ошириши тажрибаси параграф 2.2. да келтирилади

Үспиринларда ўрта таълим мұхитида экологик маданиятни тарбиялаш муаммоси бўйича ўтказилган назарий тадқикот қатор хуросаларни чиқариш имконини береди.

Экологик муаммоларнинг глобал характери асосида ўқувчиларнинг экологик маданиятини тарбиялашнинг келажак йўналишларини, ташкилий шаклларини ва методларни кидиришини алоҳида талаб қилинишини такоза қиласди.

Жамият ва шахснинг экологик маданияти илмий тушунча сифатида фалсафада, психология, педагогика, социология тушунтирилди ва баён қилинади ва мураккаб, кўп кирли кўп даражали муаммодир. Унинг мазмуни умузинсоний кадриятларга таянади, шунга кўра экологик гуманистик йўналиши касб қиласди. Унинг шаклланиши экологик таълимнинг хусусиятларини комплексли ва тизимли кўриб чиқилишини такоза қиласди, бунда улар жамиятнинг талабларининг ривожланиши билан тақкослашда улардан олдинда бўладиган тараққиётга эга бўлиши талаб қилинади.

Хозирги экологик вазиятда ўспиринларда экологик маданиятни тарбиялаш асосий вазифалардан хисобланади ва «инсон-табиат-жамият» тизимида ва табиатнинг ўзида табиатга муносабатида мавжуд бўлған ҳолда, шунингдек у билан ўзаро таъсири стратегия ва технологияларига мос келувчи ўзаро алокаларida гармонизация масалаларини ҳал қилишиб билан боғлади.

Шахснинг экологик маданиятини тарбиялашда экологик таълимга алоҳида роль берилади, у эса тизими билимларни ўзлатириши, экологик характердаги зарурли укуб ва қўнималарни ишлаб чиқилишини, шахс маданиятининг жумладан, экологик маданиятнинг фундаментал асосларини кўйишни таъминлайди.

Илмий адабиётларда экологик маданият ҳар хил аспектларда: таълим сифати кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг фаолиятининг натижаси сифатида қаралади, уларнинг табиатга муносабати намоён бўлади. Тадқик қилинаётган муаммомонинг ахволини аниклаштириш мақсадида илмий адабиётларга мурожат қилиш шунун кўрсатади, у шу кунга қадар на назарий, на амалий жиҳатдан ҳал қилинганича йўқ, бунга кўпгина нашрлар гувоҳлик беради, буларда «экологик маданият» тушунчасининг ўзига мазмунан ҳар хил фикрлар, шунингдек, уни тарбиялашнинг нуфузли йўналишлари аниклашниши мавжуддир.

Ҳар хил фикрларни таҳлил қилиш экологик маданият мазмунини тасдиқлаш имконини шахснинг умумий маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралади, у эса исоннинг атроф-мұхит билан ўзаро муносабатининг кўп қирралигини очиб беради. Биз экологик маданият дейилгандан ўспириннинг интегратив шахсий таълим мини тушунамиз, у эса унинг етакчи специфик характеристикаларини хусусиятларини: когнитив соҳада - аниқлайди –экологик маданиятни позитив қадрият сифатида англашни, эмоционаллайда - табиат билан мулоқатида юзага келадиган ахлоқий-эстетик сезим ва тўлқинланишларни, эрк соҳасида - табиатни асираш фаолиятини амалга оширишини, экологик муаммоларни ҳал қилишда ўзини-ўзи ижодий намоён қилишини аниқлайди.

Ўспиринларнинг экологик маданияти ҳар хил даражаларда шаклланиши мумкин. Экологик маданиятнинг шаклланишининг кўйидаги даражалари ажралади: элементар, ўртача, юкори. Экологик маданиятнинг ривожланиш даражаси муносабатлар сутркурасининг шаклланиши даражаси бўйича аникланади, унинг ташкил қиувлчилари эса когнитив, эмоционал, фаолият соҳалари (рацио, эмоцио, харакат) хисобланади. Ўспиринлар экологик маданияти структураси учта компонент: когнитив, эмоционал ва фаолият билан берилади. Уни баҳолаш учун мезонлари: билиш, эмоционал-ахлоқий; амалий аниқланган.

Ўспириларда экологик маданиятнинг шаклланганлик даражасини характерловчи ишлаб чиқилган мезоний күрсаткычлар тарбия жараёнида унинг даражалари мазмунини аниқлаш ва унинг ривожланиши даражаси динамикасини аниқлаштириш имконини яратди.

Давлатнинг талабларининг мазмунини ва социумнинг таълим суровларининг юкори даражасини таҳлил қилиб ўспириларда экологик маданиятни тарбиялаш жараёнининг муваффақиятли бўлиши учун таълим муассасасида таълим муҳитини яратиш зарур бўлади.

Биз таълим муҳитининг структуравий компонетлерини урганиб, у фазовий-предметлик муҳит, педагогик восита ва шароитлар, ижтимоий муҳитнинг жамламасидан ташкил топишини белгилаймиз. Ўспириларда экологик мажаниятни тарбиялаш жараёни моделини муваффақиятли амалга оширишни маълум педагогик шароитлар таъминлайди. Куйидагилар асосий педагогик шароитлар каторига киритилади: ўкув, дарсдан ташқари ва синфдан ташқари экологик мазмундаги фаолиятни интеграция йўли билан, ўспириларда экологик маданиятни самарали шаклланишини таъминлайдиган педагогик технологияларни таълим жараёнида кўллаш йўли билан ягона таълим фазосини ташкил қилиш; ҳаётнинг шахсий тарихи ва тарбияни хисобга олган ҳолда қадириятлар йўналишларини шакллантирган экологик маданиятга «кириши» жараёнини таъминлаш; ўспирилар ота-оналарининг экологик маданиятни тарбиялаш жараёнини амалга оширишда ишторок килишлари; ижтимоий фазо; тьюторлик кўллаб-куватлаш.

Ўспириларда таълим муҳити шароитида экологик маданиятни тарбиялашда шахсий йўналтирилган, фаолият, културологик ва муҳит ёндашувларига таяниш зарур. Ўспирилар экологик маданиятни тарбиялаш назарияси ва амалияти ахволини урганишнинг асосида биз томонидан мазкур интеграл сифатни тарбиялашнинг тамойиллари ажратилди.

Мақсадли ўспирилар экологик маданиятни тарбиялаш учун уларнинг ёш хусусиятларини хисобга олиш зарур, чунки кўпчилик экологик қадириятлар, билимларни қабул қилиш спецификаси, экологик аҳамиятга эга фаолият турларини эгаллаб олиш айнан бола ёшига бевосита боғлиқ бўлади.

Тадқиқотлар жараёнида ўрта мактаб таълим шароитида ўспирилар экологик маданиятни тарбиялаш жараёнининг модели ишлаб чиқилди. У мақсадли, мотивацыйон, мазмуний, процессыал ва натижавий блокларга эга бўлади.

#### Адабиётлар:

1. А.Тўхтаев, А. Хамидов «Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш» Т... «Ўқитувчи» 1994 й. (60-65 бетлар).
2. Юсупов П. «Мактабгача ўшдаги болаларга экологик тарбия бериш» Т...»Ўқитувчи» 1995й. (14-15, 94-130 бетлар).
3. Э.В.Гирусов. Методологические проблемы теории взаимодействия общества и природы: Дисс.... канд. филос. наук.- 09.00.01.-М., 1978.-18с.
4. И.Д.Зверев. Экологичность и образование Советская педагогика. 191 №1.-С.9-12.
5. В.В. Лисиченко, Н.Б. Лисиченко «Совершенствование системы экологического воспитания и образования учащихся». - Северодвинск: РИО СЕВМАШВТУЗА, 2003-128 с.
6. Э.Б. Тейлор «Первобытные культуры» <http://www.sati.archaeology.nsc.ru/taylor/taylor.html#chapter01> 17.01.2010.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада юкори синflарда ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари келтирилган

#### РЕЗЮМЕ

В статье представлены теоретические и практические вопросы развития экологической пловцов старших классов.

#### SUMMARY

The article presents theoretical and practical issues of the development of the ecological culture of senior swimmers

## ЗНАЧЕНИЕ ВОСПИТАНИЯ ВЫНОСЛИВОСТИ СТУДЕНТОВ СРЕДСТВАМИ КЛАСТЕРНОГО МЕТОДА С ПОМОЩЬЮ ФИЗИЧЕСКИЕ УПРАЖНЕНИЯ

*Mamatqulov R.S.*

*Преподаватель факультета Спортивная и допризывная военная образование.  
Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области.*

**Tayanch so'zlar:** sog'liq, tayyorlik, klaster, innovatsion faoliyat, sport va sog'lomlashshtirish klasterlarini rivojlantirish, mактабгача ta'limning bo'lajak o'qituvchilari.

**Ключевые слова:** здоровье, готовность, кластер, инновационная деятельность, развития спортивно-оздоровительных кластеров, будущие педагоги дошкольного образования.

**Key words:** health, readiness, cluster, innovation, development of sports and health clusters, future teachers of preschool education.

Жизнь и учеба современного студенчества с каждым годом становятся интенсивнее, требуя рационального расходования времени и сил. В этих условиях одним из средств повышения умственной и физической работоспособности может стать физическое воспитание. Поэтому целью физического воспитания в вузах является содействие всестороннему развитию личности, подготовке высококвалифицированных специалистов.

В Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области разработана программа развития системы педагогического образования, кластерного метода, которая учитывает основные потребности общеобразовательной практики.[1]

Правильные приседания в домашних условиях включаются практически в любой комплекс физических нагрузок, являются одним из эффективных базовых упражнений, дающих ощутимый и быстрый результат. С его помощью формируется красивая линия бедер, выразительные ягодицы, уходит лишний жир с нижней части туловища, сжигается масса калорий. Дополнительно — выполнение в быстром темпе ускоряет пульс, что дает весомую координированные нагрузки. Но как правильно приседать? Как выполнять это упражнение дома без тренера?

Здоровье Стопа — это самый дистальный отдел нижней конечности человека. Это значит, что она наиболее удалена от центра тела. Именно на стопы приходится вся нагрузка массы организма. Поэтому такая, на первый взгляд маленькая часть тела имеет очень продуманное строение.[2]

Раздел «Здоровье» — ваш подробный гид в вопросах здорового образа жизни. Тренировки, питание, любительский спорт — у нас только самая важная и полезная информация, которая поможет с каждым днем становиться лучше.

Польза приседаний

Приседания имеют ряд важных преимуществ:

- стройность и подтянутость нижней части тела;
- стимуляция выработки гормона роста, благодаря чему быстро происходит увеличение мышечной массы и формирование рельефа;
- укрепляются спинные мышцы;
- улучшается осанка;
